

**«ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ:
ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР,
ЭТНОГЕНЕТИК ВА ЭТНИК ТАРИХ»
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ
СЕМИНАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Тошкент шаҳри
2004 йил 19-20 ноябрь**

**«ПРОИСХОЖДЕНИЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА:
НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ,
ЭТНОГЕНЕЗ И ЭТНИЧЕСКАЯ ИСТОРИЯ»
МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОГО НАУЧНО-
ТЕОРЕТИЧЕСКОГО СЕМИНАРА**

**19-20 ноября 2004 года
город Ташкент**

Тошкент - 2004

СЕМИНАР ТАШКИЛОТЧИЛАРИ:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
Я. ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

Тахрир хайъати:

**Академик А. Асқаров, т.ф.д., проф. Д.А. Алимова,
т.ф.д., проф. М.М. Исҳоқов, т.ф.д., проф. А. Хўжаев, т.ф.н. А. Анорбоев**

Такризчилар: т.ф.д. Ш. Зиёмов
т.ф.н. Ж.К. Мирзаахмедов

ОРГАНИЗАТОРЫ СЕМИНАРА:

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

**ИНСТИТУТ АРХЕОЛОГИИ ИМЕНИ Я. ГУЛЯМОВА
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ИНСТИТУТ ИСТОРИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Редакционная коллегия:

**Академик А. Асқаров, д.и.н., проф. Д.А. Алимова,
д.и.н., проф. М.М. Исҳоқов, д.и.н., проф. А. Хўжаев, к.и.н. А. Анарбаев**

Рецизенты: д.и.н. Ш. Зиёмов
к.и.н. Дж.К. Мирзаахмедов

Ушбу Республика илмий-назарий семинар материаллари кўҳна ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг шаклланиши (этногенези) ва этник тарихига бағишланади. Мазкур материаллар тўплами этногенез ва этник тарихнинг назарий ва илмий-методологик асослари, мавзунини ўрганишга бўлган янги талаблар ва ёндашувлар, ўзбек элатининг халқ ва миллат бўлиб шаклланиш жараёнлари, Марказий Осиё даштларида қадимда яшаган қабилалар ҳақида Хитой ёзма манбалари, Марказий Осиёнинг қадим ва ўрта аср даври чорвадор қabila ва элатлари ўртасидаги иқтисодий, этномаданий ва сиёсий алоқалар, ўзбек халқи этногенези жараёнида қатнашган этнослар, этнонимлар ва ўзбек халқи менталитети каби масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Тўплам тарихчилар, археолог ва этнографлар, олий ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар йўналишида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилари ва ўзбек халқининг келиб чиқиши билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИНИНГ БАЪЗИ БИР НАЗАРИЙ ВА ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Тарих фанидаги мавжуд илмий ишланмага кўра, ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич - этногенез, иккинчи босқич - этник тарихдан иборат. Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шакллангунига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Халқ этногенези жуда узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён. Унинг ибтидоси қабила ва қабила иттифоқидан бошланади. Қачонким, айнан ўрганилаётган халқнинг этногенези яқунлангач, унинг этник тарихи бошланади. Этник тарих ҳам жуда узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, этник тарих ўз ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади. Мана шу илмий - методологик асосдан келиб чиққан ҳолда халқларнинг этногенези ва этник тарихи ўрганилади.

Халқларнинг келиб чиқиши масаласида, яъни этногенез ва этник тарихни ўрганишда махсус назарий ва илмий методологик ишланмалар борки, уларга асосланмай туриб, бирор халқнинг келиб чиқиши ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш қийин. Биринчидан, ҳар бир халқ ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир. Дунёда бирор халқ йўқки, ўзининг этногенез босқичида минтақадаги бошқа этник бирликлар билан аралашмаган бўлса. Бу ҳақда Ўрта Осиё халқлари тарихининг билимдони проф. С.П.Толтов шундай деган эди: «Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли халқлар ва теварак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган»¹. Бундан ўзбек халқи ҳам мустасно эмас. Шундай экан, Моварауннаҳр ва қадимги Хоразм ҳудудлари азалий ватани бўлган ўзбек халқининг илк аجدодлари икки тил - туркий ва эроний тиллар туркумидаги қабила ва элатлар бўлиб, уларнинг узоқ йиллар давомида аралашуви, қоришуви жараёнида ўзбек элати халқ бўлиб шаклланди. Демак, ўзбек халқи икки хил тилларда сўзлашувчи аجدодлардан, яъни этник бирликлардан таркиб топган.

Иккинчидан, этногенез ва этник тарихни ўрганишда тадқиқотчи биринчи навбатда ўрганаётган халқ этногенезининг қачондан бошланганлигини аниқлаб олмоғи керак бўлади. Чунки, этнос фақат кишилиқ тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлади². Этногенезнинг бошлангич нуқтаси эса этноснинг қадим замонларда яшаган «аждодлари»га бориб тақалади³. Ўзбек халқининг қадимги аждодлари кимлар эди? Улар Моварауннаҳр ва қадимги Хоразмнинг туркий ва эроний тил лаҳжаларида сўзловчи туб жойли ўтроқ ва чорвадор аҳолисидир. Бу икки хил тилда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг биринчи бор бир-бирлари билан аралашуви жараёни ўзбек этногенезининг бошланиши, дастлабки нуқтаси ҳисобланади.

Таникли шарқшунос олим, проф. А.Ю. Якубовский 1941 йилда Тошкентда чоп этган «Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида» номли рисоласида ана шу илмий принципдан келиб чиқиб, ўзбек этногенези Турк хоқонлигидан бошланади, - деган эди⁴. Мана шу хулоса асосида Ўзбекистон тарихининг дастлабки нашрлари чоп этилди. Фанда бу фикр ўз ўрнини топди. Лекин, қадимги Хоразмда кенг кўламги археологик ва этнографик тадқиқотлар олиб борган ва Ўзбекистон тарихини яратишда беқиёс илмий изланишлар ўтказган забардаст олим С.П.Толстов ўзбек халқи этногенезининг бошланиши Қанғ давлати

¹ Толстов С.П. *Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии*. СЭ, 1947. №VI-VII. С.304.

² Асқаров А. *Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари*. «Ўзбекистон тарихи» журналы. 2002 й. №4.

³ Асқаров А. *Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекской народы*. (Материалы к этнической истории населения Средней Азии). –Тошкент, 1986. С. 3.

⁴ Якубовский А.Ю. *Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида* – Тошкент, 1941. 6-7-бетлар.

доирасида содир бўлди, «Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган» деган ғояни кўтариб чиқди⁵.

С.П. Толстов ўртага ташлаган бу ғоя Ўзбекистон ҳудудларида олиб борилган кенг қўламли археологик ва антропологик материалларда ўз исботини тўлиқ топган⁶. С.П. Толстов ғоясининг кенг қўламли илмий исботи академик К.Шониёзов асарларида келтирилган⁷. Шунингдек, К. Шониёзов С.П. Толстов фикр-мулоҳазаларига баъзи бир аниқликлар киритиб, «Қанғ давлати ўраида мураккаб этник жараён юз берган. Аммо бу жараён ўзбек аجدодларига хос этногенетик жараён эди. Шу жараён туфайли Қанғ давлати ичида миллоддан олдинги II - миллодий I асрлар давомида мутлақо янги, туркий тилли халқ - қанғар элати вужудга келади. Бу элат эрон тилли халқлар билан туркий тилли қабилаларнинг аралашиб, қоришиб бориши натижасида ташкил топди», - деган хулосага келади⁸.

Таъқидлаш жоизки, XX асрнинг 70-80 йилларида Ўрта Осиё республикалари ҳудудларида, Қозоғистон даштлари, Тоғли Олтой ва Жанубий Сибирда катта масштабда археологик ва антропологик тадқиқотлар олиб борилди. Мутахассис олимлар қўлида бой фактик материаллар тўпланди. Бироқ, бу ҳудудларнинг қадимда яшаган аҳолисининг тили масаласида чиқарилган хулосалар объективлик, тарихийлик ва холислик тамойилларидан анча узоқ эди. Чунки, Совет тарихшунослиги эронпараст лингвистлар таъсирида (улар Совет даври тарихи ва тилшунослигида нуфузли мавкега эга эдилар) Қора денгизнинг шарқий соҳилларидан то Бойкалгача чўзилган чўлларда қадимда эрон забон аҳоли яшаган, бу географик кенгликнинг фақат Тоғли Олтой қисмидагина туркийлар яшарди, деган нотўғри тасаввур фанда ўрнашиб қолган эди⁹. Бундай тасаввур ҳозир ҳам нафақат Россия олимлари, балки Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонлик археолог ва тарихчилар орасида ҳам ҳукмронлик қилади.

Совет даврида тўпланган археологик ва антропологик материалларни қайта кўриб чиқиш, улар таҳлилига холислик асосида янгича ёндашиш, мустақиллик берган ғоявий эркинликдан фойдаланган ҳолда ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси роса минг йилга қадимийлаштирилди. Ўзбек халқи тарихи 3 минг йилдан кам эмас дейилди. Ўзбекларнинг икки хил тилда сўзлашувчи илк аجدодларининг нафақат иқтисодий ва маданий, балки этник жиҳатдан ҳам бир-бирларига яқинлашиш, аралашиб, қоришиб жараёни сўнгги бронза давридан бошланди, - деган хулосага келинди¹⁰. Бундай ўта масъулиятли хулосага келишимизда Хитой ёзма манбалари катта рол ўйнади.

Маълумки, Совет даври қадимшунослигида хунларни туркий забон қабилалар эканлиги тан олинган. Хунларнинг илк аждодлари бутун Сибир бўйлаб кенг тарқалишига қарамай, Хитой ёзма манбаъларининг Н.Я. Бичурин чала таржималарига асосланиб, туркий

⁵ Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ. 1947, №VI-VII. С.303,

⁶ Аскарлов А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекской народы. (Материалы к этнической истории населения Средней Азии). – Ташкент, 1986. С.8,10.; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. - Ташкент. 1982. С.70-80.; Ходжаев Т.К. Палеоантропология Средней Азии и этногенетические робелмы. - М., 1981. С. 19, 37-38.

⁷ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғарлар. - Тошкент. 1990.

⁸ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Тошкент, 2001. 19-бет.

⁹ Смирнов К.Ф. Е.Е.Кузьмина. Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических открытий. М., 1977 г. С.5-56; Кузьмина Е.Е. Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических данных. Сб. Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. М., 1981 г. С.101-125.; Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоиранцы?. Материальная культура племен Андроновских общности и происхождения индоиранцев. - М., 1994 г.; Дьяконов И.М. Прородина индоевропейцев (по поводу книги Е.Е.Кузьминой «Откуда пришли индоиранцы?» ВДИ. 1995 г. №1. С.123-130.; Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. - М., 1970 г. С.351-358; Бонгард-Левин Г.М., Грантовский Э.А. От скифии до Индии. -М. 1983 г.; Оранский И.М. иранские языки в историческом освещении. -М., 1979 г.

¹⁰ Аскарлов А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журналы. 1996 й. №6. 71-бет.; Аскарлов А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журналы. 2002 й. №4 55-бет.

халқларнинг ватани фақат Тоғли Олтой деб келинди. Бирок, Қозоғистон даштлари, жанубий ва жанубий-шарқий Ўрол орти районлар, Жанубий Сибир ва Тоғли Олтойдан топилган бронза даврига оид археологик ва антропологик материаллар айнан бир-бирларига ўхшаш, яқин, бир хил моддий маданият ва бир хил антропологик типдаги қабилалар эканлиги Совет даври илмий адабиётларида қайд этилсада (гап андронova маданияти қабилалари ҳақида кетаяпти), андронova маданиятининг Тоғли Олтойда яшаган жамоалари туркий тилли эди, қолган минтақаларда яшаган қабиладошлари эса эрон забон бўлган, - деган ғайри илмий фикр ҳукмрон эди¹¹.

Кейинги йилларда Хитой ва Япон олимлари бу масалага қатор аниқликлар киритишди, яъни қадимги Хитой подшоликларида «ши» деб аталган йилномачилар қадимги шимолий ҳитой подшоликларининг ғарбий ва шимолий чегараларида чорвадор туркий забон қабилалар яшаганликларини тақъдлайдилар, яъни «ши»лар мил. аввалги 2205 йилдан бошлаб Шимолий Хитойдаги кичик ҳокимликлар тарихини ёзабошлаганлар. Ана шу кичик ҳокимликлардан бири «Шя» подшолиги бўлиб, у шимолий Хитойда мил. аввалги 2205-1766 йилларда ҳукмронлик қилган. Сўнг, мил. аввалги 1766-1122 йилларда «Шонг» номли кичик ҳокимлик ҳукм сурган. Уларнинг ҳар иккаласи девонида «ши»лар фаолият кўрсатиб, нафақат ўз ҳокимликлари тарихини тошга, суякка ва хитой қамишига ёзиб борган, балки у ҳокимликларга чегарадош қабилалар ва элатлар ҳақида ҳам маълумот қолдирганлар. Тарихда ана шундай «ши»лардан Са Же ва Рюй Сунг исмли йилномачиларнинг номи бизгача етиб келган. Мил. аввалги 1 - минг йилликда «ши» лавозимидаги йилномачиларнинг сони кўпаяди, улар ёзадиган иш хажми ҳам кенгайган. Хотиралар ҳукмдорлар истаги асосида битилиб, ҳукмдорлар «Тангри фарзанди» сифатида илоҳийлаштирилади. Уларнинг фаолияти қонун, ахлоқ нормалари ва Тангри амри сифатида қабул қилинади. Сима Цян ана шу хотиралар асосида ўзининг «Тарихий хотиралар» асарини ёзган. Милодий 319 йилдан бошлаб нафақат тарихга оид хотиралар, балки тарихшуносликка доир асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Танг сулоласи даврида (618-907 й.) тарихий воқеаларни ёзиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу иш давлат монополиясига айланади. Йилномачи «ши»лар ёзиб борган расмий сулолалар 24 та бўлганлиги учун сулолалар тарихи 24 тарих, яъни «Эрши си ши» номини олган. 24 тарихнинг биринчи жилди Сима Цян қаламига мансуб «Тарихий хотиралар» бўлса, унинг охиригиси Минг сулоласи (1368-1644) тарихидан иборат. Хронологик жихатдан ушбу 24 тарих 3,5 минг йиллик тарихни ўз ичига олади. Ана шу тарихнинг Х асргача бўлган воқеаларни ўз ичига олган жилдлари хитойшунос олим Аҳаджон Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, бевосита Туркистон тарихи учун кўп қимматли маълумотлар беради.¹²

Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар»ида мил. аввалги 2205-1766 йилларда Шимолий Хитойнинг «Шя» кичик ҳокимлигини ғарбий ва шимолий томонида «ху» ёки «хулу» деб аталган халқлар яшайди дейилган (Хитой тили катта иероглифлар луғати. 3-жилд, 2057 бет; Сиюан. Сўзлар этимологияси. 1218 бет). Хитойшунос олим А.Хўжаевнинг айтишича, «ху» ва «хулу» туркийча «хўр» атамасининг хитойча талаффусидир. «Хўр» қадимий туркийда эркин, озод, бир жойга боғланиб қолмаган, кўчманчи халқ маъносини англатган. Хитой тилида ундош «р» товушини талаффуз этиш мумкин бўлмаганлигидан хитойлар «хўр»атамасини «ху» иероглифи билан ифода этишган. Кейинроқ шарқий «ху»лар хитойчада «дунгху» деб аталиб, ушбу атама рус адабиёти орқали ҳозирги замон тилимизга «тунгус» талаффуси билан кириб келган. «Ху»ларнинг ғарбий қисми эса «рунг» ва «ди» деб аталган иккита қабилага бўлинган. «Ди»лар ўз навбатида кизил ди («чи ди»), катта ди («жонг ди»), оқ ди («бай ди») ларга бўлинган. «Рунг»лар эса ғарбий рунг-«ши рунг», тоғли рунг-«шан рунг» ва ўрмонли

¹¹ Смирнов К.Ф., Кузьмина Е.Е. Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических открытий. М., 1977; Кузьмина Е.Е. Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических данных // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. М., 1981; Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? // Материальная культура племен Андроновской общности и происхождения индоиранцев. - М., 1994.

¹² Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият». – Тошкент, 2003. 178-184-бетлар.

рунг-«линг рунг» каби қисмларга бўлиниб яшаган. Хан сулоласи тарихининг хунлар тазкирасини иккинчи қисмида «жанубда буюк Хан мавжуд, унинг шимолида кучли «ху» мавжуд» деб хунларга ишора қилинган. Шарқий Хан тарихчиси Чженг Шюан «ху» ҳозирги сюнну», яъни хун деб ёзган (Хитой тили катта иероглифлар луғати, 3-жилд, 2057 бет).

«Ди»лар баъзи қадимий хитой ёзма манбаъларида «динглинг» деб ёзилган. А.Хўжаевнинг таъкидлашича, қадимги хитой ёзма манбаъларида «д» товуши «т» товуши билан, «т» товуши эса «ч» товуши билан алмашиб, «динглинг» атамаси «тинглинг» деб талаффуз қилинган. Кейинроқ, «нг» товуши ҳам тушириб қолдирилиб, «тинглинг», «тэле», «чэле» ёки «чиле» бўлиб кетган. Демак, ди, динглинг, тинглинг, теле, чэле, чиле «ху»нинг авлодлари, милодий III-VI асрларда улар «туро» номи остида юритилган. «Тэле»-«туро» аслида битта қабиланинг номи бўлмай, балки VI асргача Марказий Осиёданнинг Қозоғистон чўллари ва Жанубий Сибир даштларида, Тоғли Олтой ва жанубий-шарқий Ўрол орти районларида яшаган барча туркий қабилаларнинг умумий номи бўлган. Шимолий сулола тарихида келтирилган маълумотларга кўра, хунлар хоқонлиги емирилгандан кейин Атилла билан ғарбга кетмай ўз жойларида қолиб кетган туркий қабилалар туро (хитойча теле) номи билан аталиб, улар таркибида 44 та қабила мавжуд бўлганлиги қадимги Хитой манбаъларида келтирилади (Кўхна Танг сулоласи тарихи. 199 боб, 2-қисм, 15393 бет).

Шундай қилиб, юқорида келтирилган қадимги хитой ёзма манбаълари тахлилига кўра, Шимолий Хитой ҳокимликлари «ши»ларининг хотираномаларида номлари тилга олинган «Шя» ва Шонг» кичик подшоликларининг шимолий ва ғарбий чегараларида мил. аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярми ва II минг йиллик давомида «Ху» ва «Ди» номлари остида чорвадор қабилалар яшаган. Айнан шу вақтда археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, бу жойларда, яъни Шимолий Хитой кичик подшоликларининг шимолий ва ғарбий чегараларида андронов маданияти қабилалари кенг тарқалган эди. Улар хитой «ши»лари айтганидек, чорвадор қабилалар бўлиб, Шимолий Хитой ҳокимликларига тинчлик бермаганлар. Буюк Хитой деворининг пайдо бўлиши ҳам ана шу кўчманчи чорвадорларнинг шимолий Хитой кичик подшоликларининг экинзорларини тез-тез пайхон қилаверганларидан бошлаб юз берган. Шарқий Хан тарихчиси Чженг Шюан айтганидек, «ху»- ҳозирги «сюнну», яъни хунлар эди. Демак, чорвадор «ху»лар туркийгўй қабилалар бўлган. «Ху»нинг авлодлари «ди»лар, «динглинг», «тинглинг», «тэле» ва «туро»лар ҳам туркий қабилалар эканлигига энди шубҳа қолмади. Шундай қилиб, ўзбек этногенезининг бошланиши милоддан аввалги II-минг йилликнинг охирида юз берди¹³. Бу даврда эса Ўрта Осиё худудларида, жумладан Моварауннаҳр ва Қадимги Хоразмда нафақат эроний тилли қабилалар, балки туркий тилли қабилалар ҳам кенг тарқалган эди. Уларнинг моддий маданият ёдгорликлари Ўрта Осиё худудларининг барча минтақаларида очиб ўрганилган. Уларнинг Қадимги Хоразм худудларида истиқомат қилган қабиладошлари нафақат чорвачилик билан, балки мил. авв. II минг йилликнинг охири чоракларидан ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар¹⁴. Демак, Б.В.Андреановнинг Қадимги Хоразмнинг суғориш тарихини ўрганиш борасида ўтказган тадқиқотлари ўзбекларнинг сўнгги бронза даврида яшаган туркийгўй аجدодлари ҳам ўтроқлаша бошлаганлигидан гувоҳлик беради.

Халқларни келиб чиқиши масаласидаги талаблардан учинчиси - ҳеч қачон этнос аждодларининг антропологик типи ва тили этнос тили ва типи билан бир вақтда юз бермаслигини унутмасликдир. Чунки, этногенез тарихининг илк босқичларида этник бирликлар, айниқса уларнинг тили ва типи ҳали шаклланмаган. Тил, тип ва этник бирлик тушунчалари ҳар хил давр воқийлиги бўлиб, уларнинг шаклланиш жараёни бир даврда юз бермайди¹⁵.

¹³ Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журналы. 1996. №6.

¹⁴ Андреанов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – М., 1969.

¹⁵ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журналы. 2002., №4. 55-бет.

Тўртинчидан, этнос, бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. У кишилиқ тараққиёти маълум бир босқичининг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этни қатламлар қўшилиб боради. Бу табиий ҳол. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, у ўз этногенез жараёнининг илк босқичларидан то миллат даражасига кўтарилгунича бошқа этник қўшилмаларсиз ривожланган бўлса. Демак, ер юзининг барча халқлари келиб чиқиши жиҳатидан кўп этник қатламлидир. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи бунга яққол мисол бўлаолади. Дарҳақиқат, ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларидан то халқ сифатида шаклланиб бўлгунига қадар унинг асосий таркибини ташкил этган автохтон суғду-хоразмий ва қадимги туркий забон этник қатламлардан ташқари ўзига турли даврларда ҳар хил миқдорда маҳаллий ва теварак-атрофлардан келиб қўшилган этник гуруҳларни сингдириб борди.¹⁶

Бешинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихини ўрганиш этник бирликнинг шаклланиш жараёнини илк босқичдан бошлашни тақозо этади. Этник бирликни пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг этносга айланиши жуда қадим-қадим замонлардан бошланиб, то унинг халқ бўлиб шаклланишга қадар давом этадиган бутун бир тарихий жараёндир. Этнос тарихининг муҳим босқичларидан бири эса унинг узил-кесил шаклланиш жараёнини ниҳоясига етишидир. Агар этнос шаклланиши ниҳоясига етган бўлса, унга кейинроқ қўшилган этник компонентлар шаклланган этнос таркибини ўзгартириб юбора олмайди, балки унинг таркибида этнографик гуруҳлар сифатида узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий воқийлик таъсиридан сўнг этнос таркибига сингиб кетади. Масалан, шундай ҳолат ўзбек халқи тарихида юз берган, яъни XI-XII аср биринчи ярмида узил-кесил шаклланган ўзбек халқи таркибига XIII аср биринчи ярмидаги мўғул истилолари ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёга шайбонийларнинг кириб келиши муносабати билан ўзбек халқи таркибининг асоси ўзгариб қолмади, аксинча улар жанубий Сибир антропологик типининг тимсоли сифатида Зарафшон водийси, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғ олди ва чўл минтақаларида узоқ вақт алоҳида этнографик гуруҳлар бўлиб яшай бердилар. Уларнинг бадавлат аслзода табақаси шаҳарларга ўрнашиб, Ўрта Осиё ўзбек хонлиқларини бошқарсалар ҳам, уларнинг маҳаллий туб жойли аҳоли таркибига сингиши жуда секин кечди¹⁷.

Олтинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихи билан шуғулланганда нафақат этник бирликнинг бошланғич жараёнини, балки унинг кейинги даврларини, унга ҳос этник белги ва аломатларни аниқлаб, ўрганиб боришлиқ талаб этилади. Чунки юқорида таъкидлаб айтганимиздек, этник бирлик белгилари бир вақтда пайдо бўлмайди, балки этногенез жараёни давомида босқичма-босқич таркиб топиб боради. Этнос белгилари орасида тил бирлиги, этномаданий бирлик ва ўзликни англаш бирлиги алоҳида аҳамият касб этади. Кўтарилган масалалар бўйича этнос шаклланишининг назарий асослари билан шуғулланган қатор олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, археолог В.Ф. Генинг этник белгиларни этносни уюштирувчи этник омиллардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томони шундаки, улар доим этник маъно ва мазмун касб этади, дейди¹⁸. Этносни уюштирувчи объектив омилларга у худудий бирлик, иқтисодий хўжалиқ бирлигини киритиб, булар этник муносабатлар ва этник онгни туғилишига асос беради, дейди. Этнограф Л.П. Лошук ва П.К. Козловлар тил этник бирлик шаклланишининг муҳим шартидир, тил нафақат этник омил, балки этник белги ҳамдир, - дейдилар¹⁹. Аммо этногенез масалалари билан шуғулланувчи қатор олимлар тилни этник омилга киритмайдилар, тил фақат этник белгидир, - дейдилар²⁰. Этник белгилар ичида ўзликни англаш бирлиги ўта муҳим аҳамиятга эга

¹⁶ Ўша манба. 55-бет.

¹⁷ Ошанин Л.В. *Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез его народов. Ч.1-3. Ереван. 1957-59. С.59.*

¹⁸ Генинг В.Ф. *Этнический процесс в первобытности. Свердловск, 1970. С.23.*

¹⁹ Лошук. Л.П. *О формах донациональных этнических связей // «Вопросы истории». №4. - М., 1967. С.80; Козлов В.И. Динамика численности народов. - М., 1969. С.26-28.*

²⁰ Крюков М.В., Софронов М.В., Чебоксаров Н.М. *Древние Китайцы. Проблемы этногенеза. - М., 1978. С.4.*

эканлиги хақида этнографлар алоҳида тақидлайдилар. Этнограф В.В. Мавродин тил ва ўзликни англаш бирлиги элатни халқ сифатида бирлаштирувчи муҳим омилдир, - дейди²¹.

Шундай қилиб, этногенез ва унинг этник ривожланишини ўрганишда этник белгилар ва этник омилларнинг таркиб топиш жараёнини кузатиб бориш этногенетик илмий тадқиқотларнинг тўғри йўналишда эканлигини таъминлайди. Этник омиллар таркибини худудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва сиёсий уюшма бирлиги, яъни этноснинг маълум бир давлат доирасида уюшқоқлиги ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий қисматнинг умумийлиги қиради. Юқорида тақидлаганимиздек, уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки улар узоқ давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради. Қачонки, уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён яқун топиб, этник тарих, халқ тарихи бошланади²².

Еттинчидан, этногенетик жараёни ўрганишда масалага комплекс ёндашиш, яъни этногенезга алоқадор фан ютуқларидан фойдаланиш муаммо ечимига илмийлик бағишлайди²³. Этногенез муаммоларини халқ этишда фойдаланаётган бирламчи манбаъларнинг нисбати ва хусусиятини билиш муҳимдир. У бирламчи манбаъларни этнография, антропология, археология, лингвистика, ёзма ёдгорликлар, топонимика, нумизматика, эпиграфика ва бошқалар ташкил этади. Уларнинг ҳар бири этногенез ва этник тарих учун қимматли маълумот беради.

Этногенетик жараёни ўрганишда учта масалага ойдинлик киритиб олиш зарур. 1) Ўрганилаётган этнос туб ерлими ёки келгинди? 2) Ўрганилаётган этнос асоси бир компонентлими ёки кўп компонентли? 3) Ўрганилаётган халқ этник уюшмасининг ўзаги дастлаб қаерда таркиб топган? Тадқиқотчи ўз олдига шу саволларни кўяр экан, доима бир нарсани ёдда тутиши керакки, ҳеч қачон этник уюшманинг «моногенези» бўлмайди. Дунёда бирор халқ йўқки, у кўп компонентли бўлмаса.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини назарий масалалари билан таниқли элшунос олим-академик К.Шониёзов ҳам шуғулланган. У ушбу масалада 1998 йилда «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида «Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар» номли мақола эълон қилди. Мана шу мақоласини тўлдирилган вариантини 2001 йилда чоп этилган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» китобида қайта чоп этди²⁴. Ушбу мақолада этногенез ва этник тарихга доир қатор махсус атамаларга, жумладан этнос, этник бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субэтнос) ва этник гуруҳларга тариф берилган ва уларнинг мазмун ва асл моҳияти яхши очилган.

Афсуски, ишда миллат тарифи, унинг шаклланиши билан боғлиқ талабларни очиб бериш жавобсиз қолган. К.Шониёзов тушунчасига кўра, «элат билан миллат атамалари ҳали фанда обдан такомиллашгани йўқ»²⁵. Албатта, биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Чунки, миллат билан халқ таърифига қўйилган талаблар ташқаридан қараганда бир-бирларига ўхшаш кўринсада, аммо, моҳият жиҳатдан улар бир маънони англамайди. Биринчидан, халқ узил-кесил шаклланган феодализм жамиятининг ижтимоий маҳсули, миллат эса капиталистик жамиятнинг ижтимоий маҳсулидир. Иккинчидан, халқни уюштирувчи этник омиллардан-худудий бирлик чегаралари тарих тақозосига кўра, ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлади. Аммо, миллат давлат чегаралари - қатъий, мутлақо дахлсиз, жаҳон жамоатчилик ташкилотлари томонидан тан олинган ва муҳофазали бўлади. Учинчидан, халқ шаклланган пайтда ҳамма вақт ҳам унинг этник номи бўлавермайди, халқ миллат даражасига

²¹ Мавродин В.В. К вопросу о складывании Великооруской народности и русской нации. СЭ, №1. 1947. С.89.

²² Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали. 2002, № 4. 57-бет.

²³ Крюков М.В., Софронов М.В., Чебоксаров Н.М. Древние Китайцы. Проблемы этногенеза. - М., 1978. С.11.

²⁴ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001. 74-102-бетлар

²⁵ Ўша манба. 77-бет.

кўтарилганда эса унинг этник номи бўлиши шарт. Масалан, ўзбек халқи номи унинг элат сифатида шаклланиб бўлгандан анча кейин пайдо бўлди. Тўртинчидан, халқнинг сиёсий уюшмаси - давлат тарих тақозасига кўра, ҳамма вақт ҳам этнос номи билан аталавермайди, аммо, халқ миллатга айланганда давлат номи миллат номи билан юритилиши шарт. Бешинчидан, этноснинг халқ даражасида ўзликни англаш, миллий ғурур, ватан фидоиси бўлиш, ўз халқидан фахрланиш хисси ўша давр жамияти тартиб-қоидаларига кўра, кўпчилликда бир хил, юксак даражада бўлмайди. Аммо, халқ миллат даражасига кўтарилганда бу сифатлар юксак даражада бўлади. Олтинчидан, этноснинг тил бирлиги элатнинг халқ даражасида ҳамма вақт ҳам давлат мақомини олавермайди, халқ миллат даражасига чиққанда унинг тили албатта давлат мақомини олиши шарт. Еттинчидан, менталитет этноснинг халқ даражасида эмас, балки миллат даражасида шаклланади ва ниҳоят, саккизинчидан, миллат узил-кесил шаклланганда давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат халқ хизматчиси, барча соҳаларда миллат талаби ва хохиш-иродасини бажарувчи механизмга айланади.

Демак, миллатнинг шаклланиши этногенетик жараён каби узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юқори юксак чўққиси, камолат босқичи, биринчидан, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади; иккинчидан, миллат номи билан юритилган давлат чегаралари қатъий, дахлсиз, жаҳон жамоатчилик ташкилотлари томонидан тан олинади; учинчидан, аниқ ҳудудий чегарада муомалада бўлган умум миллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади; тўртинчидан, аҳолининг ўзликни англаш даражаси фуқораларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади; бешинчидан, миллатга хос миллий менталитет шаклланади; олтинчидан, давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат миллатнинг хохиш-иродасини бажарувчи механизмга айланади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўзбек халқининг таркиб топиши ва унинг миллат мақомини олиш жараёни ҳақида, тезис тарзида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: Ўзбек халқи келиб чиқиши бўйича икки хил тилда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг аралашуви ва қаришувидан таркиб топган экан, бу икки тилда сўзлашувчи жамоаларининг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви археологик ва антропологик материалларга кўра, сўнгги бронза даврида юз берди. Бу даврни ўзбек халқи этногенезининг бошланиши, деб ҳисоблаш мумкин. Сўнгги бронза давридан бошланган ассимиляция жараёни антик даврига келиб, ўзбек халқига хос иқтисодий хўжалик, этномаданий ва антропологик тип бирликларини ўзида мужассамлаштирувчи, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон таркиб топди, ўзбек халқига хос антропологик типнинг мақон ва замони аниқланди. Бу ҳудудий майдон Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси бўлиб, милодий II-I асрларда мана шу ҳудудда ўзбек халқига хос антропологик тип - «Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи» шаклланди²⁶. Бу ҳудудда туркий ва суғдий тилли қабилалар иттифоқи асосида Қанғ давлати ташкил топди. Ушбу минтақа иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ҳаётдан гувоҳлик берувчи «Қавунчи маданияти» шаклланди²⁷. «Қарунчи маданияти»ни шаклланишида туркий забон хун қабилалари ва қанғиллар катта рол ўйнаганлар. Оқибат натижада, миллоддан олдинги II - милодий I асрлар давомида туркийгўй қанғар элати таркиб топди²⁸. Бу даврга ўзбек этногенезининг иккинчи босқичи сифатида қараш мумкин.

Ўзбек халқи этногенезининг учинчи босқичи илк ўрта асрлар даврини ўз ичига олади. Илк ўрта асрлар даври кушонлар империяси ва Қанғ давлатининг инқирози билан бошланди. Ўрта Осиё ҳудудларига туркийгўй хиёнийлар, кидарийлар, эфталийлар ва Турк хоқонлиги кириб келди ва улар билан бирга кириб келган қабилалар таркибида қарлуқ, чиғил, тухси, аргун, турк, калтатой, мусабозори каби туркий забон қабилалар кўп эди. Уларнинг

²⁶ *Ходжаев Т.К. Палеоантропология Средней Азии и этногенетические пробелы. - М., 1981. С. 19, 37-38.*

²⁷ *Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. -Ташкент, 1982. С.70-80.; Филанович М.И. Ташкент. Зарождения и развитие города и городской культуры. -Ташкент, 1983. С.135-152.*

²⁸ *Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Тошкент, 2001. 19-бет.*

кўпчиллиги маҳаллий туб жойли аҳоли билан аралашиб яшай бошлади, уларга хос анъанавий ҳаёт тарзи Ўрта Осиёнинг тоғ олди минтақаларида ярим ўтроқ ярим кўчманчилик билан кун кечираётган туркийларда давом этади, бадавлат чорвадорлар эса янги яйловлар қидириб, кенг даштларга қайтадилар. Илк ўрта асрларда туркий қабилаларнинг бу заминга кириб келишининг кети узилмайди. Бу ҳақда проф. А.Ю. Якубовский тарихий ёзма манба материалларини кўп келтиради²⁹. Боз устига, бу ерда Турк хоқонлиги деярли 100 йил ҳукмронлик қилди. А.Ю. Якубовскийнинг такидлашича, бу даврда Ўрта Осиёнинг бирор жойи қолмадики, у ерларга туркий қабилалар кириб бормаган бўлса³⁰. Бу даврни ўзбек этногенезининг учинчи босқичи дейиш мумкин.

Моварауннаҳр ерларини араблар эгаллагач, улар бу заминга туркий қабилаларини мунтазам кириб келишини тўхтатиш йўлини қидирдилар. VIII аср давомида бу заминга олдинроқ кириб келиб ўрнашиб қолган туркийларнинг ўтроқлашиши жадаллашди. Натижада, бутун VIII аср давомида Моварауннаҳр худудларида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга келади, маҳаллий суғдий забон аҳоли орасида туркийлашиш жараёни жадаллашди. Бу даврда нафақат шаҳар аҳолиси таркибига, балки кишлоқ аҳолиси ичига ҳам ўзбекларга хос тип - «Ўрта Осиё икки дарё оралиги тип» кириб борди. К. Шониёзовнинг кузатувларига кўра, IX-X асрларда ҳам бу этногенетик жараён, яъни туркийларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши жадал давом этади. Бу асрларда Моварауннаҳрда гарчи сиёсий ҳокимият сомонийлар қўлида бўлсада, Моварауннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлди. Бу кучли этник асосни аксарият кўпчиллигини ўтроқлашган турғун турклар ташкил этарди. Бу даврга ўзбек халқи этногенезининг тўртинчи босқичи сифатида қараш мумкин бўлар. Қорахонийлар даврида Моварауннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолалар қўлига ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якунловчи босқичи бошланади. Ўзбекка хос туркий этнос минтақада қарор топади. Элатга хос барча этник омиллар руёбга чиқади. Қардош туркий тилли халқлар олим-фузалоларини ҳозиргача эътирозига сабаб бўлиб келаётган умумтуркий тил – Маҳмуд Қошғарий тили ичидан қарлуқ-чигил лаҳжалари асосида элатнинг жонли сифатида эски ўзбек тилига асос солинади. Бу жараён Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида юз берди. Демак, ўзбек элати халқ сифатида XI-XII асрнинг биринчи ярмида узил-кесил шаклланди.

Ўзбек халқининг шаклланиши билан унинг этник тарихи бошланади. Ўзбек халқининг этник тарихи ҳам узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, бу жараён минтақада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топабошлаган давргача, яъни XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача давом этди. XX аср бошларидан ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни бошланди. Бу тарихий жараён ҳозиргача давом этмоқда.

Ш.Б. Шайдуллаев
(ЎЗР ФА Археология институти)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БРОНЗА ДАВРИ АҲОЛИСИ ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбек халқининг этник тарихи шу худуд тарихи билан бевосита боғлиқ. Ўзбек халқи аجدодлари элат бўлиб Ўрта Осиёнинг Бактрия, Сўғдиёна, Шош, Фарғона, Хоразм каби тарихий ўлкаларида ва шу ўлкаларга туташ бўлган худудларда яшаб келган.

Бронза даврида Ўрта Осиёда кўчманчи чорвачиликка ва ўтроқ деҳқончиликка асосланган маданиятлар аҳли яшашган. Ушбу маданиятлар аҳолисининг этник таркибини ўрганишга антрополог ва археолог олимлар доимо қизиқиш билан ёндашишган. Ўрта Осиёнинг бронза даври аҳолисининг этник таркиби хусусида антрополог олимлар деярли

²⁹ Якубовский А.Ю. *Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида.* -Тошкент. 1941.

³⁰ *Ўша манба.*

бир хил фикрда, улар бронза даврида Каспий денгизи бўйларидан то Помирғача бўлган худудларда Ўрта ер денгизи ирқига мансуб аҳоли яшаган деб ҳисоблашадилар³¹.

Археологик жиҳатдан ўрганилаётган маданиятлар эса анча хилма-хилдир. Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида асосан ўтроқ - деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаган. Шу худудда Номозгоҳ маданияти (Номозгоҳ IV-V) очилгандан сўнг фанда ушбу маданият аҳолисини арийлар деб аталган. Айниқса, Жанубий Ўзбекистонда Сополли ва Шимолий Афғонистонда Даштли маданиятлари очилгандан сўнг бу ғоя янада кучайган³².

Сўнгги йилларда Номозгоҳ маданиятининг асосий ижодкорларидан бири В.М. Массон бу ғоядан қайтди ва «...бу маданият соҳиблари арийлар эмас, балки дравид ёки элам тилли бўлган», - деган фикрни илгари сурмоқда³³.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида дравид тилли бўлган деган ғоя тарқалган эди³⁴. Бу ғояни ўз вақтида Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланувчи забардаст олимлар ҳам қўллаб қувватлаган³⁵. Б.А.Литвинский бу фикрни Амударёнинг чап томонида жойлашган Хараппа маданиятига оид Шўртўғай ёдгорлиги мисолида исботлашга ҳаракат қилади. Афсуски, Хараппа маданиятига оид бошқа ёдгорлик Ўрта Осиё худудида топилгани йўқ. Дравид тиллилик ғояси тарафдорлари Ўрта Осиёнинг антропологик манбаларини ниҳоятда яхши билишсада, ўз асарларида ундан фойдаланишмайдилар. Тўғрироғи, эслаб ўтишни истамайдилар. Маълумки, Дравидоидлар экватор атрофида тарқалган ирқ бўлиб, қоратанли кишилар ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, Сополли маданияти ва умуман бронза даври Ўрта Осиё антропологияси жуда яхши ўрганилган, лекин антропологик жиҳатдан экватор ирқига оид манбалар деярли учрамайди. Шу фактнинг ўзи ҳам Ўрта Осиё аҳолисининг бронза даврида дравид ирқига оид эмаслигини ёки дравид тилли бўлмаганлигини тасдиқлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, антропологлар Каспийдан Помирғача бўлган худудда Шарқий Ўрта Ер денгизи ирқига оид аҳоли яшаганлигини қайта-қайта таъкидлашган. Академик Э.В.Ртвеладзе Ўрта Осиё бронза даври аҳолисининг тилини ҳам шу ердан кидириш керак, - дейди ва Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида хуррит тилли бўлган деб С.П. Толстов ғоясини «қайтадан уйғотди»³⁶.

Э.В. Ртвеладзе шу мақоласида Қадимги Шарқ халқларига хос бўлган ёзувларнинг тарқалиш географиясини тузиб чиққан. Унинг ёзишича, хуррит ёзуви Каспий денгизининг жанубий қирғоқлари - Форс кўрфазининг шимоли-шарқий қирғоқлари - Марказий Эрон йўналишида тарқалган. Ҳақиқатдан ҳам шундай, Каспий ва Урмия кўли атрофларида хуррит ёзуви тарқалган. Бу Жанубий Туркменистондан бир неча юз километр, холос. Шу географик тарқалишни асос қилиб Э.В. Ртвеладзе Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида хуррит тилли бўлган деб ҳисоблайди. Э.В.Ртвеладзе ўз ғоясини яна бир маълумот билан қувватлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича ўзбек уруғларидан бўлган «митан» уруғи билан хуррит давлатидаги «митани» номларининг ўхшашлиги мисол қилиб олинган. Ўзбек топонимларидан «урмитан», «хурмитан» (Бухора), «хуаразм» (Хоразм - хурритлар ери маъносида) каби этнопонимларни ҳам хурритлар номи билан боғлайди³⁷.

³¹ Т.К.Ходжаев. *Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитена – Ташкент, 1977.*

³² Э.А.Грантовский. *Иран и иранцы до Ахеменидов. М., 1998. С.41.*

³³ В.М.Массон. *Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока). ВДИ, 1977, №4.*

³⁴ Толстов С.П. *Древний Хорезм. М., 1948. С.68; Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. М.-Л., 1948. С.86.*

³⁵ Литвинский Б.А. *Бронзовый век. История таджикского народа. Том I. М., 1963; Массон В.М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока). ВДИ, 1977, №4.*

³⁶ Э.В.Ртвеладзе. *К вопросу о субстратном языке юга Средней Азии (III-II тыс. до н.э.) // В книге «Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика илмий назарий анжумани материаллари). Тошкент, «Академия» нашриёти, 2001, 124 бет.*

³⁷ Ртвеладзе Э.В. *Кўрсатилган асар, 125 бет.*

Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликларидан биронта хуррит тили ёзувининг топилмаганлиги ва умуман Э.В. Ртвеладзенинг хурриттиллик ғояси ҳақиқатдан жуда йироқ ва биронта фактик манбага таянмаган.

Ўрта Осиёнинг бронза даври аҳолиси тўғрисида А.А.Аскаронинг умумий фикри шундай: «...қадимги деҳқончилик маданияти соҳиблари, Ўрта Осиёнинг шимолидаги чорвадор қабилалар, мумкинки Жанубий Рус чўл зоналари халқлари бир тилда - Эрон тилли ва шу тил лаҳжаларида гапиришган. Менинг фикримча сополли ва кучуктепа маданияти халқлари тил жиҳатидан бир-бирини тушунишган, шу тил асосида Қадимги Бактрия тили вужудга келган, яъни Эрон тили лаҳжаларидан бири».³⁸

Сўнгги йилларда А.А. Аскарон «андронова маданиятининг бир қисм аҳолиси турк тилли бўлганлиги» хусусидаги ғоя билан чиқди³⁹. Ҳозирча ушбу ғоянинг тарафдорлари камчилликни ташкил этса-да, Қозоғистонлик археолог К.М. Байпаков андронова маданияти аҳолисининг бир қисми турк тилли бўлган, - деган фикрни олға сурмоқда⁴⁰. Бу ғояларнинг асоси Қадимги Хитой йилномаларида келтирилган ёзма манбалар ҳисобланади. Маълумки, ушбу йилномаларда Хитойнинг шимолида милoddан аввалги III-I минг йилликларда «ди» - «тиек» - «тиеук» - «турк» халқлари яшаганлиги тўғрисида маълумотлар берилган⁴¹.

Ўрта Осиё худудларида андронова ва сакларнинг генетик бирлиги хусусида антропологлар⁴² ва археологлар⁴³ ўз фикрларини билдиришган. Тарихий шароитларга қараб андронова маданиятининг милoddан аввалги VIII асргача яшаб келганлиги Жанубий Урал ва Қозоғистонда кузатилган⁴⁴. Яна бир масалага ойдинлик киритиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз, айрим худудларда андронова ва сакларнинг моддий маданиятида ўхшашлик сезилмаса, Тагискен маданияти билан дандибой-бегази ёки карасук маданиятлари ўртасида майитни кўмиш ва сополлар ўртасида ўхшашликлар кузатилган⁴⁵. Бу ҳолат Хоразм сакларининг (массагетларининг) ерли маданият соҳиблари эканлигини тасдиқлайди. Улар ўтроқ деҳқончилик билан машғул бўлган жануб халқлари билан доимий маданий алоқада бўлишган. Орол бўйларида яшаган сак қабилалари моддий маданиятида жануб сополларининг учраши А.С.Сагдуллаев мақолаларида ҳам ёритилган⁴⁶.

Афсуски, ҳозирги фанимизда сакларни ҳам эрон тилли бўлган, - деган фикрлар мавжуд.⁴⁷

Жарқўтондан топилган эркак кишининг бюст ҳайкали асосида жарқўтон аҳолисининг ташқи тузилиши ҳақида тасаввур пайдо бўлди. Шу вақтгача жарқўтон ва бўстон қабрларидан кўплаб ҳайкаллар топилган бўлиб, уларда инсон қиёфаси антропоморф кўринишида ифодаланган эди. Жарқўтон аркидан топилган бюст ҳайкалда эса инсон қиёфаси ҳаётий тарзда тасвирланган. Шу ҳайкал асосида фикрлайдиган бўлсак, жарқўтон аҳолиси европоид иркига оид бўлиб, қирра бурун, соч - соқоллари қора, қизил танли кишилар бўлган.

³⁸ Аскарон А.А. Южный Узбекистан во II тысячелетии до н.э. Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Труды международного симпозиума по этническим проблемам истории Центральной Азии в древности (II тыс. до н.э.). Душанбе, 17-22 октября 1977 г. М., 1981, С.167-179.

³⁹ Аскарон А.А. Исконная ... ИМКУ, вып.32

⁴⁰ Байпаков К. Империя древних тюрок. Тюркский мир (этнополитический и литературно-художественный журнал). М., 1999. № 1-2. С.10-12.

⁴¹ Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. Ташкент, «Фан», 2003. С.10.

⁴² Гинзбург В.В. Материалы к антропологии гуннов и саков // СЭ, 1946, №4. С.210; Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропогенетических типов на территории Средней Азии (неолит - нач. XX в.) // СЭ. 1983, №3. С.101.

⁴³ Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. М., 1980. №6; Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып.9. М., 1985. С.43.

⁴⁴ Черников С.С. Роль Андроновской культуры в истории Средней Азии и Казахстана // КСИА, 1957, XXXVI.

⁴⁵ Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). М., 1996. С. 70.

⁴⁶ Сагдуллаев А.С. Проблемы инноваций в Среднеазиатских комплексах эпохи раннего железа // Преемственность и инновация в развитии древних культур. Л., 1981. С. 111-112.

⁴⁷ Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. Тезисы докладов. Ноябрь 1975. Л., 1975. С. 84.

Албатта, Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари аҳолиси орийлар бўлганлиги тарихий ҳақиқатдан жуда йироқ. «Авесто» ва «Ригведа»да таърифланган орийларга сополли маданияти аҳли антропологик жиҳатдан ҳам ва улар яратган моддий маданият намуналари жиҳатидан ҳам ўхшамайди. Дравид тилли бўлганлиги эса ҳақиқатдан жуда йироқ. Сополли маданияти аҳолиси дравид тилли халқлар билан (хараппа маданияти) яқиндан маданий ва савдо алоқаларда бўлган. Аммо, бир халқ бўлганлиги жарқўтон ва хараппа маданияти ёдгорликлари моддий маданиятларини таққослаш натижасида инкор этилади. Хуррит тилли бўлмаганлигини эса юқорида кўрсатиб ўтдик.

Бизнинг фикримизча сополли маданияти аҳолиси анов-номозгоҳ, мурғоб, даштли, марказий ва шимолий Эрон аҳолиси билан бир этник гуруҳни ташкил этган ва қадимги Эрон тил лаҳжаларидан бирида гаплашган. Шу тил асосида Қадимги Бактрия ва «Авесто» тили шаклланган.

Андропова маданияти аҳолисини илмий адабиётларда арийлар деб аталмоқда. «Авесто» ва «Ригведа»да таърифланган арийларга Андропова маданияти моддий маданияти, тарқалиш географияси, иқлими мос тушади. Биз ҳам шу фикрни қўллаб қувватлаймиз, аммо бу фикр бироз таҳрирни талаб қилади. Фикримизча, андропова маданиятининг бадавлат ҳарбийлари арийлар бўлган. Андропова маданиятининг камбағаллари чорваси йўқлигидан ўтроқ ҳаётга ўтиб, чуст, кучук ва яз I каби маданиятларнинг пайдо бўлишига замин яратган.

Т.ф.д. А. Хўжаев
(ЎзФА Шарқшунослик институти)

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ХИТОЙ МАНБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези)ни ўрганиш масаласи кўпдан бери олимлар эътиборини жалб қилиб келмоқда ва бу орада анча ишлар ҳам қилинди. Аммо ушбу масалани мукамал ҳолда ечиш ниҳоятда мураккаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби, қуйидагилардан иборат.

1) Ҳозирги ўзбек халқи кўп компонентли бўлиб, унинг аксарият қисми туркий қабилалар ва авлодлардан ташкил топган. Бунинг исботини ўзбекларнинг «92 уруғ» таркибига назар ташлаганимизда ҳам сезиб оламиз. Туркий қабилалар эса, ниҳоятда кўп нуфузли бўлиб, улар шарқда Корея чегараларидан бошлаб ғарбда Қора денгиз қирғоқларигача, шимолда совуқ жойлардан бошлаб жанубда Кавказ, Эрон тепалиги, жанубий Афғонистон ва Ҳимолайгача бўлган улкан ҳудудда ҳаёт кечирган. Улар ҳаётида кўп марта бирлашиш ва парчаланиш юз берганлиги ва гоҳ у, гоҳ бу қабиларнинг кучайиши натижасида туркий қабилалар орасида жойдан-жойга кўчиш, ўзга авлодлар билан аралашуш, авлодлар ва қабилалар бирлашиш ёки, аксинча, бўлиниб кетиш ҳолатлари кўп кузатилган.

2) Ҳозирги ўзбекларнинг асосий қисми Ўзбекистонда яшаса ҳам ўзбек халқининг шаклланиш жараёни фақатгина республикамиз ҳудуди билан чекланмаган.

3) Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди минг йиллар давомида Буюк ипак йўли деб аталмиш савдо йўлининг чорраҳаси ҳисобланиб келган. Шу боис ушбу ҳудуд нафақат дипломатик, савдо ва маданий алоқалар, балки этник алоқалар чорраҳаси сифатида ҳам хизмат қилган. Тарихда бунга мисоллар кўп топилади.

4) Ўзбекистон ҳудудида ёзув кўп марта ўзгарган. Қолаверса, ҳозирги давргача сақланиб келган маҳаллий ёзма манбаларнинг энг қадимгиси IX–асрга таалуқдир. Ундан олдингилар сақланмаган, ҳар ҳолда топилгани ҳам айрим сўз ва юлуқ иборалардан нарига бормайди. Халқимизнинг қадимги замон тарихига оид айрим маълумотлар эрон, юнон, арман ва хитой манбаларида сақланиб қолган.

Шунинг учун ўзбек халқининг этник тарихини атрофлича ва батафсил тиклаш археологик қазилмалар натижаларига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки турли даврлар ва

«Шанхай цзинь чжу» (комментарий к трактату о горах и морях), написанном Го Пу, историком царства Восточный Цзинь (317-420), отмечено, что «в государстве Роуэне очень много коней, баранов с большими курдюками и коз»¹³⁶. В сочинении «У Ши вайго цзи» (Записки об иноземных государствах периода царства У – 222-280), китайского морского путешественника Кан Тая (годы жизни не известны, но его выход в моря относится примерно к 226 г.¹³⁷), сказано, что «в Поднебесье имеются три знаменитые страны. Китай славится большой численностью людей, Великий Цинь (Дацинь – Римская империя) – драгоценностями, Роуэне – множеством коней».¹³⁸

В раскопанных могилах найдены также большое количество стрел и их наконечников, седла, а также изображение сцены охоты на скальных рисунках¹³⁹. Вместе с тем, во время археологических работ в роуэньских могилах найдены зерна, ручная каменная мельница, каменные дубинки и ступы для очистки зерна¹⁴⁰, что свидетельствуют о развитии земледелия в государстве Роуэне.

Маршрут отступления населения царства Роуэне на юг в северный Афганистан лежал через Илийскую долину, Фергану и Кашкадарьинскую область.

Китайские историки считают, что роуэньцы трижды оказались под ударом хуннов. Первый раз это случилось примерно в 205-202 гг. до н.э., после того как Туман-хокан (Модун шаньюй), отобрав трон у своего отца, выступил против правителя царства Роуэне. Второй раз – в 177-176 гг. до н.э., когда он начал объединять соседние государства. О втором походе Туман-хакана имеется информация в его письме, отправленном в 174 г. до н.э. Ханьскому императору Вэнь-ди, с сообщением о завершении подчинения царств Лоулань, Усун, Хуцзе и соседних с ними 26 государств. Третий раз хунны нанесли поражение руцзйцам руками усуней, примерно, в 139-129 гг. до н.э. В результате этого поражения роуэньцы были вынуждены покинуть побережья реки Или и отступить на юг.¹⁴¹

Как показывают источники, ранее, когда роуэньцы и усунь жили по соседству в районе Дунхуна, усунский предводитель Нандуби был убит ими. После чего его малолетний сын Кунмо бежал к хуннам и получил их покровительство. Когда дайроуэньцы отступили в район реки Или, тот решил отомстить за отца при поддержке хуннов. В борьбе против дайроуэньцев ему удалось одержать верх и вытеснить их на юг.¹⁴² Как правильно отметил, японский историк Мацуда Хисов, поражение руцзйцам фактически нанесли хунны, а не усунь, которые в это время были еще слабыми¹⁴³.

В момент отступления в Джунгарию (северная часть Восточного Туркестана) руцзйцы все еще представляли большую силу. Очевидно, поэтому они смогли нанести поражение местным сакам и вытеснить их из родных земель. Так, в «Чянь Хань шу» указано, что «дайроуэньцы, отступая на запад, нанесли поражение правителю саков, заставили его уйти на юг и заняли его землю».¹⁴⁴

После первого поражения в борьбе с хуннами руцзйцы сначала переселились в Джунгарию, затем оттуда ушли в район реки Или и озера Иссык-Куль.¹⁴⁵ Ушедшую на запад основную часть населения государства Роуэне китайцы называли даюэчжи, что в переводе

¹³⁶ Ван Чжунхань. Чжунго миньцзу ши. С. 238.

¹³⁷ Чжун Ханьсинь, Го Цзюйюань. Чжунго гуцзинь миньжень дацзидянь (Китайский словарь известных людей с древности до настоящего времени). Пекин, 1991. С. 656.

¹³⁸ Ван Чжунхань Чжунго миньцзу ши. С. 238.

¹³⁹ Чжунго Синьцзын гудай шэцзуй шэньхуо ши. С.48.

¹⁴⁰ Там же

¹⁴¹ Чжунго дабайкэ чюаньшу. Чжунго лиши (Большая китайская энциклопедия. История Китая). Пекин, 1997. С. 549

¹⁴² Ван Чжилай. Чжунья шиган (Очерки истории Центральной Азии). Чанша, 1986. С. 89.

¹⁴³ Мацуда Хисов. Гудай Тяньшань лиши дилишюэ яньцзю (Историко-географическое исследование древнего Тянь-Шаня). Пекин, 1987. С. 33-34.

¹⁴⁴ Ханьшу. // Эршиси ши. Т.2. С. 2374 (1166).

¹⁴⁵ Чжунго дабайкэ чюаньшу. Чжунго лиши. С. 549

означает большой или большинство роузийцев (юэчжи), оставшуюся на старом месте часть – сяроуэжэ (сяюэчжи), что означает малый или меньшинство роузийцев (юэчжи).

В районе р. Или и оз. Иссык-Куль дайроузийцы не смогли обосноваться надолго. Под давлением усуней они были вынуждены уйти дальше на юг в северный Афганистан, где подчинили Бактрию (Дася)¹⁴⁶. Их место в этом районе заняли усунь.¹⁴⁷

Отступление дайроуэжэ в северный Афганистан прошло через территорию древнего государства Фергана (Дайюань) и южного владения царства Кангкия. Об этом имеется информация в «Тундяне», где отмечено: дайроузийцы «проходили Фергану (Дайюань)»¹⁴⁸. Роузийцы не смогли также обосноваться на севере реки Амударья, так как Кашкадарьинская, Бухарская и Хорезмская области Узбекистана находились под влиянием государства Кангкия (Канжюй), которое имело родственное отношение с хуннами¹⁴⁹.

В «Хань шу» сказано: «В Кангкии имеются 5 малых правителей (сяован). Одного называют правителем Сукеэка, который правит городом Сукеэк (современное чтение Суши), второго называют правителем Бивомака, он правит городом Бивомак (Фумо), третьего называют правителем Йиваниека, он правит городом Йиваниек (Юйни), четвертого называют правителем Киата (Цзи), он правит городом Киат, пятого называют правителем Оукиана, он правит городом Оукиан (Аоцзянь). Все эти удельные правители находятся в подчинении Кангкии».¹⁵⁰

Согласно данным китайской справочной литературы, город Бивомак (Biwomak) соответствует современному Шахрисабзу в Кашкадарьинской области Узбекистана. Город Сукеэк (Sukeak, Sujhat, Suhak) находился в районе Пайшанбе, расположенном между Самаркандом и Бухарой. Город Йиваниек (Yiwa-ngiak) соответствует Бинкенту, находившийся вблизи реки Чирчик. Город Киат (Kiat) был расположен на месте современной Бухары, а город Оукиан (Aukian) – вблизи современного Куны-Ургенча.¹⁵¹

На южном побережье Амударьи роузийцы, положив конец Греко-бактрийскому царству, создали свое новое государство с центром в городе «Bala-Hisar», расположенном на севере Балха в Афганистане¹⁵².

Достоверную информацию о государстве Даюэчжи китайцы получили от своего посла Чжан Чяня, который вернулся в Китай в 126 г. до н.э. Эти сведения были отражены в разделе «Повествование о Фергане» («Давань цзюань») «Ши цзи», где сказано: «Дайроуэжэ расположено на западе Дайюаня на расстоянии 2-3 тыс. ли (по современному расчету около 1-1.5 тыс. км), на севере реки Кива (Киwa, современное чтение Гуй). На юге [государство Дайроуэжэ] граничит с Дайцзеа (Дайжеа, современное чтение Дася), на западе - с Ансиэжэ (Ansiek, современное чтение Аньси), на севере - граничить с Кангкией».¹⁵³

Согласно данным китайской справочной литературы, река Кива (Kiwa) соответствует Oxus, т.е. Амударья¹⁵⁴. Н.Я. Бичурин также утверждает, что Гуйшуй (река Гуй) - это Амударья.¹⁵⁵

По определению зарубежных ученых, население Дайроуэжэ проживало на побережье рек Сурхандарья, Кафирнигана, Вахша, Кизилсу, Кокчадарья (на юге Амударья). На юге территория расселения жителей этого государства не выходила за пределы Гиндукуша¹⁵⁶.

¹⁴⁶ Хань шу // Эршиси ши. Т.2. С. 2374 (1166).

¹⁴⁷ Ван Чжислай, Чжангя шиган. С. 89.

¹⁴⁸ Тундянь. Т.3. С. 2734.

¹⁴⁹ Ходжаев А. Сведения китайских источников о южных границах государства Кангкия (Канжюй) // Узбекистан этнологияси: янгича караилар ва ёндошувлар (Этнология Узбекистана: новые взгляды и подходы). Ташкент, 2004. С. 67-75.

¹⁵⁰ Хань шу // Эршиси ши. Т.2 С. 2372 (1164).

¹⁵¹ Ханнама (История Хан). Урумчи, 1994. С. 898-899. Уйгурский перевод отдельных глав из Хань шу, имеющих отношение к истории Центральной Азии (на арабском алфавите).

¹⁵² Чжунго дабайкэ чюаньшу. Чжунго лиши. С. 549.

¹⁵³ Ши цзи.// Эршиси ши. Т.1. С. 1138 (1138).

¹⁵⁴ Цыхай. С. 1100.

¹⁵⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Т. 3. С. 172.

¹⁵⁶ Ван Чжислай. Чжунгя шиган. С. 125.

Эти данные относятся к более позднему времени. В самом начале появления своего государства, Юэчжи не могли занимать южные владения достаточно сильного царства Канкия (Канжуй), которое имело родственные связи с более мощной империей хуннов.

Современные китайские историки также считают, что к моменту прибытия Чжан Цяня правитель государства Дайроуэи уже подчинил Бактрию (Дася), затем основал свою резиденцию на северном берегу реки Амударья¹⁵⁷. Казахский ученый Ю.А. Зуев также считает, что путь миграции юэчжи в Бактрию проходил через территорию Кангии (Канцзю)¹⁵⁸.

Роуэи были основателями Кушанского царства, которое в китайских источниках сначала получило название Дайроуэи, а позже Гуйшаньго (государство Гуйшань). Так, в «Хоу Хань шу» отмечается, что «после поражения в борьбе с хуннами, дайроуэицы переселились в Бактрию (Дася). В то время они состояли из пяти ябгу (племенных владений), таких как Вахан (Сюми), Сиямака (Шуанми, Suang-mi), Кушан (Гуйшуан, Gui-shuang), Парван (Сидунь) и Думи. Спустя 100 лет после этого, Гуйшуан-ябгу, уничтожив остальных 4-х ябгу, объявил себя ханом (ваном) и назвал свое государство Гуйшуан. Однако, Ханьский двор продолжал называть его государством Дайроуэи».¹⁵⁹ Как известно, в это время Бактрия (Дася) занимала территорию Северного Афганистана, Восточного Ирана, Юго-Восточного Туркменистана, южную часть Узбекистана и Таджикистана¹⁶⁰.

Происхождение названия этого государства связано с именем одного из 5 ябгу (предводителей роуэийских племен) Кучжула Кадфиз (Kujula Kadhises), который, в китайских источниках, транскрибируется как Гуйшуань (умер примерно в 75 году¹⁶¹). Гуйшань в китайских источниках является транскрипцией слова Кушан. Как мы видим, собственное имя Гуйшуань стало восприниматься как название рода.¹⁶² Иероглифы Гуйшань в древнем китайском языке произносились Квейсанг или Куэй-санг (Kiwei-siang).

Эти данные также показывают, что после переселения на территорию современного северного Афганистана, роуэицы продолжали использовать термина ябгу, который имеет тюркское происхождение.

Вышеизложенные данные дают основание заключить, что термин «роуэи» первоначально был названием государства, созданного народом или союзом племен тюркского происхождения. Его нельзя рассматривать как название народа, не имеющего отношения к древним тюркам. Создатели этого государства оказались под влиянием персидского языка и культуры лишь после переселения в северный Афганистан.

А. Анорбаев.
(ЎЗР ФА Археология институти)

ЎРТА ОСИЁ ЭТНОГЕОГРАФИЯСИДАГИ БАЪЗИ-БИР ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Антик ва илк ўрта асрларнинг бошларида Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон Евроосиё материгида юз берган “халқларнинг буюк кўчиш” даврини чорраҳасига айланади. Бу ерда тарихий йилномаларда тилга олинган йирик қабилалар уюшмасининг ва улар билан боғлиқ бўлган халқларнинг шарқдан ғарбга, жанубий-ғарбга ва жанубга, шимолдан жанубга ва шимолий-ғарбдан жанубий-шарқ томон кўчишлари юз берган. Улардан баъзилари Ўрта Осиё

¹⁵⁷ Синой туниси. С. 49.

¹⁵⁸ Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. С. 91.

¹⁵⁹ Кейинги Ханнама.. С. 536. Время объединения 5 правителей юэцзиских племен относится к концу империи Западная Хань и началу Восточной Хань, т.е. к 24-25 годам н.э. См. Ван Чжилай. Чжунъя ишган. С. 126.

¹⁶⁰ История Узбекской ССР. (с древнейших времен до наших дней). Ташкент, 1974. С. 29.

¹⁶¹ Ван Чжилай. Чжунъя ишган. С. 128.

¹⁶² Гафуров Б.Г. Таджики. Второе издание. Душанбе, 1989. С. 177; История Узбекской ССР (с древнейших времен до наших дней). Ташкент, 1974. С. 31.

худудларида қолган бўлса, бошқалари ерли халқларнинг бир қисмини ўзи билан бирга жануб ва жанубий-ғарб томонларга олиб кетган. Бунга мисол сифатида Ҳиндистон ва Орол бўйи худудларидан топилган Фарғонага хос тирнаш услуби билан безалган сопол идишларни (I-II асрлар) келтириш мумкин.

Милодий эранинг IV-V асрларига келганда Ўрта Осиё сиёсий харитасида хионитлар ва кидаритлар ва улар билан боғлиқ бўлган халқлар уюшмаси пайдо бўлади. Улар ўзбек халқи тарихида муҳим из қолдирган.

Милодий эранинг V аср ўртасидан Ўрта Осиё кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар уюшмаси ҳисобланган эфталитлар ҳукмронлиги доирасига ўтади. Эфталитларнинг жануб ва жанубий-ғарб томон қилган юришлари таъсирида Ўрта Осиё халқлари этногеографиясида сезиларли ўзгариш юз беради.

Юқорида тилга олинган қабилалар (халқлар) уюшмаларининг этник состави ҳақида ҳархил фикрлар мавжуд. Масалан, эфталитларнинг келиб чиқиши тили ҳақида ягона бир фикр йўқ. Бир гуруҳ олимлар эфталитларнинг тили шарқий эрон тиллар гуруҳларига кирган деса (Baily, Enoki, Gihshman), бошқалари (Altheim, Pulleyblank) эса дастлаб эфталитларнинг тили туркий бўлиб, кейинчалик унга шарқий эрон тилларининг элементлари таъсир қилган дейди. Учинчи гуруҳ олимларнинг фикрича эфталитлар асосан шарқий эрон тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, баъзи-бир туркий этник элементларни ўзида мужассамлаган қабилалар уюшмаси ҳисобланган (Литвинский, Гафуров).

Милодий эранинг VI аср ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё жумладан, Ўрта Осиёда буюк турк империясининг ҳукмронлиги бошланади. Бу даврда пайдо бўлган сиёсий ҳолат баъзи бир ўзгаришлар билан араблар истилосигача давом этади. Бу даврда Ўрта Осиё худудларида сиёсий барқорорлик вужудга келиб, жойларда иқтисодий ва маданий тараққиётга кенг йўл очилади.

Араблар истилоси арафасида Сўғд, Тохаристан, Уструшона, Чоч ва Фарғона худудларида мустақил давлатлар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳокимият асосан туркий халқ вакиллари қўлида бўлган. Лекин, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт одамларнинг тили, диний эътиқодларидан қатъий назар уларнинг ўзаро тенглиги ва ҳамкорлиги асосида ташкил этилган эди. Хусусий мулкчилик давлат ва ижтимоий мулклар қаторида давлат ҳимоясида бўлган. Бу эса жойларда иқтисодий юксалишни тезлаштиради ва давлатлар кудратини оширади. Бу даврда Ўрта Осиё вилоятларида асосан кўп худодилик ҳукм сурган. Бу борада узоқ-яқиндан келган элчилар, савдогарлар, саёҳатчилар тили ва диний эътиқодларидан қатъий назар маҳаллий халқ ёки давлат ташкилотлари томонидан ҳеч қандай тўсиқларга учрамаган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, тили ва диний қарашлари ҳар хил бўлган халқлар бир шаҳарда ёнма-ён яшаши, қиз олиб, қиз бериши оддий бир ҳол бўлган.

Бу борада Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар орасида Сўғд тилида ёзилган № 3 ҳамда № 4 рақамли ҳужжатлар диққатга сазовордир (Лившиц). Бу ҳужжатларда Сўғд кизи Дугдоначи турк йигити Уттегинга турмушга чиқиш ҳолати акс эттирилган. Бу келишув қоғози тенглик ва иттифоқ асосида ёзилган бўлиб, агарда уларни турмуши келажакда бузилса, унда йигит кизни ҳеч қандай камситмаган ҳолда ўз ота-онасига қайтариб бериши шарт бўлган.

Қадимги Сўғд худудидаги Афросиёб ва Панджикент ҳаробаларидан топилган деворий расмлар ҳам бу масалани ойдинлаштиришда катта ёрдам беради. Афросиёбдаги VII асрга оид сарой қолдиқларидан ва Панджикентдаги сарой типидagi монументал уй қолдиқларидан топилган деворга чизилган расмлар Ўрта Осиё халқларининг этногеографияси ҳақида бой материаллар беради. Бу деворий расмларни хабар беришича VII-VIII асрни бошларида Сўғд худудида туркий халқларнинг ўрни ва роли суғдийлардан кам бўлмаган. Масалан, Панджикент деворий расмларидаги туркий халқлар қиёфаси суғдийларга нисбатан кўпроқ фоизни ташкил қилади. Антропологик нуқтаи-назардан қараганда деворий расмлардаги туркий одамлар Европа типида Ўрта Осиё икки дарё оралиғи халқлари гуруҳларига киради.

ТУРКИЙ ҲАЛҚЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МАКОНИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Туркий халқларнинг этногенези тушунчаси хронологик, ҳудудий ва айрим этносларга бўлиниш динамикаси нуқтаи назаридан бугун яхлит илмий муаммо ҳолатидан кенгрок маъно касб этмоқда. Бинобарин, туркий халқлар тарихий илдизлари туташ ўнлаб этник тармоқлардан ташкил топганки, уларнинг ҳар бири алоҳида этногенетик масалани ташкил қилади. Лекин шунга қарамай муаммонинг қадимий асослари ҳақида гап кетганда, илк муштарак даврни чуқурроқ тадқиқ этиш зарурати долзарблигича қолмоқда.

Аввало, бирор халқнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритганда фанда ўрнашиб қолган умумтуркий, умумэроний, умумславян, умумарий, хинд-европа умумийлиги, олтой халқлари умумийлиги (общетюркский, обще-иранский, алтайская общность) сингари фаразлар яшашга қанчалик ҳақли эканини ўйлаб кўриш лозим. Борди-ю, шу каби умумлашма тасаввурлар фанда амал қилар экан, генезис масаласида аниқ хулосалар учун етарли асос йўқлиги туфайли шартли равишдагина улардан фойдаланиш мумкин дидир. Зеро, бизнингча, этник жараёнларда қачонлардир бирдан бир, ягона ядро, умум бирлик ҳеч қачон бўлган эмас. Этник бирлик туйғуси кўп минг йиллик жараён оқибатидир. Қадимий негизнинг ўзидаёқ уруғ ва қабилаларнинг ўзаро мулоқоти, иқтисодий-ижтимоий манфаатлари, ҳудудий восита орқали яқинлаша борган. Бу эса этник мансублик туйғусининг бош омилидир. Шу жараён кўп ҳолларда етакчи (доминант) этник бирлик, яъни иқтисодий-ижтимоий этник гуруҳ атрофига унга тобе гуруҳларни йиғиш салоҳиятига эга бўлган. Натижада этник умумийликнинг ижтимоий асоси вужудга кела бошлаган.

Туркий халқлар этногенезини юқоридаги каби Олтой бирлиги даврига боғлаш Хитой манбаларида турк-туркют-тукю каби аталган этник консолидация ходисасининг маконини Хитойга нисбатан шимоли-ғарбда жойлашган Олтой тоғлари этаги билан алоқадор кўрсатилишидан туғилган. Бундай қараш туркий халқларнинг қадимий асл маконлари ҳақидаги тасаввурни жуда тор қилиб кўрсатади. Гап шундаки, қадимги Хитой Олтойдаги тарихий вазиятлар билан яқинроқ таниш бўлган. Шу билан баробар милоддан аввалги I минг йилликдаёқ Ўрта Осиё, Волга бўйи, Дон Кубань, ҳавзалари, Шимолий Кавказ, Жанубий рус чўллари - то Дунайгача улкан ҳудудларда кечган этник жараёнлардан беҳабар эди. Хатто турклар - туркютлар, ту-кю атамалари билан Хитой милодий V асрдагина танишган ва уларни ўзи учун шимолдан ҳавф солиб турувчи куч сифатида қараган.

Шундай қилиб, Хитой манбалари Ашина уруғининг Олтой этақларида пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда турк-тукю атамасини биринчи марта V асрда тилга олади. Бу ҳақда А.Маликов Ашина уруғи Олтойга келмасидан бурун ўзини турк деб атамас эди, деб таъкидлайди. Шундан хулоса қилиб, турк атамаси Ашина пайдо бўлишидан аввалроқ Олтойда мавжуд бўлган, дейиш мумкин. Бу атама Ашина уруғи томонидан ўзлаштирилган. Демак, Олтой минтақасида V асрдан аввал туркий муҳит ҳукмрон бўлган.

Туркий этник жараёнларни Ашинанинг юксалиши билан боғлиқ тасаввур этиш нотўғри хулосаларга сабаб бўлади. Бундай қараш минглаб чақирим ғарбга томон давомий туркий этник жараёнларни, шу жумладан, Ўрта Осиёдаги қадимий туркий субстратни эътиборга олмасликка олиб келади. Натижада, туркий халқларни яшаб турган ўз маконига шарқдан кириб келган қилиб кўрсатиш учун асос яратишга уриниб келинган.

Турк атамасининг маъносига доир турли фаразлар, талқинлар, этимологик изланишлар маълум. Улар орасида турк атамасини Авестанинг «тур» лари билан боғлиқ –К қўшимчасини кўплик қўшимчаси деб тушунтириш алоҳида ажралиб туради. Масалан, Д.Е. Еремеев, А.Н. Кононовнинг фикрини ривожлантириб, турк сўзини тюр-к деб иккига бўлади. –К қўшимчасини эса –ғун, -кун қўшимчаларидан қисқарган, дейди. Аммо бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки –ғун, -кун шаклларида –к –га қисқаришни тарихий-фонетик

тушунтириш қийин. Бизнингча турк сўзини чиндан ҳам тур+к қисмларига ажратиш мумкин. Лекин морфематик жиҳатдан тур= ўзак қисми аслида негиз бўлиб ту= ўзагидан –р+к қўшилиб ҳосил бўлган сифатдош шаклидир. Бу сўз луғавий маънода «турувчи» бўлиб, ўзига ишончли, кучли, қудратли каби талқиний маънолар ёйилмасига асосдир. Фикримизни ту-ўзагидан феъл негизлари ясашиш қатори – ту-т, ту-з, ту-й, ту-ғ сўзлари билан изоҳлаш мумкин.

Шу муносабат билан турк сўзини изоҳлаш учун келтирилган бошқа фикрларга ҳам тўхтаб ўтиш жоиздир. Масалан, А.Н.Кононов турк сўзини тўр сўзи билан боғлаб «хурматга сазоворлар учун юқоридаги ўрин», «ўчоқ олдидаги хурматга лойиқ жой», «қонун, қоида, одат» каби талқин қилади. Бу фикрни Д.Айтмуратов қўллаб қувватлаган. И.В.Рак эса, турк сўзини хинд-европа тил умумийлиги билан боғлаб ёввойи «хўкиз-тур» орқали изоҳлайди. В.П. Яйленко Енисей кетлари тилида турк сўзи «тоза, покиза» деб тушунтиради. Бу каби талқинларда илмий асосланганликдан кўра фаразий ёндашув таъсири кўпроқ кўринади.

Абдухалиқ Абдурасул ўғли Айтбаев
(ЎзФА Шарқшунослик институти)

ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АЖДОДИ РУНГ-ДИЛАР

Марказий Осиёда қадимдан турли миллат вакиллари яшаб келган. Буларнинг ичида туркий халқлар катта ҳудудни эгаллаб, Марказий Осиёнинг барча жойларида жуда қадимдан истиқомат қилиб келган. Марказий Осиёнинг Моварауннаҳр қисмида ҳам қадимдан туркий қабилалар яшаб келганлиги ҳақида археологик материаллар ва ёзма манбалар гувоҳлик беради. Шунинг учун бу бу заминни VII асрдан бошлаб «Туркистон» номи билан юритилганлиги сўғдий ҳужжатлардан маълум¹⁶³. Авестода Туркистон аҳолиси «тур» аталиб, баъзи бир тасаввурга кўра, турк атамасидаги «к» товуши эронликлар тилида тушиб қолган¹⁶⁴. Қисқасини айтганда турк этник қатлами Марказий Осиёда жуда қадимдан мавжуд. Бу этноним милодий VI-IX асрдаги туркий манбаларда ва XI асрда ёзилган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида аниқ айtilган. «Турк» атамасининг жуда қадимийлигини хитой манбалари ҳам тасдиқлайди.

Хитой олими Янг Шенгминнинг ёзишича, турк атамаси қадимги хитой манбаларида Хитойнинг шимолидаги халқларга нисбатан ишлатилган бўлиб, бу сўз Хитой иероглифларида «ди», «динглинг», «дили», «чили», «тили» атамалари сифатида талаффуз этилган. Сўнг бу атамалар хитой манбаларида «турк» деб талаффуз этилганлиги маълум қилинади¹⁶⁵.

Хитойшунос олим А.Хўжаев япон ва Хитой олимларининг хитой манбалари асосида чиқарган хулосасига асосланиб, бундан 3,5-4000 йил аввал суяк, тош ва хитой қомишига ёзилган, «ди» этноси «турк» сўзининг хитой тилидаги қадимги талаффузи эканлигини айтади¹⁶⁶.

Хитой манбаларида қайд этилган диллар 4-5 минг йиллар илгари хитойликларнинг (хансуларнинг) шимолий ва ғарбий шимолида яшаганлиги айtilади. Ўша даврда хитойликлар Чанг жианг (Кўк дарё, Янцзы) дарёсининг ўрта ва қуйи ҳавзаларида истиқомат қилган эдилар.

Хитой манбаларида мил.авв. XX асрларда Хитойнинг шимолида яшаган чорвадор аҳолини оддий қилиб, «ди» деб аталган¹⁶⁷. Улар шарқда Хитой денгизигача (Бежин

¹⁶³ А.Хўжаев, К.Хўжаев. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001.

¹⁶⁴ М.Исҳоқов. «Номи азал Туркистон», Ўзбекистон адабиёти ва санъати.

¹⁶⁵ Янг Шенгмин. Қадимги уйғурлар. (Таржимон Имин Аҳмиди). Урумчи, 1998, 7-8-бетлар.

¹⁶⁶ А.Хўжаев. Қадимий хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, 2003, 176-184-бетлар.

¹⁶⁷ Шиолий дилар. Мил.авв. VI-V асрларгача Хитойдаги Чи, Лу, Жин, Вей, Сунг, Шинг бекликлари

шаҳрининг жануб ва шимолигача) бўлган жойларни эгаллаган. Уларнинг шимолида яшаган чорвадор қабилалар эса «Шимолий ди»лар деб кўрсатилган. «ди»ларнинг ғарбида, Шарқий Туркистонда истиқомат қилгандилар «Ғарбий рунглар» деб номланган. Умуман айтганда, хитой манбаларида мил.авв. III минг йилликда Хитойнинг шимолий ва шимолий-ғарбида яшаган, хитойликларга ёт бўлган, этник гуруҳлар ҳақида гап кетганда «рунг-ди» атамаси ишлатилган¹⁶⁸.

Хитойнинг шимолий-ғарбида истиқомат қилган диларга (туркларга) ишлатилган рунг-ди атамасидаги «рунг» иероглифининг луғавий мазмуни «қурол», «қўшин», жангчи (аскар), ҳарбий арава, улуғ деган маънони англатган. Мантиқан таҳлил қилганда, ғарбдаги «ди»ларга нисбатан «улуғ» «қўшин» каби аниқловчидан кўра «жангчи» сўзини қўшиш тўғрироқдир. Шунинг учун хитой олимлари «рунг» атамасига нисбатан «жангчи» сўзини ишлатганлар. Шунингдек, бирламчи манбалар асосида ёзилган I томлик «Сихай» изоҳлик луғатининг 1523 бетида тадқиқотчилар томонидан «дилар қадимий қавм улар «ғарбий рунглар»дир, деб таъриф берилган¹⁶⁹.

Қадимий хитой манбаларидаги «рунг-ди» деб аталган этнонимнинг ўрта Хитой пасттектислигида ва унинг шимолида яшаган қисми «ди»лар бўлиб, Уларга хос жангворлик туфайли уларга (рунглар) деган сифат қўшилиб, «рунг-ди» (жангчи турклар) ёки «ди-рунг» (турк жангчилари) деган атама юзага келади. Аммо, уларнинг хитойликларга аралашиб деҳқончилик қилганлари, яъни ўтроқлашганларига фақат «ди» атамаси ишлатилган. Уларнинг шимолида яшаган чорвадорлар эса «шимолий ди» деб хитой манбаларида ёзилган.

Хитой манбаларида «шимолий рунг» деган атама ҳам тилга олинади. Шунингдек, шимолий рунглар жуда қадимда «шанрунг» (тоғ рунглари) деб номланган. Хитойлар чуанрунг (ит феълли рунглар) ёки «гуйфанг» (шайтонлар)¹⁷⁰ деб ҳам атаганлар. Уларнинг яшаган жойлари дилардан шимолда кўрсатилади¹⁷¹.

Бунга қараганда «ғарбий рунг» атамаси асосан Ўрта Хитой тектислигининг ғарбида ва Марказий Осиёда яшаган туркий аҳолига нисбатан ишлатилган. Хитойнинг шимолида яшаган чорвадорлар эса шимолий рунглар деб номланган. Мазкур туркий халқларнинг жангворлиги уларни рунг (жангчи) деб ажратган ва жойлашган ўрнига қараб уларга, «шимолий рунглар», «тоғ рунглари» каби атамаларни ишлатган. Тоғ рунглари мил.ав. XX асрдан олдин ўтган «шунюйлар» Жоу хонлиги (мил.ав. 1122-771 й.) даврида «шянюн» деб номланган хунларнинг аجدодлари ҳисобланган. Айнан ўшаларнинг қадимда чуанрунг деб аталган ит лақабли қисмининг тотемида ит бўлганлигини кўрсатади.

Хитой манбаларида мил.авв. II минг йилликнинг охирига келиб, Жоу сулоласининг тўнғич хони Вувангнинг отаси Винванг 3-4 минг йиллар аввал кунйи (ёввойи) қабилалар бўлганини, улар яна бошқа – Чуанйилар (сой ёввойилари)¹⁷² деб аталиши, улар шянюн (хун)ларни эгаллаган жойларидан кўчиб кетишга мажбур бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор¹⁷³.

Мазкур маълумотдаги ғарбий рунгларнинг кунйилар (кунлун ёввойилари) деб номланиши, уларнинг кунлун ёки қорақурум тоғ этакларидан Хитойнинг шимолига бундан 4 минг йил аввал бориб қолганлиги кўрсатилади. Бу уларнинг чуаний (сой ёввойилари) деб номланишини тасдиқлайди. Хитойликлар яшаган жойларда баланд тоғлар бўлмаганлигидан тоғ музликлари ва улардан ҳосил бўладиган сойлар ҳам бўлмаган. Кунйи ёввойилари хитой

(хонликлари)нинг ҳудудларида истиқомат қилган.

¹⁶⁸ Си-Мачян. *Тарихий хотиралар. 24 тарихдаги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами 1-китоб. Урумчи. 1989, 392-бет.*; Бангу, Ханнома. *24 тарихдаги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами. 2-китоб. Урумчи. 1994, 680-бет.*

¹⁶⁹ Бангу, Ханнома. *Урумчи, 62-бет.*

¹⁷⁰ Гуйфанг деган атамадаги «гуй» иероглифи шайтон, иблис деган мазмунни, «фанг» иероглифи эса ер, жой деган мазмунда келади.

¹⁷¹ Хэбей ўлкасининг шимолида истиқомат қилган. (Си-Мачян. *Тарихий хотиралар. Урумчи. 30-бет.*

¹⁷² Тоғ сувларидан пайдо бўлган ориқ сувларида яъни, сойларда яшайдиганлар. Хитойликлар яшаган ҳудудда баланд тоғлар бўлмаганлигидан улар марказий осийликларни тоғ сувли сойлардан келганлар деб атаган.

¹⁷³ Фан-Йе, Симо-Бёв. *Ғарбий чянглар ҳақида қисса. Кейинги Ханнома. Урумчи. 1996, 435-бет.*

манбаларида ғарбий рунглар деб ҳам эслатилади. Демак, хитой манбаларидаги кунйи ёки чуаныйлар Хитойнинг шимолига Турон текислигидан кўчиб борганлар, уларни хитой хансулари бўлмагани учун «ёввойилар» деб камситилган. Мана шу маълумот жуда қадимда туронликларнинг Хитойнинг шимолига бориб қолганлигидан далолат беради. Уларни хитойликлар рунглар (турк жангчилари) деб атаган.

Хитой манбаларида кўрсатилишича «шимолий рунг» ва «ғарбий рунг» атамалари «рунг-ди» деб номланган этносга тегишли бўлиб, уларнинг жойлашган ҳудудларига қараб, «шимолий рунг» ва «ғарбий рунг» атамалари «рунг-ди» деб номланган этносга тегишли бўлиб, уларнинг жойлашган ҳудудларига қараб, «шимолий рунг» ва «ғарбий рунг» деб номланган. Шунинг билан бирга, хитой аҳолисига нисбатан шимолда ва шимолий шарқда (Чи, Лу, Жин, Вэй, Сунг, Шинг бекликларининг ҳудудларида) яшаган ва кейинги даврда хитойликларнинг ассимиляциясига учраган туркий халқлар хитой манбаларида оддий қилиб «ди» деб аталган. Натижада хитой манбаларида «ди», «шимолий ди», «ғарбий рунг» атамалари ишлатилгани ҳолда негадир «ғарбий ди» атамаси учрамайди.

Бунинг боиси: хитой тилининг ўзига хос алоҳидалиги, мазкур тилда атама ва номлар доим қискартирилиб айтилиши анъанаси бўлса керак. «Рунг-ди» атамасининг қискартирилган кўриниши «ди» шаклида бўлиб, хитойларга кўшни ёки аралашиб яшаганларига бу атама ишлатилган.

«Рунг-ди»ларнинг ғарбда яшаганлари, жанговор турклар бўлганлигидан уларга ишлатилган «ғарбдаги жангчи турклар» атамасидаги «турк» сўзи айтилмасдан уч иероглифдан иккитаси олиниб, ғарбда яшаган дилар «ғарбий рунг» (ғарбдаги жангчилар) деган ном олган. Хитойликларнинг жанубида ва шарқда дилар яшамаганлиги сабабли «шарқий рунг» ёки «жанубий ди» атамалари ишлатилмаган.

Хитойнинг шимолида яшаган дилар хитой манбаларидаги маълумотга қараганда ўзларини «улуғ ди», «қизил ди», «оқ ди» ва «шимолий ди» деган тўрт ном билан аташган¹⁷⁴. Демак, туркий халқларнинг томонларга қараб ранг билан белгилаш одати бундан 3 минг йил аввал дилардан бошланган. Уларнинг шарқда, куёш чиқадиган томонда яшаганлари улуғланиб «чанг ди» (Улуғ, катта ди) деб номланган. Бу туркий халқлар кўк рангни улуғлаб «улуғ», «катта» деб номланганига ўхшайди.

Жануб ёруғ бўлганлигидан жанубдагилар «чи ди» (Қизил ди) ғарбдагилар «бай ди» (оқ ди) деб аталган. Фақат нима учундир шимолдагилар «қора ди» деб номланмасдан «шимолий ди» деб аталганлиги номаълум бўлиб қолмоқда.

Мил.авв. III минг йилдан аввал рунг-дилар истиқомат қилган Хуангхэ дарёсининг қуйи оқимида хитой аҳолисининг кўпайиши билан ҳокимият хуангди авлодларидан Шия, Шонг сулола вакилларида ўтганлигини ривоят қилинади. Бу даврда асосан чорвачилик билан шуғулланган рунг-диларнинг бир қисми шимолга силжиб, уларни сиқиб борган хитой аҳолисининг шимолга силжишига қатъий қаршилик қилганлиги сабабли хитой манбаларида улар «йилар» (ёввойилар) деб камситилган ва қувғин қилинган. Уларни бошқа рунг-дилардан фарқли ўлароқ, яшаган ёки келган жой номларига «ёввойи» сўзини олдиға кўшиб номлашган. Аммо, уларнинг Хитой давлатчилигида тутган ўрни катта бўлганлиги манба воқеаликлар баёнида ошкор бўлади. Ҳатто диларнинг Хитой давлатчилигида мавқеининг устунлиги ҳақидаги маълумотлар хитой манбаларида учрайди. Чуаныйларнинг қўллаб қувватлаши оқибатида мил.ав. 869 йили Чжоу сулоласининг хони Шяу ванг ҳокимиятга келганлиги ҳақида: «ғарбий рунглар жуда рози бўлди. Шунинг учун ўзингиз хон бўлдингиз» деган гаплар ёзилган¹⁷⁵.

Миллоддан аввалги VII асрда шимолда хитой аҳолисининг кўпайиши билан вужудга келган бекликлар (хонликлар) рунг-диларни шимолга сура бошлаган. Жин хонлигининг хони «Венгунг (мил.авв. 636-628) рунг-дилар устиға юриш қилиб, Шихэдаги Йиншуй¹⁷⁶, Луошуй

¹⁷⁴ Си Мачян. *Тарихий хотиралар*. Урумчи. 1989, 28-бет.

¹⁷⁵ Си Мачян. *Тарихий хотиралар*. Урумчи. 1989, 65-бет.

¹⁷⁶ Йиншуй дарё (Хвонгхэнинг бош тармоғи, Ўрдус баландлигидан бошланган. (Бангу. Ханнома. Урумчи, 755-бет.)

дарёларининг оралиғига уларни қувғин қилган. Улар кейинги даврда теле (туро)лар деб номланган қизил ди, оқ диларнинг ўзгинаси эди. Чин (хони) Мугунг (мил.ав. 659-621) Ююкнинг¹⁷⁷ ёрдами билан ғарбий рунгларнинг саккиз хонлигини ўзига бўйсиндирди¹⁷⁸. Рунг-дилар Хуангхэ дарёсининг бош оқимларида Йиншуй ва Луошуй дарёлари оралиғидаги тоғликларга қувғин қилинган. Уларнинг хонликлари жойлашган ҳудудлар хитойликлар томонидан эгалланган.

Хитойнинг шимолидаги диларнинг жанубий шарқида яшаган бўлаги қадимий хитой қавмларининг маданиятини қабул этиб, аста-секин тил ва урф-одатларини ўзгартира бошлаган. Мил.авв. 607 йили «улуғ ди»ларга мансуб сурман қабиласи¹⁷⁹ бошчилигидаги хонликнинг йўқ қилиниши билан энг шарқий дилар тарихдан ўчади¹⁸⁰. Жин хонлиги томонидан эса мил.ав. 594 йили қизил диларнинг Лу ёки Лузи хонлигини ташкил қилган қисмига барҳам берилади¹⁸¹. Мазкур «Қизил ди» деб номланган жанубий диларнинг асосий қисми эса шимолга кўчиб кетади. Мил.ав. 450 йилларда оқ диларнинг Чўвйўв хонлиги ҳам Жин хонлиги томонидан йўқ этилади¹⁸².

Ўз маконларидан қувғин қилинган қизил дилар (жанубий турклар) Туркистоннинг шимолига келиб истиқомат қилиш бошлайди. Хитой манбаларида улар янги жойга кўчиб кетгандан сўнг, турк сўзига яқин талаффуз қилинадиган «динглинг», «тинглинг», «тили» каби хитой ёзувида ёзила бошлаган. Айнан шулар Марказий Осиёдаги кўчманчи туркларнинг аждоди ҳисобланади.

Тадқиқотчи Дуан Лянчин: Илк ўрта асрлар даври Хитой тарихчилари Вей-шу, Ли Яншу, Ду юлар ўзлари жудаям мукамал биладиган «Зучюминг тафсири», «Давлат арбоблари ҳақида баёнлар», «Тарихий хотиралар», «Ханнома», «Вейнома»дан фойдаланиб, динглинларнинг этник таркиби қизил дилар, деган хулосага келади» деб ёзади¹⁸³. Шунингдек, у диларнинг чўлликнинг шимолида (Манғўлиянинг ғарбида) ва Жанубий Сибирьда янгидан пайдо бўлиши билан милоддан аввал II асрдан тарихий асарларда динглин-хун муносабатларида тилга олина бошлади деб хулоса қилади¹⁸⁴. Шунинг учун хитойшунослар ва туркий халқлар этник тарихи билан шуғулланганларнинг ҳаммаси қизил диларни туркий халқлар аждоди эканлигини тасдиқлашади.

Қизил диларнинг шимолга сурилишининг асосий сабаби, чорвачиликка мослашган диларнинг яйловлари жанубдан кўчиб келган хитойлар томонидан тортиб олина бошлаган эди. Чунки хитой манбаларида жуда кўп тилга олинган «рунг-диларнинг урф-одатлари ўзгартирилди» деган сўзлар учрайди. Аслида рунг-ди яйловларининг деҳқончилик майдонларига ўзгартирилганлиги айтилади. Чорвадор халқларни деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур этилади. Ўз турмуш-тарзини ўзгартиришни ҳохламаган рунг-дилар (қизил дилар – жанубий турклар) яшаб турган жойларини ташлаб, шимолга кўчиб кетган ва Сибирда уларнинг излари моддий маданият материаллари билан тасдиқланади.

Мил.авв. V асрдан сўнг Хитойнинг шимоли ва ғарбидаги рунгдиларнинг мавқеи ожизлаша борди. Чунки, эгаллаган ҳудудлар Хитойнинг шимолида ташкил топган бекликлар

¹⁷⁷ Ююк – рунгларнинг бош вазирларидан бири бўлиб, донишманд одам бўлган. Рунг хони Ююкни Чин хонлигига элчи қилиб юборади. Чин хони рунг хонига Ююкни ёмон кўрсатиш учун уни катта ҳурмат билан меҳмон қилган. Хоннинг ўзи Ююкни ўз қўли билан овқатлантирган. Шунингдек, Ююкни элига қайтармасдан узоқ муддат ушлаб қолган. Натижада, рунг хони Ююкдан гумонсирган ва уни тақиб қила бошлаган. Охир-пировардида, Ююк ўз юртини тарк этиб, Чин хонлигига кетишга мажбур бўлади. Бундан фойдаланган Чин хонлиги Ююкнинг ёрдамида 12 рунг элини ўзига қўшиб олиб, Чин хонлигининг ҳудудини минг ли (500 км)га чўзишга муяссар бўлган (Си-Мачян. Тарихий хотиралар. Урумчи. 1989, 70-73-бет.)

¹⁷⁸ Бангу. Ханнома. Урумчи. 683-бет.

¹⁷⁹ Сурман (Сўман - *sou tan*) қабилалари ҳозирги Шандунг ўлкасининг ўрта қисмлари, Жинан шаҳрининг шимолида яшаган. Баъзи маълумотларга қараганда Шандунг ўлкасидаги Гавйван доирасида яшаган. (Си-Мачян. Тарихий хотиралар. Урумчи, 1989, 195-бет)

¹⁸⁰ Си-Мачян. Тарихий хотиралар. Урумчи. 1989, 194-195-бет.

¹⁸¹ Ўша манба. 195-бет.

¹⁸² Ўша манба

¹⁸³ Дуан Лянчин, Динглинлар, қонғиллар ва туролар. Урумчи, 1996, 1-китоб, 12-13-бетлар.

¹⁸⁴ Ўша манба. 140-бет.

томонидан тортиб олинган эди. Хусусан, Чин беклигининг ғарбий рунглар билан бўлган урушлари юз йиллаб давом қилади. Рунглар чинликларнинг хужумига қарши баъзида қайтарма хужумлар ҳам уюштирган. Мазкур урушларда асосан чинликларнинг қўли баланд келиб турган. Чинлар мил.авв. 461 йили Дали рунгларини мағлуб қилган бўлса, Йичу рунг элида пайдо бўлган ички низолардан фойдаланиб, 434 йили Чин беглиги унинг 25 шахрини босиб олади¹⁸⁵. Айнан ўша даврга келиб «рунг-ди» «ху» деб ҳам номлана бошлайди.

Хуларнинг Жунгшан деб номланган давлатига қилинган кетма-кет хужумлар туфайли мил.авв. 300 йили мазкур беклик катта талофат кўрди¹⁸⁶ ва Жунгшан беклигини босиб олишга муваффақ бўлаолмади. Бунга қараганда рунг-дилар катта талофат кўришига қарамай, ўз ватани учун қаттиқ жанг қилганлигини кўрсатади. Фақат мил. авв. 295 йили Жоу беклиги Чи беклигидан ёрдам олиб, Жунгшан давлатининг қўшинини тор-мор қилган¹⁸⁷. Жунгшан хукмдори Фуши (ҳозирги Яньан) шаҳарига кўчиб кетади. Кўчиб кетган хулар хитой манбаларида кейинчалик хун номида тилга олинади.

Рунг-дилар эгаллаган жойлар хитой бекликлари томонидан жуда қийинчиликлар билан тортиб олинади. Чунки хитой қўшинининг қурол-яроғлари кийим бошлари ҳарбий ишларга мослашмаган. Бу аҳвол хитой қўшинининг ислоҳ қилишни тақозо этарди. Шунинг учун шимолий рунг-диларга яқин жойлашган Жоу беклиги хитой қўшинининг хуларча (рунг-диларча) тузиш таклифини кўтариб чиққан¹⁸⁸. Демак, ўша даврда ху деб ҳам аталган рунг-дилардан тортиб олган Хуонгхэ бўйидаги жойларда Чин сулоласи кўрғонлар кўтариб, уларга ҳарбий чегара постлари ўрнатган.

Чин диёрида қолиб кетган рунг-дилар бутунлай хитойлашиб кетмади. Чин ҳоқолиги томонидан ташкил топган Тяньшуй¹⁸⁹, Лунгши¹⁹⁰, Бэйди¹⁹¹, Шангжун вилоятлари ғарбда чянгллар, шимолда рунг-дилар билан чегарадошдир. Гансу ўлкасида Уду¹⁹² деган жойда дилар билан чянгллар аралаш яшар эди.¹⁹³

Мил.авв. 80 йил Уду вилоятидаги оқ отлик дилар¹⁹⁴ (турклар)¹⁹⁵ исён кўтарган. Уларга қарши катта куч ишлатилган, ҳатто жиноятчилар ҳам урушга тортилган бўлсада, диларни мағлуб қилишга муваффақ бўлмаган. Фақат 77 йили чянглларнинг қўшинлари ёрдамида исён бостирилган.

Мил.авв. IV асрга оид хитой манбаларида «рунг-ди»нинг «ху» «хун» деб аталишининг сабабини хитойда ташкил топган бекликлар ёки кичик хонликлар томонидан рунг-дилар

¹⁸⁵ Си Мачян. *Тарихий хотиралар. Урумчи. 126-128-бетлар.*

¹⁸⁶ Ўша манба. 233-234-бет.

¹⁸⁷ Ўша манба. 129-бет. Сўма-Цян, *исторические записки. Том III. М., 1984. С.289.*

¹⁸⁸ Ўша манба. 129 бет.

¹⁸⁹ Тяньшуй (Tian shuyi) Хан сулоласи даврида таъсис этилган вилоят, ўрни Гансу ўлкаси Тунгвэй, Жингнинг, Чинан, Дингши, Чингшуй, жвонгланг, гангу, Жонгжйе Чуан туманлари ва Тяньшуй шаҳарининг ғарбий шимоли, Лунгшининг шарқи қисми, Юнгжунгнинг шимоли шарқи қисмига тўғри келади. (бангу. Ханнома. Урумчи. 1994. 58-бет.). Бу жойда мянжу, жирунг номидаги рунг-ди қавмлари яшаганлиги маълум. Жингнинг Йичу хонлигининг таркибига кирган.

¹⁹⁰ Лунгши – гансу ўлкаси Юан ванг (yuан wang)нинг шимоли ғарбида, Тяньшуйнинг ғарбига тўғри келади. Қадимда рунглар яшаган жой.

¹⁹¹ Бейди (бэй дй- bei di) қадимда Йичу рунгларнинг истиқомат қилган жойи бўлиб, Чин ҳоқонлиги томонидан таъсис этилган вилоят. Хитойда Суй сулоласи (581-618) даврида ҳам бейди вилояти мавжуд бўлган. Фақат маркази ўзгариб турган. Унинг ўрни НТМЎдаги Хэлан тоғи, Чингтунгшй, Санишуй дарёсининг шарқи ва Гансу ўлкасидаги хванжйенг дарёси, маляян дарёси водийларига тўғри келади. (Си Мачян, тарихий хотиралар. Урумчи. 105-бет. Бангу. Ханнома. Урумчи. 1994. 19-бет). Мазкур жойда ҳозир тунган (дунган_ аҳолиси яшайди).

¹⁹² Уду – (wu dou) мил.авв. 111 йили хан сулоласи томонидан таъсис этилган вилоят. Ўрни гансу ўлкаси Уду, Ченгшян, Хуйшян, Шихэ| Лёндонг, Конгшян ноҳиялари ва Шанши ўлкаси Фенгшян, Луёнг ноҳияларига тўғри келади. (Бангу, Ханнома, Урумчи. 1994. 167-168-бет.)

¹⁹³ Ўша манба. 204-бет.

¹⁹⁴ Оқ отли дилар (бай моди дилари)нинг қадимда яшаган жойлари Гансу ўлкасидаги Чэнгшян ноҳиясидан 80 ли ғарбга тўғри келади. Бангу, Ханнома, Урумчи. 1994. 167-168-бет

¹⁹⁵ тадқиқотчилар мазкур диларнинг тўро эканлигидан келиб чиқиб, таржимада «Тўро» атамасини ишлатади. Бангу, Ханнома, Урумчи. 1994. 518 бет

ерларини эгаллаш билан шарҳланади. Хитой кичик хонликлари шимолга кўчиб кетган чорвадор рунг-дилар юртига бостириб келиши билан изоҳланади. Шу боис, мазкур давр ҳақида қалам тебратган хитой тарихчилари шимолий рунг-диларни кўп ҳолларда хитой аҳолиси билан яшаб қолган рунг-дилардан ажратиш мақсадида, янги атамани ишлатганлар.

Улар яшаган жой номи билан қабилалар номланган. Натижада Чжоу давридаги рунгларга ишлатилган «гуйрунг», «ғарбий рунг» атамалари Чжоу сулоласи заифлашиб кетган даврда, яъни, Чунчю даврида (мил.авв.722-481) жирунлар, шимоли рунглар, юнрунлар, йилурунлар, чуанрунлар, лирунлар, рунг ёввойилари деб номланган. Милоддан аввал IV асрга келиб, Марказий Осиёнинг шарқда дихван-гуйжи рунглари, йичу рунглари, дали рунглари ва шимолда линху рунглари, луфан рунглари деган номлар пайдо бўлди¹⁹⁶. Уларни умумлаштириб бир ном билан «ху» деб атаганлар. Кейинчалик хунлар даврига келиб шимолдаги туркий халқлар «хун» деб номланди. «Ху» атамаси ўтроқ ҳаётга мослашган барча халқларга, жумладан, хунларга нисбатан ишлатилган. Хунлар заифлашиб, қабилалар ўртасидаги муносабатларни баён қилишда, умумий хун номидаги рунг-диларнинг айрим қабилалари данлинг, тенглинг, тели, чели, дили, говчи (қонгқил) деб умумий турк халқларига нисбат берилганлиги қайд этилган.

Албатта, рунг-ди атамаси тарихчилар томонидан ўтмиш тарихни баён қилганларида доим ишлатилган. Аммо, кейинги тарихчилар IV-асрларга оид маълумотларни таҳлил этганда чалкашлик юз бермаслиги учун янги атамаларни қабул этган. Хитой тарихчиларининг рунг-диларга нисбатан «ху» атамасини қабул этишига ўша даврда Марказий Осиёда «хўр»¹⁹⁷ атамасининг мавжудлиги асос бўлган бўлса керак. Чунки «ху» иероглифи «Чет элли» мазмунида бўлиб, Чунчю (Баҳор-кўз) (мил. авв. 770-475) даврида Анхуй ўлкасидаги хонликнинг (диларнинг хонлигининг) номи бўлган¹⁹⁸. Дилар аслида ёт юртли, яъни, Марказий Осиёликлар бўлганлигидан «ху» атамаси қадимда «чет элли» маъносини билдирган. Мил. авв. IV-асрлардан бошлаб хитой манбаларида мазкур атама рунг-диларининг умумий номига айланган. Шимолдаги рунг-ди қавмлар камситилиб, «ёввойилар» деб аталганлигидан «ху» иероглифи ҳам ёввойилар мазмунида ишлатилган.

Натижада Хитойнинг шимоли ва ғарбида яшаган халқларни умумий бир ном билан «ху» деб атаган. Жумладан хунларни ҳам «хулар» деб номлаган. Шунинг учун уларни ажратиш зарур бўлса «ху» нинг олдига улар яшаган жой ёки қabila, уруғ номлар қўшиб айтилган. Масалан линху (танлинлар, динлин, ўрмон хунлари), луфан хулар, дунгхулар (шарқий хулар)¹⁹⁹ каби ажратиб кўрсатилган.

«Ғарбий рунглар» (ғарбий турк жангчилари)нинг «ху» деб номланиши ва уларнинг Марказий Осиёда яшаганлиги «турк» сўзининг хитой тилидаги яна бир номи «ху» эканлигини кўрсатади. Хитой манбаларида «ху» атамаси рунг-диларнинг «ғарбий рунглар»га ҳам ишлатилган. Демак, Марказий Осиёнинг туркий аҳолиси «ху» деб номланган. Марказий Осиёлик хулар қадимий хитой манбаларида «ғарбий рунглар» деб аталган экан.

«Ди» атамаси хитой тилида «турк» сўзининг қадимий талаффузи бўлиб улар кейинчалик қадимдан Дашти Қипчоқда яшаганлигига манбалари аниқлик беради.

Хитойнинг шимолида туркий халқларнинг аجدодлари рунг-диларнинг бир қисми жанубдан кўчиб келган хитойликлар томонидан милоддан аввал мингинчи йилликда хитойлаштирилган. Лекин, рунг-диларнинг чорвачилик билан шуғулланган асосий қисми яшаб турган масканларини ташлаб янада шимолга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Улар «ху», «хун» ва яна «турк» номида тарих саҳнасида пайдо бўлади.

¹⁹⁶ Си Мачян, *Тарихий хотиралар, Урумчи, 28-29 бет.*

¹⁹⁷ Хур - VIII-IX аср тибет хужжатида туркий халқларга нисбатан «хўр» атамаси ишлатилган. Ҳатто, Уйғур хоқонлигини ҳам Хўр хони деб кўрсатган (Қурбон Вали. *Бизнинг тарихий ёзувларимиз. Урумчи, 1986, 184, 186 бет*). Шунинг учун бўлса керак, кейинги даврларда «Хўр» сўзи форс тилида «халқ» деган мазмунда ишлатилган. "Хўр" сўзи Кўжудан (Шарқий Туркистон) топилган мони хужжатларида "Хўрмуза" ("Илоҳ"номи, "тўнғич инсон") тарзида келади (Қадимий уйғур тили луғати. Урумчи, 1889, 224 бет). Хитойнинг шимолида яшаган қадимий халқларнинг ҳаммаси "Ху"деб номланишга сабаб бўлган бўлса керак.

¹⁹⁸ *Большой китайско-русский словарь. М., 1984. Т.3. С. 159-160.*

¹⁹⁹ Хуллас – мазкур жойда Дунгху яъни, шарқий хулар кўзда тутилади.

КИТАЙСКИЙ ИСТОРИК О ПУТЯХ МИГРАЦИИ И МЕСТЕ ВОЗРОЖДЕНИЯ ПОТОМКОВ АШИНЫ - ПЛЕМЕНИ ТЮРК

Как известно, этноним *тюрк* (в китайских источниках имеет различные транскрипции²⁰⁰) существует как общее название древнего народа, жившего на огромном пространстве Азии на протяжении более 2.5 тысячи лет²⁰¹ еще до возникновения Тюркского Каганата.

В VI в. нашей эры на Алтае появилось племя под названием *тюрк*, которое китайцы стали именовать *туцзюэ* (突厥) - по современному произношению этих иероглифов. После образования Тюркского каганата, в китайской историографии этноним *туцзюэ* был использован как общее название всех тюркских племен. Общеизвестно, что появившееся на Алтае племя *тюрк* (*туцзюэ*) являлись потомками рода Ашины (Асин). Однако, самое раннее место жительства и дальнейшие миграционные пути данного рода остались для многих авторов малоизвестными. В уточнении этого вопроса, как нам кажется, весомая заслуга принадлежит китайскому ученому – тюркологу Сюе Цзунчжэну, автору фундаментального труда «Туцзюэ ши» («История тюрков»)²⁰². В настоящее время данный труд является последним наиболее крупным и обобщающим исследованием в Китае по истории тюрков. Его объем состоит из 808 страниц. Хронологически он охватывает древний период и раннее средневековье. В своем исследовании автор широко использовал работы западноевропейских и японских историков.

Согласно его данным, в далеком прошлом род Ашина жил на севере Аральского и Каспийского морей, где согласно европейских авторов жили массагеты и саки, одевавшие остроконечные колпаки. Например, по этому поводу автор пишет: «Род Ашины первоначально жил на правой стороне Западного моря (Сихай). Западное море соответствует Аральскому морю (Сяньхай). Западная сторона этого моря была местом обитания массагетских племен»²⁰³. Действительно, в одних китайских источниках имеется информация о том, что предки племени тюрк жили на правой стороне Западного моря (Сихай), в других у Западного моря. Например, в «Бэй ши» отмечено: «Предки туцзюэ жили на правой стороне Западного моря», а в «Тундянь» отмечено: «Говорят, что их [туцзюэ] предки жили у Западного моря (Сихай)»²⁰⁴. В «Суй шу» (История династии Суй) сказано «Предки туцзюэ жили у Западного моря».²⁰⁵ Как мы видим, здесь имеется два топонима, трактовка которых может вызывать дискуссию. От идентификации этих топонимов: «Западное море» («Сихай») и «правая сторона Западного моря («Сихай чжи ю») зависит правильная локализация места проживания предков тюрков.

Согласно данным китайской справочной литературы, в древних китайских источниках, при определении сторон света, «ю» (правая сторона) понимается в значении запад, а «цзо» (левая сторона) – восток²⁰⁶. Однако, при идентификации топонима «Западное море» имеется определенная сложность. В китайских источниках разных времен под термином «Западное море» т.е. «Сихай» могли пониматься Аральское, Каспийское, Черное, Средиземное и Красное моря, а также Персидский залив. В понятие этого топонима входили также озера,

²⁰⁰ Ходжаев А. Кадимий хитой манбаларидаги туркий халкларга оид айрим этнонимлар // «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, 2003. 176-184 бет; «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003. 3-11 бет.

²⁰¹ Абдулахад Хўжаев, Комилжон Хўжаев. Қадимий манбаларда халқимиз ўтмиши (Прошлое нашего народа в древних источниках). Тошкент, 2001. С. 11-20.

²⁰² Сюе Цзунчжэн. Туцзюэ ши (История тюрков). Пекин, 1992.

²⁰³ Там же. С. 45.

²⁰⁴ Ду Ю. Тундянь (Трактат о законах и традициях). В 3 т. Чанша, 1995. Т. 3. С. С. 2812. Источник написан в 766-801 гг.

²⁰⁵ Лидай гэцзу чуаньцзи хуэйбянь (Сборник материалов об исторических народах). 2-й сборник, 2-книга. Шанхай. 1959. С. 2122.

²⁰⁶ Цыхай. Шанхай, 1985. С. 156.

расположенные в соседних с Китаем западных территориях. Например, озеро Кукунор (Цинхай) расположенное на территории одноименной современной провинции Китая, также называлось «Сихай»²⁰⁷. Тем не менее Сюе Цзунчжэн идентифицирует «Сихай» с Аральским морем. Он приходит к выводу, что предки рода Ашина в самом начале жили на западе Аральского моря, и уже позже переселилась на восток – на территорию современной Монголии. В частности, он пишет: «На самом деле маршрут переселения рода Ашины начался с запада на восток, а затем на юг. А позже он мигрировал с востока на запад, и затем на север»²⁰⁸. Также он приводит схематическую карту миграции этого рода. Согласно этой карте, люди Ашины, переселяясь на восток остановились на западе оз. Байкал (Бэйхай) на побережьях верховья реки Енисея (между притоками Енисея и Ангары). Позже, разделившись на две части, они ушли в районы Мавэй-шань и Пинлян, которые расположены между Ордосом и древней китайской столицей Чанъань (современный Сиань). Спустя некоторое время род Ашины ушел на запад в Турфан (Гаочан) через Дунхуан в Круран (Крурайн) и Карашар (Карашаар). Время переселения людей Ашины из района западнее города Чанъань в Турфан китайский историк относит к середине V века. «Миграция рода Ашины на запад, - пишет Сюе Цзунчжэн, - через Кочующие пески (Люша –песчаная пустыня на востоке современного Синьцзяна) началась в 439 г. и имела новые особенности по сравнению с прежней. На этот раз они кочевали с востока на запад, а затем на север»²⁰⁹

В течение более полувекового пребывания вблизи Турфана этому роду удалось восстановить свои силы и лишь после этого он переселился на Алтай²¹⁰. Поэтому о местах обитания рода Ашины появились различные легенды и рассказы, большинство которых содержится в китайских источниках. Например, в «Чжоу шу», «Суй шу» и «Тан шу» сказано: «Предки тукюеского Дома обитали от западного моря на запад и составляли аймак»²¹¹. Уместно заметить, что в комментарии Н.Я.Бичурина сказано, что топоним «западное море» соответствует одному из озер в западной Монголии. Во всех китайских справочниках указывается, что в большинстве случаев под топонимом «Западное море» (Сихай) имеются ввиду Каспийское или Аральское моря, а в некоторых случаях - Черное море.

В «Тундянь» сказано: «предки тукувет составляли часть тюрков в Пинляне (цзаху)»²¹². Аналогичная информация имеется и в Тайпин хуаньюй цзи²¹³. Пинлян соответствует современной провинции Ганьсу. Время пребывания рода Ашины в районе Пинлян относится к 439-460 годам, а время нахождения в Турфане - к 460-516 г.²¹⁴ Алтай (Олтин-тог, в китайских источниках Цзинь-шань) был конечным пунктом длительного и сложного маршрута миграции рода Ашины.

Согласно данным источников, род Ашины был разгромлен со стороны соседнего государства. После чего, оставшиеся в живых люди добрались до горы Таньхань (Таньханшань) и там спрятались в пещере. По этому поводу существуют различные предания, вошедшие в китайские источники. Одно из них можно встретить в переводе Н.Я. Бичурина из «Тан шу», в котором рассказывается о том, что единственного оставшегося из рода Ашины искалеченного мальчика спасла волчица, появившаяся в горах, «лежащих от Гаочана на северо-западе»²¹⁵. Японский ученый Мацуда Хисов установил, что указанные в Тан шу горы это горы Наньшань, расположенные в области Цзимуса (севернее современного города Урумчи – административного центра СУАР), а пещера расположена в ущелье

²⁰⁷ Там же. С. 1832.

²⁰⁸ Сюе Цзунчжэн. Туцзюэ ши. С. 63.

²⁰⁹ Там же. С. 63.

²¹⁰ Там же. С. 45-76.

²¹¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3 т. Москва-Ленинград. 1950. Т. 1. С. 220.

²¹² Тундянь. Т. 3. С. 2812; Лэ Ши. Тайпин хуаньюй цзи. (Записки о пространстве воцарения мира) Без указания время написания и места печатания. Цзюань. 194, л. 76.

²¹³ Тайпин хуаньюй цзи. Цз. 194, л. 76.

²¹⁴ Сюе Цзунчжэн. Туцзюэ ши. С. 67-70.

²¹⁵ Там же. С. 71.

Шуйсигоу²¹⁶. Данный вывод был подтвержден китайскими учеными после перепроверки сведений источников и местности ущелья Шуйсигоу. Там действительно обнаружена описываемая в источниках пещера²¹⁷. Следовательно, Таньхан-шань в китайских источниках соответствует горам Богдо-ула (Богдо-шань), расположенным на севере Турфана или северо-востоке от Урумчи.

Уход рода Ашины из Богдо-ула (Таньхан-шаня) в Алтай произошел в 516 году под предводительством Акин-шад (Ацзян-шэ)²¹⁸. Как указывается в источниках, в горах на севере Турфана род Ашины обитал на протяжении 3-х поколений, что составило примерно около 60 лет. Следовательно, время проживания рода Ашины в горах Таньхань-шань относится к 450 – 516 годам²¹⁹. Выход рода Ашины из горной местности произошел в период существования в Турфане государства Гаочан (487-541), создателем которого было племя *фуфуло* (*буркли*), входившего в состав племенного союза *кангли* (*гаочэ*).

Акин-шад был одним из сыновей Надулу-шада (Надулу-шэ) и был избран главой рода за свои способности. Сведения об этом избирании приводятся в 50-й главе «Чжо шу», 84-й главе «Суй шу» и 99-й главе «Бэй ши»²²⁰. При Акин-шаде род Ашины увеличился и составил отдельное племя, которое находясь в подданстве руру (чжурчжэней) на Алтае занималось добычей и переработкой железа. После Акин-шада его главой стал Ябгу (Даеху)²²¹. Как известно, создание племенем Ашины государства произошло в 552 г. под руководством Туман (Тумэнь). Следовательно, время предводительства Ябгу относится ко второй четверти VI века, а время подданства государству Руру – к 516-551 годам.

В «Суй шу», в разделе «Повествование о Вэнь-ди», сказано, что Юйвэнь умер в 586 г. в 64-х летнем возрасте. Когда ему было 18 лет он вел войну против *тукувет* (*туцзюэ*) и одержал победу²²². Отсюда можно определить, что Юйвэнь родился в 523 году, а в 540 г. он уже воевал с племенем под названием *тукувет*. Это был первый пример появления данного термина в китайских источниках.

К моменту образования в 552 году Тюркского каганата, в составе племени *тукувет* находилось 100 тыс. стрелков. Примерно за 100 лет до того как род Ашины перешел в подданство, в его составе было около 500 семей (2.5 тыс. человек)²²³. Как известно, на протяжении III-V вв. Алтай, Тангригог (Тянь-Шань) были местом обитания части тюркских племен под общим названием в китайских источниках *теле*. Кроме того, многие тюркские племена, оказавшиеся в подчинении *руру*, пытались получить свободу. Видимо, еще до образования Тюркского каганата на Алтае происходил процесс объединения тюркских племен, что дало возможность впоследствии создать государство. Присоединившиеся к роду Ашины племена себя называли *тюрклар*. *Чжурчжэньцы* (*руру*) их прозвали *турк-ут*, что как *тюрклар* является формой множественного числа этнонима тюрк. Китайцы, узнав от *чжурчжэней* (*руру*) о появлении нового племенного объединения под названием *турк-ут*, стали использовать для его написания новые иероглифы, о чем было сказано выше. После образования объединенного государства тюрков, в китайской историографии начали использовать этноним *тукувет* как его название. Как отмечается в «Тундянь» обычаи, письменность и метод управления у племени *тюрк* (*туцзюэ*) были одинаковы с древнехунскими²²⁴.

Исходя из указанного выше можно сделать вывод, что согласно результатам исследования китайского историка Сюе Цзунчжэна, в глубокой древности род Ашина жил между берегов Аральского и Каспийского морей. Позже он переселился на территорию

²¹⁶ Там же. С. 68.

²¹⁷ Там же. С. 68-69. На странице 69 данной книги приводятся также фотографии ущелья со входом в пещеру.

²¹⁸ Там же. С. 71-72

²¹⁹ Там же. С. 68.

²²⁰ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 1. С. 222.

²²¹ Сюе Цзунчжэн. Туцзюэ ши. С. 71, 74.

²²² Там же. С. 74.

²²³ Тундянь. Т. 3. С. 2812. Тайпин хуанюй цзи. Цз. 194, л. 7б.

²²⁴ Тундянь. Т. 3. С. 2814.

Монголии, а затем в сторону Хэсиского коридора, откуда через Дунхуан, южное побережье озер Лобнор, Карашар, Турфан, переместился в горный район вблизи современного города Цзимуса (севернее Урумчи). Время прохождения путей от Хэсиского коридора до Турфана относится к середине V века. Место, где род Ашины спрятался от преследования неприятелей и жили в течение более полувека, находится в горах Богдо-ула, расположенных севернее Урумчи. В 516 г. они, возразив свои силы и став отдельным племенем под названием тюрк переселились на Алтай, где начали выполнять миссию объединителей всех тюркских племен. Китайцы впервые узнали об этом племени в 540 г., за 12 лет до образования Тюркского каганата.

Ғ. Бобоёров.
(ЎзР ФА Шарқшунослик институти)

ИЛК ЎРТА АСР МАНБАЛАРИДА ТУРКИСТОН АТАМАСИ

Туркистон атамаси узоқ асрлардан бери Марказий Осиё минтақасининг катта бир қисми учун, аниқроғи Каспий денгизининг шаркидан то Олтой тоғларигача, Шимолий Афғонистондан то Урол тоғларигача чўзилган кенг ҳудуднинг умумий географик номи сифатида қўлланилиб келган. Гарчи, у турли даврларда гоҳ кенгайиб, ушбу ҳудудлардан ҳам кенгроқ маъно касб этган, баъзи даврларда эса нисбатан торроқ ҳудудни англатган бўлса-да кўп асрлар давомида асосан мазкур ҳудудда жойлашган турли њлкаларнинг муштарак номи бўлиб келган. Ҳатто, Туркистон деганда њрта асрларга тааллуқли баъзи манбаларда эътироф этилишича, мазкур ҳудуд билан биргаликда Доғистон ва Озарбойжон ҳудудини ҳам қамраган ҳудуд тушунилан.

Гарчи, Туркистон атамаси қачон, қайси ҳудудлар учун қўлланилганига доир фикр-мулоҳазалар таниқли тарихчиларимиз А. Ўринбоев, А. Асқаров, А. Аҳмедов, М. Исҳоқов, Б. Маннонов, Ш. Камолитдин ва турколог Қ. Маҳмудовларнинг тадқиқотларида ўрин олган²²⁵ ва аниқ кўрсатиб берилганига қарамай бу борада ҳалигача мунозарали қарашлар билдирилмоқда. Яъни, баъзи маҳаллий ва хорижий нашрларда қуйидагича бирёқлама ва ноҳолис фикрлар кўзга ташланади; 1. «Дастлаб араблар истилоси арафасида Сирдарёнинг шимоли-шаркидаги туркий қабилалар яшайдиган њлкаларни араб ва форслар умумий ном билан илк бор Туркистон деб аташган», 2. «Амударё ва Сирдарё оралиғига нисбатан VI-VIII асрлар учун Туркистон атамасини ишлатиш мумкин эмас, бу атама VIII-IX асрларда Сирдарёнинг шимоли-шаркидаги њлкаларга, асосан Еттисувга нисбатан қўлланилган, икки дарё оралиғи эса Туркистон деб аталмаган», 3. «Мовароуннаҳр Туркистонга кирмаган, Туркистон деганда Сирдарёнинг қуйи оқимлари, асосан бугунги Туркистон шаҳри атрофлари тушунилан, фақат XIX асрнинг иккинчи ярмида руслар Ўрта Осиёни босиб олгач, Туркистон номи улар томонидан Сирдарё ва Амударё оралиғига нисбатан ҳам ишлатила бошлаган».

Мазкур фикрларга жавоб бера оладиган юзлаб маълумотларни ўрта асрларга тааллуқли араб-форс, туркий ва бошқа тиллардаги манбаларда учратиш мумкин бўлса-да, биз ушбу мақоламизда асосий эътиборни илк ўрта асрларга оид ёзма манбаларга қаратишни лозим топдик.

Хўш, мазкур географик атама дастлаб қачондан бошлаб, қайси ҳудудга нисбатан ишлатила бошлаган ва илк бора қайси манбаларда тилга олинган? Академик Э.В. Ртвеладзе VI-VII асрларга мансуб бохтарий ёзувида Туркистон атамаси илк бор учрашини

²²⁵ Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Т., 1960, 84-85 б.; Асқаров А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // ОНУ, 1997, №3-4, с. 67; Аҳмедов А. Нега Турон деб аталади // Турон, №1, 1992, 5-6 б.; Исҳоқов М. Номи азал Туркистон//Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, № 45-46, Т., 1993, 1, 5-б.; Маннонов Б. Туркистон ва Марказий Осиё//Мулоқот, №2, 1998, 6-8 б.; Камолитдин Ш. К вопросу об употреблении географических названий «Мавераннахр» и «Туркестан»//«O'zbekiston tarixi», №4, 2002, с. 61-68; Mahmudov Q. Qadimgi Turkiston tarixi. Тошкент, 2003

таъкидлайди. Шунингдек, Шарқий Туркистондан топилган 639 йили сўғдий тилда битилган ҳужжатда Туркистон атамаси учрайди. Ушбу ҳужжатда «чавйак уруғига мансуб Туркистонда туғилган чўри Упачах» ҳақида гап боради. Сўғдшунос олим М.Исҳоқов «Номи азал Туркистон» сарлавҳали мақоласида мазкур ҳужжатдаги баъзи жиҳатларга асосланиб, «бу ҳужжатдан маълум бўладики, Туркистон географик атамаси ўлкамизга нисбатан илк ўрта асрлардаёқ қўлланилган, аниқроғи бундан 1360-1400 йиллар илгари Турон ерларининг умумий номи Туркистон деб аталган» деб ёзади²²⁶.

Туркистон ҳақида батафсилроқ маълумот берадиган тарихий ва географик асар борми? Биз бу саволга жавоб топишга ҳаракат қилиб шу тарздаги маълумотларга дуч келдик. Асарини VII аср ўрталарида ёзиб тугатган арман тарихчиси Себеосда иккита маълумот учрайди. 1) «Дехистон ёхуд унинг атрофлари Туркистондадир»²²⁷, 2) «Кушон шоҳи (Эфталит ҳукмдори) Шимол ҳукмдори улуғ Хоқон (Турк хоқонлиги ҳукмдори)дан ёрдам сўради. Ва у ёрдамга 30 бюр миқдоридаги қўшин билан келди. Улар (турклар) Туркистондан бошланувчи Вехрот (Амударё) дарёсидан кечиб ўтишди»²²⁸. Ушбу маълумотларнинг биринчисидан аён бўлишича, Шимоли-Шарқий Эрон (ҳозирги Туркменистоннинг жанубий-ғарбий қисми)даги тарихий Дехистон вилояти Туркистонда жойлашган. Иккинчи маълумот эса Амударёнинг Туркистондан бошланишига ишорат қилинади. Маълумки, Амударёнинг бошланиши Вахш ва Панж дарёлари атрофига тўғри келади. Демак, Себеоснинг маълумотидан бу ҳудуд, яъни Вахш-Панж-Юқори Амударё ҳавзаларининг Туркистон ўлкасига кирганлиги маълум бўлади. Яна бир арман тарихчиси, VII асрда яшаган Анания Ширакацининг «Ашҳарақуйц» («Мамлакатлар тасвири») асарида «сўғдийлар - Ария (Шимоли-Шарқий Эрон) ва Туркистон оралиғида яшайди» шаклида маълумотга дуч келинади²²⁹. Бу маълумотдан Туркистоннинг ўрнини аниқ белгилаш мушкулроқ бўлса ҳам, унда Туркистон деганда Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳам тушунилганини пайқаш мумкин.

Албатта, арман тарихчилари Туркистон ҳақидаги маълумотларни кўшнилари форслардан олишган. Маълумки, Туркистон сўзи луғавий жиҳатдан «Турклар яшайдиган макон», «Турклар ери» деган маънони билдиради. Демак, форслар VI-VII асрларда ҳам Туркистон атамасини ишлатганлар. Буни илк ўрта асрларга тааллуқли ўрта форс-пахлавий манбалари ҳам тасдиқлайди²³⁰. Жумладан, пахлавийча «Бундаҳишн» («Дунё қурилиши») номли географик асарда Туркистон ҳақида шу тарзда маълумотлар учрайди; 1)«Зарин тоғи-Туркистондадир», 2)«Саукавастон ўлкаси Туркистондан Кинистонга борадиган йўлда, шимолий йўналишда жойлашган», 3) «Кино тоғи шарқда жойлашган, у Туркистон чегарасида бўлиб, Апарсен тоғи билан туташган»²³¹. Ушбу пахлавий манбалардаги Туркистонни белгилаш учун юқорида келтирилган Саукавастон ва Кинистон ўлкалари ҳамда Зарин, Кино ва Апарсен тоғларининг ўрнини аниқлаш керак бўлади. Аввало, Зарин тоғининг қайси тоққа тўғри келиши ҳақида тўхталсак. «Бундаҳишн»да Зарин тоғи Хўросондаги тоғлар сирасида санаб ўтилади. «Бобурнома»да Афғонистонда кечган воқеалар баёнида Кўтали-Зарин (Зарин довони) қайд қилинади²³². Тадқиқотчилар уни Шимоли-Ғарбий Афғонистоннинг Куҳи-Бобо тоғ тизмаларидаги Ҳарируд дарёсига яқин бир довон, деб кўрсатишади. Шунингдек, ҳозирги кунда ҳам ушбу ҳудудларга яқин тоғ, яъни, Ҳирот ва Балх оралиғидаги Куҳи-Бобо тоғ тизмаларининг бир қисми «Банд-и Туркистон» (Туркистон тоғ тизмаси) деб юритилади²³³. Бу эса «Бундаҳишн»да тилга олинган Зарин тоғи билан «Бобурнома»даги Зарин довони битта эканини тасдиқлайди. Шу ҳам борки, ўтган асрларда

²²⁶ Исҳоқов, 1993, I, 5-бетлар

²²⁷ Frye R.N., Sayili A. *Selzukulardan evvel Orta Sark'ta Türkler. Belleten, cilt. 10, Ankara 1946, S. 119*

²²⁸ Тер-Мкртчян Л.Х. *Армянские источники о Средней Азии V- VII вв. М., 1979, с. 60--61*

²²⁹ Тер-Мкртчян, 1979, с. 63; Аҳмедов А., 1992, 6-бет

²³⁰ Markwart J. *Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. Leiden, 1938, s. 123, n. 3*

²³¹ *Pahlavi Texts. The Bundahis-Bahman Yast, and Shayast La-Shayast. Translated by E. W. West. BSE, Vol. 5, Part I, Delhi 1987, J p. 37, 41, 120.*

²³² Бабурнаме. Пер. М. Салье, Т. 1958, с. 194а, 226, 529

²³³ *Ensiklopedia of Islam. II Edition. Afghanistan, I. Vol. P. 221 a.*

хам, ҳозирда ҳам Куҳи-Бобо тоғларининг шимолидан то Амударёгача чўзилган ва Банди Туркистон тоғларини ҳам ўз ичига олган Шимолий Афғонистондаги вилоятлар Туркистон деб аталиб келинади. Бу эса «Бундахишн»да келтирилган Туркистон билан Шимолий Афғонистондаги Туркистон битта жойга тўғри келади, деб фикр билдиришга имкон беради.

Энди, «Саукавастон ўлкаси Туркистондан Кинистонга борадиган йўлда, шимолий йўналишда жойлашган», «Кино тоғи шарқда жойлашган, у Туркистон чегарасида бўлиб, Апарсен тоғи билан туташган» мазмундаги маълумотларга диққат қилсак. Бунинг учун аввало, паҳлавий матнлардаги «Саукавастон», «Кинистон» ва «Кино тоғи» атамалари қаерларга нисбатан ишлатилганини аниқлаш керак бўлади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, паҳлавий манбаларда Кинистон ва Кино тоғи атамалари Сўғд воҳасига ва ундаги тоғ тизмаларига нисбатан, Саукавастон ўлкаси эса Зарафшон дарёси ҳавзаларига нисбатан қўлланилгандир. Апарсен тоғи эса Хуросондаги тоғларнинг умумий номи бўлган. Демак, ҳозирги Ҳисор тоғ тизмалари паҳлавийча асарларда Кино тоғи, у жойлашган ҳудуд эса Кинистон деб номланган. «Бундахишн»даги ушбу маълумотдан аён бўладики, Хуросондан Сўғдга томон йўналган йўл Туркистондан ўтган ва Сўғднинг бир қисми бўлмиш «Саукавастан ўлкаси» мазкур йўлнинг шимолида жойлашган. Демак, арман манбалари ва паҳлавий матнлардаги маълумотлардан кўринадики, мамлакатимизнинг жанубий қисмлари, Жанубий Туркманистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари Туркистоннинг чекка жанубий ҳудудлари бўлган.

Энди, Туркистон географик атамасининг Марказий Осиёнинг бир неча ҳудудларига тўғри келиши ёки турли манбаларда унинг ўрни ҳар хил жойларда кўрсатилишини изоҳласак. Туркистон тарихий-географик ҳудуди бошқа тарихий-географик ҳудудлар каби турли даврларда бирмунча торайиб ёки кенгайиб турган. Албатта, бу ҳол сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган. Дарҳақиқат, араб географлари асарларида Туркистон деб кўпроқ Сирдарёнинг шимоли-шарқий томонлари кўрсатилган. Ҳатто, Туркистон ва Мовароуннаҳр алоҳида ўлка сифатида ҳам қайд қилинган. Маълумки, Амударё ва Сирдарё оралиғига нисбатан Мовароуннаҳр атамасини қўллаш араб истилоси натижасида пайдо бўлган. Ўрта аср араб, форс ва туркий манбаларида эса Туркистон атамаси кўпроқ Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларга, Сирдарёнинг шимоли-шарқи, Еттисув, Фарғона водийси ва Шарқий Туркистонга нисбатан қўлланила бошлаган бўлса-да, Амударё ва Сирдарё оралиғи унинг таркибида кўрсатилган ҳоллар ҳам бўлган. Масалан, Ҳофизи Абрунинг (XV аср) «Жўғрофия» асаридаги Мовароуннаҳр тавсифида қуйидагича маълумот учрайдики, ундан икки дарё оралиғи учун Туркистон атамаси қўлланилганини англаш мумкин, яъни: «Айтишларига қараганда...Самарқанд шаҳрини Шамар (исмли) муътабар амир курганмиш ва у Туббаъ амирлари (Яман ва Арабистоннинг исломгача бўлган подшоҳлари)дан бўлиб, Туркистонга келиб қолган. Шундан сўнг ул (шаҳар)ни «Шамар-канд» дейишган»²³⁴.

Демак, ўрта асрларга тегишли турли асарларда Туркистоннинг тор ёки кенг маънода учрашини кўрамиз. Буни ўша даврдаги сиёсий-географик тушунчаларнинг деформацияси билан изоҳлаш мумкин. Масалан, XVI асрда Туркистон деб кенг маънода Шимолий Афғонистон, Шимолий-Шарқий Эрон, ҳатто Озарбойжон ҳудуди ҳам тушунилган ҳоллар ҳам бўлган. Жумладан, «Қутбнома» номли асарда Шоҳ Исмоил Сафавий «пири Туркистон» тарзида қайд қилинган²³⁵.

Юқорида кўриб ўтилган маълумотларни хулосалаб айтиш мумкинки, VII асрга тааллуқли арман манбаларида Амударёнинг юқори ҳавзалари Туркистонда деб тушунилган. Паҳлавий-форс манбаларида эса Шимолий Афғонистон ва Амударё ҳавзалари Туркистонга киритилган. Сўғдий ҳужжатда ҳам икки дарё оралиғи Туркистонда кўрсатилган. Албатта, бу маълумотлар кенг қамровли бўлмай, уларда Туркистон ибораси бирор воқеа тафсилоти ҳикоя қилинаётганда қайд қилинган. Шундай бўлса ҳам ушбу маълумотлардан Туркистон деганда ҳозирги кун тушунчамиздаги Туркистонни тушуниш қийин эмас.

Туркистон географик атамаси илк ўрта асрлардаёқ эронликлар томонидан Эроннинг

²³⁴ Бўриев О. *Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё*. Т., 1997, 77-б.

²³⁵ *Ensiklopedia of Islam. II Edition. Afghanistan, I. Vol. P. 260 a*

шимоли-шаркидаги худудлар учун «туркийлар ўлкаси» сифатида ишлатила бошлаган. Ўз навбатида ушбу атамани кўшнилари бўлмиш эронликлардан эшитган арман тарихчи ва географлари ҳам ўз асарларида Туркистон атамасини қўллаганлар.

Демак, Туркистон географик атамаси илк ўрта асрлардаёқ, ҳозирда Марказий Осиё минтақасининг катта бир қисми учун этносиёсий ва этно-географик ном сифатида ишлатилган. Буни юқорида имкон қадар кўриб чиққан турли тилли манбалардаги маълумотлар исботлаб турибди.

А.Отаҳўжаев
(ЎЗР ФА Тарих институти)

ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ВА СУҒДЛАР (СИМБИОЗ ВА АССИМИЛЯЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ)

Марказий Осиё ўз географик жойлашувига кўра Евросиё материгининг азалий цивилизациялар жараёнлар кесишадиган энг қулай худуди ҳисобланади. Айнан шу худуддан Буюк Ипак йўлининг ўтиши ҳам тасодифий ҳол эмас эди. Буюк Ипак йўли турли цивилизациялараро маданий уйғунликни вужудга келтиради. Қадимдан то XII асрга қадар Марказий Осиёда учта етакчи этнос муҳим ўрин тутган. Булар хитойлар, турклар ва суғдлардир. Ушбу уч этнос ўртасида кечган сиёсий, ижтимоий ва маданий муносабатлар орасида турк ва суғд этнослараро муносабатлар кейинги асрлардаги этник шаклланишларга ҳам кучли таъсир кўрсатган. Тадқиқотчилар тарихда милоддан аввалги IV-III асрлардаёқ суғдларнинг хитойлар ва прототурк қабилалари билан муносабатларга кириша бошлаганликларини таъкидлайдилар²³⁶. Деярли бир ярим минг йиллик тарихий давр ичида суғдлар ва турклар бир минтақада яшаб ўзаро ҳамкорлик қилганлар. Қиёсий типологик таҳлил суғд ва туркларнинг жамиятлари деярли тенгдош эканлигини кўрсатмоқда²³⁷. Бу ҳолат этник муносабатлар учун муҳим ҳисобланган. Ҳақли равишда VI - VIII Марказий Осиё “турк-суғд” даври номини олди. Минтақада ягона тарихий маданий макон²³⁸ вужудга келишига асос солди. Айнан шу давр турк-суғд симбиози²³⁹ даври сифатида баҳоланади. Бу жараён Марказий Осиёнинг деярли барча тарихи географик ўлкаларида кечган. Жумладан, бизнинг минтақа учун академик К.Шониёзов таъкидлаганидек; милоддан аввалги II-I асрларда воҳалардан деҳқон, хунарманд ва савдогар аҳоли билан шу худудга кириб келган чорвадор этник қатлам маданияти аралашиб, ўзига хос синкретик - маданият ҳосил қилган²⁴⁰.

Бепоеён Марказий Осиё минтақаси халқлари тарихида илк ўрта асрлар нафақат этник юксалиш, балки давлатчилик анъаналарини ривожланиш тиклаш ва қудратга етказиш даври ҳам ҳисобланади. Турк ҳоқонлигининг қарор топиши эса барча соҳаларда ривожланиш ва тараққиёт учун омил бўлди. Ҳоқонлик қарор топгунга қадар ҳам суғдларнинг улар ҳаётига кириб келиши кузатилгани маълум маънода ҳоқонликнинг маъмурий-бошқарувига замин яратган. Ўтроқ суғдларнинг ҳар томонлама маслаҳатлари ва кўмаклари туркларнинг давлатчилигини шаклланишига таъсир ўтказган дея оламиз. Суғд савдо колониялари - шаҳар давлатлар тизими кўплаб кўчманчиларнинг ўтроқлашувига, ярим ўтроқ ва кўчманчиларнинг эса шаҳарсозлиги ривожига асос бўлиб хизмат қилди. Суғдларнинг турклашуви ҳам бежиз эмас эди. Ўзаро интеграция ассимиляциялашув учун имкон яратди. Кўп сонли турклар орасида суғд диаспоралари бу жараёндан манфаатдор ҳам эдилар.

²³⁶ Henning W.B. *The date of the Sogdian Ancient Letters* // BSOAS, 1948, vol. XII. Pt. 3-4, p. 601-615; Чугуевский Л.И. *Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана* // СХВ, вып. X, 1971, с. 147; Лившиц В.А., Хромов А.Л. *Согдийский язык. В кн. Среднеиранские языки.* –М.: Наука, 1981, с. 348.

²³⁷ Гюль Э.Ф. *Проблема этнокультурных взаимодействий в античном и средневековом искусстве в Узбекистане.* /АР., док.степ.искус. –Т.: 2002, с.16.

²³⁸ Бернштам А.Н. *Среднеазиатская древность и ее изучения за 30 лет НВДИ, 1947, №3, с. 91.*

²³⁹ Симбиоз – юнонча *simbiosis* – бирга яшашлик, ҳамюртлик.

²⁴⁰ Шониёзов К. *Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.* – Т.: Шарқ, 2001, 10-б.

Суғдлар орасида Эркин, Тудун, Тегин, Баҳодир, Тархон, Ўзмиш, каби туркий исм ва унвонлар расм бўла бошлади²⁴¹.

Айнан Турк хоқонлигидаги турк-суғд муносабатларига эътиборни қаратсак фикримизни анча ўз тасдиғини топади.

Ҳозирги Мўғулистон ҳудудидан топилган кўплаб суғдий ва туркий ёзма ёдгорликлар муҳим маълумотлар беради.

VI-IX аср туркий давлатларда суғд тили ва ёзувининг етакчилик ўрни беқиёсдир. Суғд ёзуви таъсирида қадимги турк (руний) ва уйғур ёзуви шаклланишига сабаб бўлди²⁴².

Суғд тилининг Турк хоқонлигида расмий тиллардан бири бўлганлиги, эпиграфик ёдгорликлардан бири 581-587 йиллар орасида битилганлиги тахмин қилинган. “Буғут ёдномаси ёки I Турк хоқонлигининг расмий баёни”да ўз аксини топган²⁴³. Ушбу ёдгорлик хоқонлик ҳукмдорларидан Махан-тегин шарафига суғд тилида битилган. Иккинчи ёдгорлик Гоби чўли жанубидаги Сэврэй қоясига битилган бўлиб, икки тилда турк ва суғд тилларида ёзилган. Маълумот 762 йилда уйғур хоқони Бегйо хоқон - Инги Янглакарнинг Хитойга муваффақиятли юриши ҳақида ҳикоя қилади²⁴⁴.

Кейинги ёдгорлик IX аср бошига оид Қораболғасун битиги бўлиб, унга қадимги турк-рун, суғд ва хитой тилида матнлар чекилган. Битиктошда 808-821 йиллар ҳукмронлик қилган уйғур хоқони Алп-билга номи зикр этилган воқеалар акс этган²⁴⁵. Бошқа бир ёдгорлик Мўғулистоннинг шимоли-ғарбидаги Тайхир-чулун қоясига қора туш билан ёзилган туркча ва суғдча исмлардир. Тадқиқотчилар уни чопарлар ва келиб-кетувчилар рўйхати бўлса керак деб ҳисоблайди. Ёдгорлик VIII- IX асрларга оид деб тахмин қилинади²⁴⁶.

Юқоридагилардан ташқари суғд ва турклар ўртасида диний ҳамжамоалик муҳити ҳам мавжуд бўлганлигини кузатамиз. Жумладан, суғд буддавий ёдгорлиги “Важрачҳедика” асари турк ёки турклашган суғд Қутлуғ исмли котиб томонидан суғд тилида ёзилган²⁴⁷. Шу ўринда айтиш мумкинки, суғдлар нафақат шарқда савдо-тижорат ишлари билан машғул бўлганлар, балки Марказий Осиё шарқида буддавийлик, монувийлик, ва христианлик каби динларни тарқалишида турклар, хитойлар, мўғуллар орасида ёйилишида миссионерлик вазифаларини ҳам бажарганлар²⁴⁸. Бир вақтнинг ўзида баъзи жамоалар ўз азалий динлари зардуштийликка бўлган эътиқодларини ҳам сақлаб қолганлар²⁴⁹. Эҳтимолки, турклашган суғдлар тангричилик динини ҳам қабул қилганлар.

Турк хоқонлиги қарор топгунга қадар Ипак йўли бўйлаб жойлашган суғд шаҳар ва манзилгоҳлари V-VI асрларга келиб, Етгисув, Шарқий Туркистон ва Гансуда нафақат савдо, балки ҳунарманд-зироаткорлик марказларига айланиб, минтақанинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкуравий ҳаётида етакчи рол ўйнаган дейишга асослимиз. Турк хоқонлигининг ташкил топиши эса, бу жараёни янада такомиллаштирди. Суғдлар эндиликда Турк хоқонлари саройларида муҳим лавозимларни эгаллай бошлаганлар. Турк ва суғдлар ўртасидаги иттифоқчилик Турк хоқонлигига путур етказмоқчи бўлган хитойларни манфатига мос тушмас эди. Хитой жосуси 607 йилда ўз императорига шундай мазмунда нома юборган: “Турклар ўзларича соддадил ва калтабинлар ва улар орасига нифоқ солиш мумкин. Афсуски, улар орасида кўплаб суғдлар яшайди, ўшалар айёр ва хийлагардурлар. Улар туркларни ўргатадилар ва йўналтирадилар»²⁵⁰.

²⁴¹ Чугуевский К. Новые материалы С. 153.

²⁴² Исхаков М.М. Палеографическое исследование памятников согдийской письменности. / Дис. на уч. степ. док. ист. наук. –Т., 1991, с.109-162; Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви. –Т., 1989, 44-б.

²⁴³ Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. // СНВ, X. –М., 1971, с. 121-146.

²⁴⁴ Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Сэврэйский камень // Советская тюркология, 1971, №3, с. 106-112.

²⁴⁵ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ..., с. 363.

²⁴⁶ Юқоридаги асар. 364-б.

²⁴⁷ Benveniste E. Notes sur les textes sogdiens bouddhiques du British Museum / JRAS, 1933, p. 61-66.

²⁴⁸ Исхоқов М.М., Отахўжаев А. Суғдларнинг буддавий фалсафий-ахлоқий ёзма меросидан // Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент.: Ёзувчи, 2000, 33-38-б.

²⁴⁹ Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо, 2002, №2, 42-б.

²⁵⁰ Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // Тюркологический

Суғдлар ва уларнинг Турк хоқонлигидаги тақдирлари ҳақида турк-руний битиклари ҳам бирқанча маълумотлар қолдирганлар. 1-Турк хоқонлиги 603 йилда иккига Шарқий ва Ғарбий қисмга бўлингач, суғдлар ҳам турклар каби хитойлар асоратига туша бошлаганлар. Жумладан, Тўнюкук битиктоши ёдгорлиги Иккинчи Турк хоқонлигига асос солган Элтариш (асли исми Қутлуғ, хитой манбаларида Гудулу) хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркарда Тунюкукка бағишланиб, 712-716 йиллар орасида Улан Батордан 66 км жануби-шарқдаги Баин Цокто манзилдан топилган. Унинг 45-46- қаторида “Инал хоқонга араб, тухор ҳужум қилди. Ўшанда ажраладиган чоки бор дубулға кийган суғдоқ бўдун (халки) ҳаммаси келди. Ўша куни ҳужум бўлди. Турк халки Темур қапиғка (дарвозага)ча, тинси ўғлон ётадиган тоққа етди”²⁵¹, дейилади. Ушбу сатрлар мазмуни суғдлар келиб турк қўшинларига қўшилгач, улар араб ва тохарларни Темир дарвозагача чекинтирганлиги аён бўлади. Бошқа бир ёдгорлик Билга хоқон битигтоши бўлиб, бу битигтош Элтариш хоқоннинг ўғли, Култегиннинг акаси Билга хоқон (хитой манбаларида асл исми Мўғолон) шарафига 735 йилда қўйилган. Битигтош Мўғулистоннинг Кошо Цайдам водийсидаги Кўкшин Урхун дарёси қирғоғидан, Улан-Батордан 400 км жанубдан Култегин битигтошидан 1 км жануби-ғарбда ўрнатилган. Унинг 24-25- қаторларида “Ўн саккиз ёшимда олти жуфт (чуб) сўғдак томонга қўшин тортидим, халқни ўшанда тўзитдим. Табғач (Хитой)дан ўнг тутук, беш минг лашкар келди. Идар бошида урушдик, у лашкарни ўшанда йўқ қилдик”, дейилади²⁵². Маълумки, Хитойлар Шарқий Турк хоқонлиги заифлашгач, 630 йилдан хоқонлик ҳудудидаги кўплаб суғдларни ўз томонларига қўчириб кетганлар ёки у ердаги суғдларга савдо-сотик учун оғир шартлар қўйганлар. Хитой тарихчиси Хоу жэнь-чжи Хитой сиёсатини қисқа қилиб: “Ўлпон йўқ - савдо йўқ, ўлпон бор мукофот ҳам бор” деб баён этган²⁵³. Суғдлар Хитой саройига ипак матолар билан ўлпон тўлашган²⁵⁴. 691 йил Турк хоқонлиги қайта оёққа тургач, Қапағон хоқон Буюк Хитой деворининг нариги томонига олиб кетилган суғдларнинг авлодларини Тан саройидан қайтарилишини талаб қилади ва бунга эришади²⁵⁵. Чунки Тан императори турклар билан чегара ҳудудларга олти суғдлар округини ташкил қилган эди²⁵⁶. Билга хоқон битигида айнан шу олти суғд вилоятини хитойлар асоратидан қутқарилиши ҳақида гап боради. Култегин битигидаги 52-қаторда “Ғарбда кун ботишдаги Суғд муҳожирлари” ҳақидаги маълумот ҳам қизиқарлидир²⁵⁷.

Хитой манбалари ҳам суғдлар ва уларнинг минтақадаги ўрни ҳақида кўплаб маълумотлар беради. Хитой муаррихлари суғдларнинг минтақадаги иштирокига юқори баҳо берганлар. Ли Минвэй ёзади: “Маълум даражада ўзига хос мустақил ёки ярим мустақил бўлган Хэсида доимо тинчлик барқарор эди. Шу боисдан суғд савдогарлари бу ерда узок яшаб қолганлар. Маҳаллий бозорлар ҳам уларнинг манфаатларига маъқул келган”. Бу ердаги суғдлар турли мамлакатлардан келтирилган молларни Марказий Хитой бозорларига етказганлар. Бошқа бир хитой тарихчилари Ванг Чэнчя, Гуан Лянжи кабилар “милоддан аввалги V асрдан то милодий X асргача бўлган тахминан 1500 йиллик давр давомида суғдийлар Ипак йўли орқали олиб борилган алоқаларнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшганлар”, деб ёзадилар²⁵⁸. Шу каби маълумотларга асосланган Э.Г.Пуллейблэнк “улар (суғдлар) нафақат моҳир савдогар, балки мусаввир, ҳунарманд ва янги дин тарғиботчиси

сборник, 1972, - М.: Наука, 1973, с. 258; Liu Mau-tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (T'u-kiue). I. Wiesbaden, 1958, p. 454-455.

²⁵¹ Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Қадимги туркий битиклар. – Самарқанд, 2001, 53-б.

²⁵² Юқоридаги асар, 56-б; Абдурахмонов Н. Қадимги туркий матнлар. – Самарқанд, 2001, 53-б.

²⁵³ Мартыков А.С. Особенности торговли чаем и лошадьми в эпохи Мин / Китай и соседи в древности и средневековье. – М., 1970, с. 234.

²⁵⁴ Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М., 1964, с. 94-100.

²⁵⁵ Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность ..., с. 258.

²⁵⁶ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. – Новосибирск, 1989, с. 36.

²⁵⁷ Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Қадимги 89-б; Абдурахмонов Н. Қадимги 46-б.

²⁵⁸ Хўжаев А. Суғдийларнинг 40-41-б.

эдилар. Суғдлар Марказий Осиёга Ипак йўли бўйлаб ўрнашдилар, кўчманчилар орасига кириб бордилар. Шулардан бири суғдларнинг туркларга цивилизацион таъсири маълумдир”, деб, таъриф берганди.

Хитой манбалари айнан турк-суғд муносабатлари хақида ҳам кизиқарли маълумотлар қолдирганлар. Келиб чиқиши Ан (Бухоро)дан бўлган Гуньсулик суғд Аннопаньто (Нахбанд) Биринчи Турк хоқони Бумин ўрдасининг энг ишончли шахсларидан бўлган. У 545 йилда Хитойга элчи бўлиб борган²⁵⁹. Суғдлар хоқонликнинг қарор топиши, идоровий бошқарувининг шаклланиши ва иқтисодий юксалишида ўз хиссаларини қўшганлар. Бу жараён илдилари узоқ йиллик симбиоз - ҳамюртлик, ўзаро яқинлик, умумий манфаатдорлик сиёсий иттифоқчилик маҳсули эди.

Хоқонлик ҳудудидаги суғд манзилгоҳлари оқсоқоллари хоқон томонидан элтабар - йирик вассал қабила раҳнамоси унвонига эга бўлганлар. Аста-секин суғд муҳожирлари турклашиб бориб, турк аслзодалари қон-қардош тутина бошлаганлар. Хатто баъзи суғдлар тегин-хоқон укаси ёки фарзандига бериладиган шахзода унвонига ҳам эришганлар. Суғд Торуг-шоднинг ўғли отаси каби шод унвонига эга бўлмасада, унга Элби-незук-элтабар унвони берилган²⁶⁰. Бундан ташқари 742 йилда Шарқий Турк хоқони Ўзмиш тахтга келгач, ўзаро низолардан безор бўлган суғдлар Тан ҳукмдोलарига тегишли осойишта ҳудудлардан паноҳ излайдилар. Шундай кўчкин бўлган гуруҳ раҳбари турклашган суғд Кан Аи Кул-тархон бўлган²⁶¹. Яна бир маълумотда 588-600 йилларда I Турк хоқонлигини бошқарган Тўнг Турон саройида Ан Суи Цзе исмли суғд маслаҳатчи вазифасида бўлиб, айнан у хитойларни туркларнинг ички ишларига аралашувиغا қаршилик қилган²⁶². 609-619 йилларда ҳукмронлик қилган Шиби хоқон саройида Шиши Хуси исмли суғд эътиборли сарой аёнларидан бўлган. VIII аср бошларида эса Ан Ян-ян исмли суғд хатто турк қўшинлари қўмондони даражасига эришган. У қадимий турк уруғларидан бири турк аслзодаси кизига уйланган²⁶³.

Юқоридаги суғд, турк ва хитой манбаларлари асосида хулоса қиладиган бўлсак, бутун Марказий Осиёда рўй берган этномаданий жараёнларнинг илк ўрта асрлар босқичи, турк-суғд симбиози ва суғдларнинг турклашуви ассимиляцияси даври сифатида баҳоланиши мумкин. Асрлар давомида дўстона, самимий ва қон-қардош бўлиб яшаган турклар ва суғдлар кейинги давр этнослари; ўзбек, уйғур, тожик ва бошқа элатларнинг шаклланишида бевосита иштирок этганлар.

Ш.С. Камолиддин
(Институт истории АН РУз)

О МЕТОДАХ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЭТНИЧЕСКОЙ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ ДРЕВНИХ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ ПО ДАННЫМ ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКОВ

Средняя Азия, благодаря своему стратегически важному географическому местоположению на перекрестке важнейших торгово-экономических коммуникаций, связывавших Восток и Запад, всегда находилась в центре внимания великих держав мира и на протяжении всей своей истории часто становилась жертвой захватнических войн иноземных завоевателей. Кроме того, Средняя Азия была зоной соприкосновения, сосуществования и взаимовлияния различных культурных традиций, которые в истории порой были настолько переплетены, что в настоящее время приводит к возникновению среди исследователей совершенно противоположных друг другу мнений при изучении тех или иных вопросов ее истории, в частности, этногенеза населявших ее в древности племен и народов. В этой связи, мы хотели бы высказать несколько своих соображений

²⁵⁹ Зув Ю.А. Ранние тюрки.: Очерки истории и идеологии. – Алматы, 2002, с. 158-159; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. С. 143.

²⁶⁰ Юқоридаги асар. 159-б.

²⁶¹ Малявкин А.Г. Танские ... с. 36-37; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические ... с. 120-122.

²⁶² Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийский надпись из Бугута. С. 143.

²⁶³ Зув Ю.А. Ранние тюрки ... с.159.

относительно некоторых установившихся в науке представлений, которые, на наш взгляд, являются спорными.

Этническими и историческими предками узбекского народа являются как ирано-язычные, так и тюрко-язычные племена и народы, населявшие с древнейших времен территорию Средней Азии. Поэтому, первостепенной задачей нашей отечественной исторической науки, на наш взгляд, является изучение этнической истории как ирано-язычных, так и тюрко-язычных племен и народов всего среднеазиатского региона. Согласно официально принятой концепции Республики Узбекистан по изучению «Истории узбекской государственности», одной из главных теоретических основ всех исследований в этой области должна быть идея о существовании тюрко-язычного этнического массива на территории Центральной Азии с древнейших времен. На основании неопровержимых доказательств в оборот исторической науки необходимо внести научно обоснованное заключение о том, что происхождение узбекского народа тесно связано с историей коренного оседлого тюрко-язычного населения этого региона. Эти вопросы должны исследоваться на основе достижений исторической науки не только Узбекистана, но и всего мира. При этом весьма важным и принципиальным должны быть неприятие и критическая оценка существующих по этим вопросам предвзятых и корыстных мнений²⁶⁴.

За последние сто с лишним лет, благодаря господству и развитию индоевропейской концепции, изучение этнической истории индоевропейских, в частности, ирано-язычных народов получило большое развитие, что привело к появлению среди некоторых исследователей сильно предвзятых представлений, заранее не желающих принимать во внимание другие, противоречащие их концепции мнения и достижения исторической науки. А.Н.Бернштам в свое время отмечал, что общие для индоевропейистики метафизика и идеалистическая философия всегда являлись методологическими установками для решения вопроса о происхождении народов. В частности, в истории цивилизаций незаслуженно принижалось значение тюркских народов, хотя в истории Средней Азии им принадлежало огромное значение²⁶⁵. С.П.Толстов считал, что глубоко ошибочным является широко распространенный взгляд о существовании якобы сплошного «иранского» этнического массива на всем пространстве древней Скифии. Мы можем говорить лишь о разноплеменных массах, поверхностно «иранизированных», точнее сакизированных . . . народов, пронесших сквозь века свои этнокультурные традиции²⁶⁶. А.З.Валиди Тоган писал, что в соответствии со своими устаревшими концепциями, Бартольд и Томашек имели представления, что в домонгольский период в Мавераннахре не было тюрков, перешедших к фазе культурной жизни. По этой причине они, во что бы то ни было, старались прочесть по-согдийски и по-персидски чисто тюркские названия, встречающиеся в Мавераннахре²⁶⁷.

Исторические исследования последних лет свидетельствуют о том, что Средняя Азия с древнейших времен была населена как ирано-язычными, так и тюрко-язычными племенами и народами, как оседлыми, так кочевыми и полукочевыми, жившими бок о бок в тесном переплетении, взаимодействии и взаимовлиянии, создавая общую своеобразную и высокую культуру, внесшую огромный вклад в развитие мировой цивилизации. Однако, как известно, в письменных источниках античного и более раннего времени нет однозначных указаний, свидетельствующих о существовании древнейших тюрков и до сих пор не найдены убедительные доказательства бесспорной принадлежности им тех или иных из обнаруженных на территории Средней Азии памятников материальной культуры и письменности, датируемых ранее VI в. н.э.

В настоящее время, благодаря совершенствованию методов исторического исследования, открытию целого ряда новых памятников письменности, а также стремительному развитию археологии, антропологии, нумизматики и других смежных исторических дисциплин, предоставляющих науке огромные фактические материалы, перед исследователями открывается

²⁶⁴ Алимова Д.А. *Тарихи фани тараққиётида муҳим босқич // Ўзбекистон тарихи, 1999, № 1. 24-бет.*

²⁶⁵ Бернштам А.Н. *Древнейшие тюркские элементы в этногенезе Средней Азии // СЭ, 1947, № 6 (7). С. 148.*

²⁶⁶ Толстов С.П. *Из предъистории Руси // СЭ, 1947, № 6 (7). С. 44-45.*

²⁶⁷ *Новая страница из жизни АЗ Валиди И. Составление, предисловие и примечания Р.Н. Шигабдинова / Пер. на русский язык с копии текста оригинала А.Захидий. - Токио, 2001. С. 14.*

возможность пересматривать некоторые установившиеся в науке ошибочные концепции и по-новому освещать отдельные вопросы истории, в частности, этнической истории народов Востока. В этой связи, прежде всего, следует сказать несколько слов о методах, используемых большинством исследователей для определения этнической принадлежности древних народов, и обратить внимание на некоторые, на наш взгляд, их уязвимые стороны.

Для рассмотрения этого вопроса прежде всего следует обратить внимание на следующие моменты. Обычно, исследователи при определении этнической и языковой принадлежности тех или иных племен и народов, упомянутых в письменных источниках, если в последних нет на этот счет прямых указаний, исходят, как правило, из следующих факторов: 1. Языковая принадлежность имен представителей того или иного племени или народа. 2. Язык, на котором говорили представители этих племен и народов. 3. Язык письменных памятников, оставленных этими племенами и народом. Нам представляется, что все эти факторы, даже все вместе взятые, не могут быть достаточным основанием для определения истинной этнической принадлежности того или иного племени или народа, упомянутого в письменном источнике.

Во-первых, имя человека не всегда бывает связано с его этническим происхождением, а гораздо чаще, с его религиозной или культурной принадлежностью²⁶⁸. Например, имена арабов-христиан совершенно отличаются от имен арабов-мусульман. Арабо-мусульманские имена, в свою очередь, имеют широкое распространение среди населения всех мусульманских стран. Среди древних тюрков, как известно, были распространены многие из мировых религий. До арабского завоевания среди тюрко-язычного населения Средней Азии и Хорасана, исповедовавшего зороастризм, были широко распространены иранские имена и титулы²⁶⁹, а позднее среди тюрков, исповедовавших буддизм (уйгуры, алтайцы, тувинцы и др.), иудаизм (хазары, караимы) и христианство (армяно-кыпчаки, гагаузы, кыпчаки-половцы, тюрки-несториане и др.), кроме собственно тюркских часто встречались также имена буддийского, иудейского²⁷⁰ и сирийско-христианского происхождения²⁷¹. Кроме того, многие тюркские правители, военачальники и другие исторические лица упоминаются в источниках зачастую с именами или прозваниями, которыми их нарекали арабы и персы (например, Афрасиаб, Шири-Кишвар, Пармуда, Абу Музахим, Феруз-хакан и др.). Следовательно, нельзя говорить о принадлежности того или иного племени или народа к ирано-язычной этнической среде на том лишь основании, что один или несколько из его представителей носили иранские имена. Имена киммерийских вождей, также, были иранскими. Однако, это еще не говорит об (ирано)язычности всего киммерийского народа. Известно, что цари митанийцев, хурритов по языку, также носили индоиранские имена²⁷².

Во-вторых, даже язык, на котором общались представители того или иного племени или народа в момент контакта с информатором источника, также не всегда может быть достаточным основанием для определения этнической и языковой принадлежности этого народа. Потому что, в древности, как и в средневековье, переговоры с иноземцами или представителями других народов могли проводиться, скорее всего, не на их родном языке, а на каком-нибудь другом, официальном языке, общепринятом для межплеменного общения. Известно, что во многих странах Ближнего Востока в древности писали на одном языке, а разговорным языком, средством повседневного общения местного населения был совсем другой язык. Такая же ситуация была и в

²⁶⁸ Никонов В.А. *Имя и общество*. - М., 1974. С. 88 - 90.

²⁶⁹ Abu Djafar Mohammed: *ibn at-Tabari. Annales. /Ed.M.J. de Goeje. I-III series. – Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1964. ser. P.167-168; Никитин А.Б. Монеты «иранских гуннов» в Собрании государственного исторического музея (новые нумизматические исследования) // Нумизматические сборники. Часть 9. –М., 1986. С. 82-88; Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы // ВДИ, 1997, №3. С.8-9.*

²⁷⁰ Михайлов С.С. *Из истории караимской диаспоры в Москве в XIX-XX вв.* // *Восток*, 1999, № 4..С. 78 -79.

²⁷¹ Никитин А.Б. *Христианство в Центральной Азии (древность и средневековье)* // *Восточный Туркестан и Средняя Азия. История, культура, связи*. М., 1984. С. 124-125; Баскаков Н.А. *Об унификации названий древних и средневековых письменных тюркских языков*. // *Тюркологический сборник. 1977 г. М., 1981. С. 21 -26; Джумагулов Ч. Язык сиро-тюркских (несторианских) памятников Киргизии*. Фрунзе: Илим, 1971.

²⁷² Чоенова Н.Л. *Памятники I тысячелетия до н.э. Северного и Западного Ирана в проблеме киммерийско-карасукской общности* // *Искусство и археология Ирана (Доклады Всесоюзной конференции к 2500-летию иранского государства)*. М., 1971. С. 331.

древней Индии, где языком письменной культуры, философии и литературы на протяжении многих веков был санскрит, а люди разговаривали между собой на иных языках²⁷³. Что касается Средней Азии, то родной язык, например, кушанских кочевников II в. до н.э. до сих пор не известен, так как, завоевав Бактрию, они восприняли культуру и язык местного населения в качестве официального²⁷⁴. То же самое можно сказать и о пришедших им на смену в I в. н.э. эфталитах²⁷⁵. В эпоху Тюркского каганата переговоры с иностранными представителями и документация велись не только на древнетюркском, а чаще на согдийском языке²⁷⁶. В правление тюркских династий, Караханидов²⁷⁷, Газневидов²⁷⁸, Сельджукидов²⁷⁹ и Хорезмшахов²⁸⁰, языком официальных переговоров и делопроизводства, кроме арабского или тюркского языка, был также и персидский. Так же было принято и при дворах государств Чингизидов²⁸¹ и Темуридов²⁸² и других более поздних тюркских государств Средней Азии. Такое же положение вполне могло иметь место и в древности. Следовательно, язык общения того или иного племени или народа, о котором имеются, в лучшем случае, весьма скудные сведения древних и античных информаторов, нельзя рассматривать как непереносимый показатель его этнической и языковой принадлежности.

В третьих, язык письменных памятников, оставленных тем или иным народом, также не может быть непереносимым показателем языковой и этнической принадлежности их создателей. Известно, что древние и средневековые тюрко-язычные народы Средней Азии создавали памятники письменной культуры не только на своих родных диалектах тюркских языков²⁸³, но и на согдийском²⁸⁴, бактрийском²⁸⁵, хорезмийском языках²⁸⁶, а затем - на арабском²⁸⁷ и персидском языках.²⁸⁸

²⁷³ Кондратов А. Адрес — Лемурия. Л.: Наука, 1978. С. 68.

²⁷⁴ Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы. С. 3- 4.

²⁷⁵ Вертпроградова В.В.. Индийские надписи на керамике из раскопок 70-х годов на Кара-тепе // Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1982. С. 137.

²⁷⁶ Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1967. С. 44-45; Кляшторный С.Г. Роль согдийцев в экономической жизни тюркского и уйгурского каганатов (VII-IX вв.) // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. М., 1973. С. 19-22.

²⁷⁷ Караев О. История Караханидского каганата. Фрунзе: Илим, 1983. с. 246-247.

²⁷⁸ Bosworth С.Е. The Ghanevids. Their empire in Afghanistan and Eastern Iran (994-1040). Edinburgh: University Press, 1963. P. 135; Абу-л-Фазл Байхаки. История Мас'уда (1030-1041) /Пер. с перс., введение, комментарий и приложения А.К.Аренде. 2-изд. М.: Наука, 1969. С. 72 - .80.

²⁷⁹ Курпалидис Г.М. Государство Великих Сельджуков. Официальные документы об административном управлении и социально-экономических отношениях. М.: Наука, 1992. 144 с.; Сиасет-наме. Книга о правлении вазираХ! столетия Низам ал-Мулъка. Пер. с перс., введение в изучение памятника и примечания Б.Н.Заходера. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1949. 380 с.

²⁸⁰ Шихаб ад-дин Мухаммад ан-Насави. Жизнеописание султана Джалал ад-дина Манкбурны. I Пер. с арабского З.М. Бунятова. - Баку, 1973; Бунятов З.М. Государство Хорермишахов-Ануштегинидов (1097-1231). М.: Наука, 1986. С. 94.

²⁸¹ Тревер К.В., Якубовский А.Ю., Воронец М.Э. История народов Узбекистана. В 2-х томах. Ташкент, 1950. Т. I. С. 327-328.

²⁸² По своему характеру, тюрки были толерантны и никогда не замыкались в своем кругу; благодаря своей мобильности, они легко вступали в контакт с другими культурами, воспринимали их языки и письменность. Поэтому, в настоящее время культурное наследие тюркского мира так разнообразно. Так, известны письменные памятники тюркских языков, написанные на основе различных письменностей: арамейской, индийской, латинской, армянской, еврейской, арабской и др. Иранцы были ближайшими соседями тюрков, поэтому они в наибольшей степени испытали на себе их культурное влияние.

²⁸³ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.; Л.: Изд-во АН СССР, 1951. 451 с.; Мухаммадиев А.Г. Туранская письменность II Проблемы лингво-этноистории татарского народа. Казань, 1995. С. 36 - 83.

²⁸⁴ Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // Страны и народы Востока. Вып. 10. М., 1971. С. 121-146.

²⁸⁵ Н.Симс-Вильямс. Новые бактрийские документы. С. 7 - 9.

²⁸⁶ Памятники хорезмийской письменности, оставленные тюрками пока еще не обнаружены. Однако, учитывая, что Хорезмский оазис со всех сторон был окружен степями, в которых обитали тюрки, и что последние играли важную роль в истории этого региона, можно предполагать, что такие памятники существовали и возможно еще будут обнаружены в ходе дальнейших исследований.

И наконец, нельзя исключать, что определенная часть древнего населения Средней Азии (I тыс. до н.э.)²⁸⁷, как оседлого, так и кочевого, так же как и древнейшее население (II тыс. до н.э.)²⁹⁰ и средневековое население вплоть до начала XX в.²⁹¹, могла быть двуязычной²⁹². Поэтому, исходя из всего вышесказанного и опираясь на имеющиеся данные²⁹³, можно предполагать, что древнее и древнейшее население Средней Азии, как оседлое, так кочевое и полукочевое²⁹⁴, которому принадлежат дошедшие до нас памятники материальной культуры и письменности, не было однородным, и часть его, несомненно, составляли древнейшие предки тюрко-язычных народов Средней Азии.

²⁸⁷ На арабском языке писали свои произведения такие известные тюркские ученые, как Абдаллах ибн ал-Мубарак ал-Марвази, Абу Наср ал-Фараби, Махмуд Кашигари, Улугбек и мн. др.

²⁸⁸ На персидском языке писали Наршахи, Навои, Бабур, Махмуд ибн Вали и мн. др. тюркские ученые и писатели.

²⁸⁹ По данным топонимики, значительную часть населения Средней Азии с древнейших времен до самого конца I тысячелетия до н.э. составляли так называемые «палеоазиаты», которые были исконными обитателями этого региона. Во II тысячелетии до н.э. большая часть их была сдвинута на север индоиранскими («арийскими») пришельцами, а затем принимала активное участие в формировании алтайско-хуннского конгломерата народов в качестве его ядра. См. Яйленко В.П. Палеоазиаты и этническая история древней Средней Азии // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. М., 1988.

²⁹⁰ Языковые данные свидетельствуют о том, что носители так называемого «прото-тохарского» языка, являющегося древнейшим из всех индо-европейских языков, во II тысячелетии до н.э. на своем пути из Передней Азии в Восточный Туркестан прошли через территорию Средней Азии и вступили здесь в контакт с носителями прото-тюркского и «енисейских» языков. Причем, предполагается, что имело место достаточно длительное взаимодействие и вероятное двуязычие контактировавших групп населения. (См.: Гамкрелидзе Т.В., Иванов В.В. Первые индоевропейцы в истории - предки тохар в древней Передней Азии // Вестник древней истории, 1989, № 1. С. 25 - 27). Недавно эта лингвистическая теория получила прямые археологические доказательства, согласно которым, колонизация Бактрии и Маргианы индо-иранскими племенами Передней Азии произошла на рубеже III-II тысячелетий до н.э. См.: Сариниди В.И. Переднеазиатские арии в Центральной Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. Тезисы докладов Международной конференции. М., 1998. С. 90- 92.

²⁹¹ О существовании двуязычия среди средневекового населения Средней Азии свидетельствует наличие двойных, т.е. согдийских и тюркских названий для многих населенных пунктов: например, Самджан - Каракуль, Шавгар - Каратаг, Бинкат - Ташканд, Дар-и Аханин - Темир Капуз, и мн. др.

²⁹² О существовании двуязычия у согдийцев и тюрков см.: Атаходжаев А. Согдийцы и тюрки - создатели единого историко-культурного пространства в Центральной Азии // Цивилизации Центральной Азии: земледельцы и скотоводы, традиции и современность. Самарканд, 2002. С. 41.

²⁹³ Новейшие исследования китайских источников свидетельствуют о том, что термин «турк» в качестве этнонима был зафиксирован китайцами уже во II тысячелетии до н.э. для обозначения многочисленных народов, обитавших к северу и западу от Китая. См. Хужаев А., Хужаев К. Кадимги манбаларда халкимиз утмиши. Тошкент, 2001. 11 - 15-бетлар.

²⁹⁴ Глубоко ошибочным, на наш взгляд, является представление о том, что все тюрко-язычные народы вели только кочевой образ жизни. По археологическим данным, имеющиеся материалы не позволяют возводить среднеазиатскую цивилизацию, возникшую в I тысячелетии до н.э., непосредственно к культурам бронзового века на этой же территории. Эти древнейшие доиндоиранские культуры среднеазиатского междуречья могли создаваться обществом с родо-племенной структурой и не обязательно должны быть связаны с более сложными формами социального устройства. См. Зеймаль Е.В. К периодизации древней истории Средней Азии. // Центральная Азия. Новые памятники письменности и искусства. М., 1987. С. 152.

К.и.н. Дж.З. Мирзаев
СОБСТВЕННЫЕ ИМЕНА В СИСТЕМЕ ЭТНИЧЕСКОЙ АТРИБУЦИИ
СРЕДНЕВЕКОВОГО ТЕРМЕЗА.

Этническая картина как средневекового Мавераннахра в целом, так и его отдельных регионов в процессе активизации изучения истории Центральной Азии привлекает многих исследователей. Однако в этом направлении наметился явный перекокс, связанный с несовершенством источниковедческой базы. Выводы, как правило, основывались только на данных сохранившихся письменных источников. Исходя из них, происходит простое «монтирование» другого материала (например, археологического) в готовую и обкатанную схему. В данной статье, предпринята попытка, проанализировать собственные имена жителей средневекового Термеза и показать несостоятельность механической интерпретации, исходя только из лингвистических данных.

Содержание трудов средневековых авторов предопределено фактами действительности. Однако сама цель их составления, как правило, ради прославления кого-то, порождало, по меньшей мере, ограниченность отображаемых фактов. Так, в «Истории ат-Табари» довольно подробно освещаются события, происходившие в Термезском регионе. Термез был первым городом Мовараннахра, где укрепилась новая религия, Своеобразной чертой этого процесса было то, что в Термезе обосновался правитель, отделившийся от центральной власти. Амиру Мусе ибн Абдаллаху даже удалось (хотя и на короткое время) установить свою власть на территории всего Мовараннахра²⁹⁵. Его полное имя - Муса ибн Абдаллах ибн Хазим ас-Сулами отражает имена собственные, отца, деда, а также принадлежность к племени *сулайм*. Вместе с арабами в городе появились их клиенты - *мавлaви* (ед.ч.-*мавлa*), у которых были арабские имена. Так, Хурайс ибн Кутба ал-Хузаи обозначало имя личное, имя отца, а также название племени, которому он приходился клиентом²⁹⁶. В источнике приводятся только имена арабов и их клиентов. Тем самым, информация ограничивается определенными рамками. Согласно установившейся в историографии традиции, считается, что большинство *мавлaви* - иранского происхождения, так как были выходцами из ареала расселения иранцев. Такая позиция в последнее время подвергается сомнению рядом исследователей²⁹⁷.

Если ат-Табари, рассказывая о событиях VIII в., упоминает просто о жителях Термеза, то в IX в. у известных лиц из Термеза появляется *нисба* ат-Термези. Кроме широко известных имен Иса ат-Термези и Хакима ат-Термези можно привести множество других. Например, верховный судья Мерва Абдалазиз ибн Хамид ат-Термези (умер в 280/893), верховный судья Термеза Хамид ибн Зиййад ал-Азди ат-Термези (200-295/816-908).

Массовые миграции новых этносов, как правило, влекут за собой их столкновение с другими этносами, уже обитавшими здесь ранее. Но в Центральной Азии миграции не играли определяющей роли при формировании этнической картины. Завоеватели навязывали местному населению свою религию. Новый фонд имен тесно связан с канонами религии. На наш взгляд, в именах в большей степени отражен религиозный, социальный статус, чем этническая атрибуция, что можно считать закономерным явлением. Если до распространения ислама этническая принадлежность играла решающую роль, то с укреплением позиции новой религии доминировал конфессиональный фактор. По мере укрепления позиций новой религии и развития социальной структуры общества имена постепенно усложняются. Складывается целая система имен, состоящая из множества компонентов.

Как правило, наделение людей именами, происходит по строгому регламенту. Согласно ему, *исм* - дается родителями, *кунью* - человек выбирает самостоятельно (*ал-куня майлани*), *унвон*-как правило, давался правителями или халифом как знак заслуги перед общиной (*милла*) и государством (*мулком*), *нисба*- обозначать место рождения, жительства, иногда профессию²⁹⁸. Данная система явилась венцом эволюции имен собственных в средневековье.

²⁹⁵ История ат-Табари. Пер.с араб. В.И.Беляева. - Т.,1987.С.110

²⁹⁶ Там же. С. 104-106.

²⁹⁷ Kamaliddin Sh.S. New date on early medieval history of Sogd.// Central Asia studies. Vol.8.-Seul, 2003.P.96-104.

²⁹⁸ Низом ул-Мулк. Сийёсатнома.-Т.,1993.147б.

Наглядно проиллюстрировать этот процесс можно на примере анализа имен термезских саййидов.

В результате мощной социальной динамики периода становления ислама, начался процесс возникновения новой социальной структуры, на вершине которой находились представители дома Пророка – «ахл ал-байт». Основоположника дома термезских саййидов (IX век) звали Абу-л Хасан ал-Балхи ал-Алави²⁹⁹. Согласно родословной саййидов один из его потомков Амир Абдаллах был женат на дочери Исмаила Самани, представителя династии, которая, по одной из версий, вела свое происхождение из Термеза. От этого брака родился сын по имени Абу-л Хасан по прозвищу *худовандзода* Имад-ул-Мулк³⁰⁰. С него до второй половины XV века к именам саййидов прибавляется *унвон* персидского происхождения *худовандзода*. Эволюция имен затрагивает и имена личные саййидов. Например, позднее полное имя одного из саййидов (дата смерти 733/1323) пишется таким образом: Шамс ул-Миллат вад-Дин (солнце общины и религии) Абу Джафар Тохир ибн Низом ад-Дин худовандзода Зие ул-Мулк «ал-Мухаддис»³⁰¹. Представителя другой ветви термезских саййидов, их главу – накиба (первая половина XII века) звали Аджал(превосходный) Маджид ад-дин (слава религии) Али (собственное имя) ибн (сын) Джафар(имя отца) Мусави (фамилия рода)³⁰². Также он имел целый набор почетных *унвонов* – «султон садат» (султан саййидов), «садри мусавиён»(глава мусавиев), «садри шарк»(глава востока)и другие³⁰³. В его время руководителям общества ученых и литераторов Термеза был Абдураззок Турки, а ответственным за сбор налогов Ахти (или Ухти).

Накибов термезских саййидов официально титулировали «Султан Садат», – султан саййидов, «Садат-и Бузург» - великий саййид. Редко в источниках на персидском языке использовался термин «Амири Бузург». В художественной литературе встречается и термин «Султан Саодат» – султан счастливых.

Очень интересно, что накибы термезских саййидов имели *унвон султон* – титул независимых светских правителей, сами саййиды, могли иметь титулы *амир*, *хонзода* (сокращенная форма первой половины XV века от более раннего *худовандзода*), *нойон* (монгольского происхождения)³⁰⁴, *шах* (иранского происхождения), *мир* (сокращенная форма от *амир*). В период Темуридов, в родословной термезских саййидов перед именами саййидов появляется термин *мирзо*. В произведениях Алишера Навои этот термин означает «принц»³⁰⁵.

В родословной саййидов преобладают женские имена с приставками Султан, Насаб и Мулк: Зайн ал-Мулк, Пок-Насаб, Аьло-Насаб, Саййида-Султон. Эти и другие имена женщин незафиксированы в исторических сочинениях. В «Бабурнаме» все женщины из клана термезских саййидов обозначены одним именем Хонзода.

Со второй половины XV века вместо *худовандзода* уже используется *унвон мирзо* (также сокращение от *амир*), в том числе и как имя собственное, а с первой половины XVII века *ходжа* (иранского происхождения). Впоследствии, термезских саййидов называли салаватскими *ходжами*, хотя в их собственных именах сохранилась приставка *саййид*³⁰⁶. Таким образом, использование различных титулов не предопределяет этнической принадлежности, а эволюция в течении IX-XX веков системы имен изолированной,

²⁹⁹ Наджм ад-Дин Абу Хавс Омар ибн Мухаммад ибн Ахмад ан-Насаби. *Матла ан-нужум ва маджма ал-улум*. Рук.АН РУз.№1462, л.290.

³⁰⁰ Семенов А.А. *Происхождение термезских сейидов и их древняя усыпальница «Султан Садат» // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год XVII/(XIX). –Т., 1914. С.3-20. Также, Мирзаев Дж. Роль Термезских саййидов в истории Центральной Азии. O'zbekiston tarixi.2004. №3.С.13-23.*

³⁰¹ Там же. С.9.

³⁰² Анвари.Дивон.-Техрон, 1997.- С.52.

³⁰³ Адиб Собир Термизи. *Осори мунтахиб.- Душанбе, 1981. - С.82.*

³⁰⁴ *Бабур-наме.-Ташкент, 1993. С.53.*

³⁰⁵ *Навоий асарлари учун кискача лугат. - Т., 1993. 169 б. ЦГА РУз.Ф.3, оп.1, д.196, лл.187-192.*

³⁰⁶ *Жалолитдин Мирзо. Термиз тарихи.Т.,2001*

корпоративной группы саййидов показывает, что использование различных титулов больше связано с политическими реалиями и также не обозначают этническую принадлежность.

Население любого города отличается большой смешанностью и нестабильностью. Политические события оказывают сильное влияние, в первую очередь, на процесс сложения городского населения, Оно постоянно пополняется за счет сельских жителей, а также выходцев из других регионов. Но как показывают антропологические исследования, основу населения составляет древний пласт, сформировавшийся здесь, по меньшей мере, на протяжении двух тысяч лет. Исследования палеоантропологического материала определили этапы этногенетических процессов от рубежа р.х. до современности. Смены этнических типов населения наблюдаются, в эпоху античности в районах Сырдарьи автохтонный среднеземноморский тип сменился типом среднеазиатского междуречья. Сохранение генетической непрерывности при смене языков – довольно часто наблюдаемое явление.

Таким образом, даже при стабильности этнического типа населения, в исторической эволюции системы имен наблюдается доминирование политических и идеологических факторов, когда собственные имена часто не могут быть определяющими критериями этнической принадлежности.

А. Аширов
(ЎЗР ФА Тарих институти)

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР³⁰⁷

XXI аср ўзбек халқи тарихи ва миллий қадриятларини ўрганиш соҳасида янги зарварақларни муҳрламоқда. Бугунги кунда тарихимизнинг номаълум босқич ва қирралари қайтадан кашф этилмоқда. Ўзбекистан мустақиллигидан сўнг ўзбек халқининг қадимий давлатчилиги анъаналари, этник тарихи ва этногенезига бағишлаган қатор салмоқли тадқиқотлар яратилмоқда³⁰⁸. Лекин, афсуски ҳозирги қадар ўзбек халқининг менталитети, унинг ўзига хос томонлари, миллий ютуқларимиз ва нуқсонларимиз борасида тадқиқотлар айтарли кўзга ташланмаяпти³⁰⁹.

Тарихда маълумки, дунёдаги ҳар бир миллатнинг шу жумладан ўзбекларнинг ҳам ақлий руҳий қиёфаси яъни миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланиши боис, унинг жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, тарихий жараёнларга бўлган муносабати ҳам турли бўлиши шубҳасиз. Зеро, миллий ўзига хосликлар узок; тарихий даврдаги ижтимоий - иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий географик ўрнашув, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади.

³⁰⁷ Ушбу мақола асосида муаллиф дастлаб 2001 йил ЎЗРФА Тарих институти ва Жанубий Кореянинг Осиё ривожланиши ва тараққиёти институти (IASO) ҳамкорликда Тошкентда ўтказган халқаро конференцияда маъруза қилган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Ashirov A/ On the concept of Uzbek Ethnic mentality // *Central Asian Studies Vol.8. Seoul 2003. P.261-267*

³⁰⁸ Ўзбек халқининг қадимий давлатчилиги ва этник тарихига бағишлаган адабиётлар тўғрисида қаранг: Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2000; Ртвеладзе Э.В. ва бошқалар. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т., 2001; Ўзбек давлатчилиги тарихидан очерклар.-Т.,2001; К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Т., 2001. Асқаров А.А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // *Ўзбекистон тарихи 2002.№4. 54-60 бетлар.*

³⁰⁹ Бу мавзуда социолог олимлар томонидан маълум тадқиқотлар бажарилган. Қаранг: М.Б. Бекмуродов, А.Бегматов Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти.-Т.,2003. Бекмуродов М.Б. Ўзбек менталитети хусусиятлари // *Ижтимоий фикр 1998 №1.49-53 бетлар. Ўша. муаллиф. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун // Тафаккур 2002 №2. 10-15 бетлар.*

Менталитет юқорида қайд этилган хусусиятлардан ташқари миллатларнинг ақлий-интеллектуал имкониятлари ва рухий-психологик ўзига хосликларини қамраб олади. Характердаги ўзига хосликларнинг негизини эса шу халқнинг тарихий тажрибалари, урф-одатлари, маросим ва маъракаларининг яхлит тизими ташкил этади³¹⁰. Бошқача қилиб айтганда, улар менталитетнинг харакатлантирувчи кучлари вазифасини ўтайди.

Ўзбек халқининг миллий менталитети ҳақида сўз юритишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек халқи 4 та катта диний-мафкуравий босқични (зардўштийлик, буддавийлик, ислом, коммунистик) ўз бошидан кечирганлиги ва ҳар бир мафкуравий-диний таъсирлар даври тугагунча неча авлодлар алмашганини ва бу жараёнларнинг миллат феъл-атворида ўчмас из қолдирганини унутмаслик керак³¹¹.

Ўзбеклар ўзига хос шаклланиш жараёнига эга халқдир. Тарих гувоҳлик берадики, ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган; иккинчи илдизини эса қадимий туркий халқлардан бошлаган. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бирикиши - ўзаро синтези ўзбек элатини ва кейинчалик ўзбек миллатини ташкил этган³¹².

Ўзбек халқининг этник жиҳатидан кўп тармоқли ва сертомир эканлиги унинг менталитетида барча уруғ ва ижтимоий қатламлар учун умумий жиҳатлар, жамоа манфаатларини ҳимоя қилувчи фазилатнинг айниқса ривож топишни тақозо этиб келган. Халқимиз феълидаги бағрикенглик, хотамтойлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорликда мойиллик, ғам-андуҳи пайтларда ночор кимсаларга ҳамдардлик, елкадошлик фазилатлари ана шу жамоавий яқдилликни таъминлаш, тил ва дил, фикр бирлигини сақлаш эҳтиёжларидан туғилган ва сайқал топгандир.

Иккинчи гуруҳ, сабаблар доирасига муайян миллат истиқомат қилиб келаётган ижтимоий-иқтисодий, жуғрофий-худудий ва иқлимий омиллар таъсирини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Маълумки, мамлакатимизнинг асосан текислик ва чўллардан иборат кескин континентал иқлимли, жуғрофий ҳудудда жойлашганлиги, жазирама иссиқ, ёз билан қаҳратон қишни, алмашилиши, баҳор ва кузнинг шиддат билан келиши ва кетиши халқимизнинг феъл-атворида аниқлик ва лўндаликни, тўпорилиқ қайноқ меҳрини, қаттиққўллик ва интизомни таркиб топтиргандир.

Хуллас, халқимизнинг интеллектуал маънавий қиёфаси-менталитетига баҳо беришда юқоридаги муҳим жиҳатларни эътиборга олиш зарурдир.

Ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудида, ҳамда уларга туташ минтақалардаги ўтроқ деҳқончилик ва хунармандчилик маданиятига эга автохтон халқ эканлигига халқимизнинг она табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳурмати ва уларни эъзозлаш билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий деҳқончилик ва хунармандчилик удумлари, кўп асрлик ислом шароитидан қатъий назар, ўзбек халқининг турмуш-тарзида, урф-одатларида сақланиб келаётган сон-саноксиз зардўштийлик элементларида айниқса яққол ифодаланган. Шунингдек, бугунги кунда ўзига хос тарзда тарих ривожланаётган шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналаримиз, бой фольклор наъмуналаримиз, ёзма мерос, адабиёт, санъатга бўлган қизиқишларимиз, эзулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, коинот ва замин, инсон ва ҳаво, ўлим ва абадият ҳақидаги асотир ва ривоятларимизда, асосан ўтроқ, маданият соҳибларига тегишли бўлган Наврўз, Меҳржон, Сада, Гул сайллари, Ҳосил байрами каби байрам ва сайлларнинг давомийлиги, ёинки инсоннинг қайғули онлари-мотам маросимларида махсус ўлик хизматчилари-гассоллар, гўрковлар ипгироки билан боғлиқ удумларимиз, расм-русмларимиз давом этиб келаётганлиги фикримиз далилидир.

Ўзбекларнинг бошқа асосий илдизи туркийлардан бошлаганлигига (туркийликка хос жанговарлик, мардлик, лафз ҳалоллиги) бағрикенглик саҳоватпешалик, ҳожатбарорлик каби ҳислатларимизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Биз буни айниқса халқимизнинг тўй-тантаналарга ўта ўчлигида, йиллар мобайнида йиғиб - териб элга тарқатишдан завқ-шавқ

³¹⁰ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети хусусиятлари // *Ижтимоий фикр* 1998 № 1. 49-бет.

³¹¹ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети хусусиятлари.. 49-бет

³¹² К. Шониёзов *Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни..* 8-бет

олишида, аъза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимларимизгача бўлган барча маросим ва урф-одатларимизда, кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиши каби удумларимизда кузатамиз.

Миллий менталитетимизда туркийларга хос жиҳатлар маънавий маданиятимизда, чиллак чавгон, кўпқари, кураш каби миллий ўйинларимизда, «кулоктишлар», «бешиккертти», «қалин», «тўққиз» каби расм-русм ва удумларимизда, қолаверса, отга бўлган ўзига хос меҳр-муҳаббат ва мотам маросимларда иштироки билан боғлиқ удумларимизда ёрқин ифодасини топган.

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, минг-минг йиллар давомида шаклланган миллий менталитетимиз бизга қўшни бўлган бошқа халқларга муаллақ ҳолда, ўзга халқлардан айри ривожланмаган. Аксинча, миллий менталитетимизга биз билан қўшни бўлиб яшаб келган бошқа халқларнинг маълум маънода таъсири бўлган. Айниқса ўзбек миллий менталитетида форсий забон халқлар ва арабларнинг таъсири катта бўлган.

Ўзбек миллий менталитетига хос жиҳатлардан яна бири жамият ҳаёти, инсонлар турмуш-тарзини кўпроқ анъана урф-одатлар орқали бошқарилишидир.

Ўзбек халқи оила қуриш анъаналарига риоя қилишда, қиз узатиш ёки куёв танлашда ҳам куда бўлмиш томон хусусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрнини ва обрў-эътиборини ҳисобга олади. Агар куёв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, ҳусни-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда, ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Фарзандларни яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчилиكنинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи бекиёсдир. Шу ўринда «Ғарб қонунлари, шарқ урф-одатлари билан бошқарилади» деган иборани эсламоқ жоиз. Дарҳақиқат, Шарқда, шу жумладан ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўплаб урф-одатлар қонунлар даражасида юқори туради. Жумладан, оила даврасида, ёинки, кенг жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган барча маросимларимизда маҳалланинг бош-қош бўлиши, қўни-қўшничилик анъаналаримиз, оила-турмуш маросимларимиздаги кўплаб урф-одатлар қонун даражасида бажарилади.

Ғарбда шахс жамоага ўзлигини юзага чиқариш, истеъдоди ва имкониятларини намойиш этиш, муаян мақсадларга эришиш воситаси сифатида қарайди. Жамоа инсоннинг ички, ботиний дунёси, руҳияти ва шахсий ҳаётига мутлоқ аралашмайди³¹³. Шарқда эса буткул бошқача манзарани кузатамиз. Шарқда жамоага асосий эътибор берилади. Ҳар бир урф-одат, маросим жамоа, маҳалла аҳли иштирокида ўтказилади. Жамоа инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлари доирасида иш тутаётганининг исботи сифатида талқин этилади. Жамоадан ажралган ҳолда иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида баҳоланади.

Халқимиз менталитетига мос ва хос бўлган ана шу жиҳатни Президент И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди: «Ўрта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз. Баъзи Ғарб мамлакатларида эса якка яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг республикамиз учун мос эмас. Айтайлик бизда маҳаллачилик анъанаси жуда кучли... Мен хусусиятлар тўғрисида гапирар эканман, Америкада шахс демократияси устувор бўлса, бизда бошқача меъёрлар асосида, яъни жамоа манфаатларига мос яшаш устунлигини айтмоқчиман»³¹⁴.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи халқдир. Зеро, анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир.

Шу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўзбек қадрини урф-одат ва маросимларимизнинг анъанавий ўзига хос томонлари жонланаётган бир тарихий жараёнда менталитетимиздаги жамоавийликка хос меъёрий боғлиқлик фазилатини сақлаган ҳолда, унинг бир қадар индивидуалашуви, унда жавобгарлик ҳиссасини ривожлантириш, ўзи учун

³¹³ Бекмуродов М. *Ўзбек менталитета: кеча ва бугун...16-бет*

³¹⁴ Каримов И.А. *Бунёдкорлик йўлидан.-Т.: Ўзбекистон, 1996.- Т. 4.- 239-240 б.*

Ўзи ҳисоб бера олиш, мустақил иш тутиш, шахсий масъуллик сингари хусусиятларни янада такомиллаштириш зарур. Шу ўринда афсус билан айтиш керакки, ўзбеклар бир юз эллик йиллик мустамлака даврида халқимиз йўқотган қадриятларни сақлаб қолишга эришилган қадриятлардан бир неча ҳисса кўп бўлган. Чор Россияси ҳамда Шўролар даврида халқимизга хос бўлган ҳамжихатлик, жанговарлик, ҳар ишда сўз ва амал бирлиги сингари фазилатларга жиддий зарар етказилди. Халқ орасида миллий бирликка интилишдан кўра, гуруҳий, этник маҳаллий ва ҳудудий айирмачиликка берилиш кучайди. Халқ миллий менталитети тақдирга тан бериш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, лоқайдлик каби ҳислатлар авж олди. Узоқ давом этган собиқ совет давлатининг мафкуравий тазйиқлари оқибатида кўплаб диний ва миллий қадриятларимиз эътиборсиз қолди, узоқ тарихга эга бўлган муқаддас анъана ва маросимларимиз бидъат, "эскилик сарқити" деб камситилди, миллий удумларимизнинг тарихий асосларига ҳолисона баҳо берилмади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтмишдан мерос бўлиб ўтган ана шундай салбий ҳолатларга янгича нигоҳ билан қараш, ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий, маданий меросимизни, ўтмиш тарихимизни, қолаверса умуммиллий маънавий ислохотларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилди ва улар давлат сиёсати даражасидаги ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Бугунги кунда ҳаётий заруратнинг ўзи халқимиз феъл атвори, менталитетини янгилашга жиддий эътибор қаратишга ундамоқда. Лекин, афсуски, бугунги кунда ер шарида кечаётган бошқа бир муҳим жараён, дунё бўйича кетаётган глобаллашув жараёни натижасида жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий минтелитет шаклланмоқда ва бунга бевосита жаҳон миқёсида кетаётган сиёсий, иқтисодий ва ахборот борасидаги глобаллашув анча кучли таъсир қилмоқда. Бундай глобаллашувни бир хиллашув муайян ижобий натижалар беришига қарамасдан, кўплаб салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Бу шарқнинг гавҳари бўлган ўзбек халқининг миллий минталитетига ҳам бевосита, ҳамда билвосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада глобаллашув оқибатида ўзбекларнинг кўплаб миллий менталитетига хос талай қадриятлар, маросим ва удумларни унитилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, бугунги кунда, халқимизнинг миллий менталитетини ўзида акс эттирувчи қадимий урф-одатларини, маросимларини сақлаб қолиш учун;

1. Қадимий урф-одатларимиз, фольклор наъмуналимиз сакланиб келаётган минтакалар (Бойсун, Ургут, Шахрисабз кабилар)ни давлат муҳофазига олиш ва махсус мақом бериш;
2. Халқ менталитетини сақлаш мақсадида этноэкологик жамғармалар, ташкилотлар тузиш;
3. Халқимиз миллий менталитетига оид энг қадимий урф-одат ва маросимларни оммавий-ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш ҳаётий зарурият бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, бутун жаҳон бўйича улкан глобализацион жараёнлар кечаётган бир вақтда ўзбек миллий менталитетини тадқиқ қилиш, унинг нечоғлик умуминсоний қадриятларга мослигини кузатиш имконини беради. Шунингдек, халқимизнинг қадимий анъаналари, азалий урф-одат ҳамда маросимларига эга бўлиши билан биргаликда, ўзига хос ва ўзига мос миллий менталитетга эга халқ эканлигидан далолат беради.

Ю.М. Халимбетов
(Самарқанд Давлат Тиббиёт институти)

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИМИЗ – ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТАЯНЧИ

Юртбошимиз мустақиликнинг ривожланиш йўллари ва тамойилларини белгилар экан, миллатимизнинг тарихи, фалсафий дунёқараши, ўзига хос хусусиятлари, муомала муносабатларга ёндошишдаги бетакрор ва асрлар давомидаги халқ онги, тафаккури, хулқ-атвори ҳамда урф-одатларига сингиб, миллатимизнинг ўзини намоён этиш тарзига айланиб кетган жиҳатларини ўзбек менталитетининг асоси деб билади. Бу бизга ибратнома

маънавий озикдирким, Ватанни муқаддас саждагоҳ сифатида кадрлаган ҳар бир фуқаронинг калбига жо бўлмоғи керак.

Мустақилликкача «менталитет» тушунчаси ўзбек лексиконида кам ишлатилар эди.

«Менталитет» тушунчаси лотинчадан олинган сўз бўлиб, «жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, инсоний кадр-қиммати, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қувватидир».

Менталитетнинг бу таърифидан унинг нақадар мураккаб эканлиги ва миллат ҳамда жамият ҳаётида унинг улкан ўрин тутиши кўриниб турибди. Шунини алоҳида эътироф қилиб ўтиш лозимки, хусусан ўзбек халқининг ноёб миллий менталитети бўм-бўш жойда, ғойибдан пайдо бўлиб қолган эмас. Миллий удум ва урф-одатларимиз минг-минглаб йиллар, ўт-оловда товланиб, машаққатли турмуш синовларидан ўтиб муқим топган.

Шунинг учун ҳам ўзбек миллатининг менталитети энг серқирра ва мустаҳкамдир. Ўзбек миллатининг босиб ўтган тарихий йўли, жуғрофий яшаш шароити куёшли, кунлари ҳосилдор, замини серсув, дарёлари, ширин-шакар мевали боғлари, қадимий обидалари шу халқнинг ақлий қобилиятларини ва руҳий қувватининг юксаклигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам бу она заминда «Авесто» ва «Қутадғу билик», «Алпомиш»лар яратилган, инсониятнинг қадриятлар ҳазинаси бебаҳо улушларимиз билан бойиган.

Юртимиз халқларининг ҳаётга, инсониятга, жамиятга, табиатга ва шароитга муносибати кўп минг йиллар давомида ана шундай меҳнат ва яратувчилик меҳрибонлик ва осойишталик, ҳар бир кескин шароитда каттага ҳурмат, кичикка иззат, муросу мадора, андишаю мулоҳазага ўрин ва вақт топиш шароитида шаклланган ва сайқал топган.

Миллийлик омили – иқтисодиётнинг тириклик суви, ҳазиналар ороли. Иқтисодиётда миллийлик бу миллатнинг хусусият, ҳислат ва имкониятига, урф-одат, анъана, турмуш тарзига меҳнат турларини иш жойларини, меҳнат шартномаларининг пайвасталигидир.

Ишлаб чиқариш билан миллий ҳислатлар узвий боғланмаса миллат миллат сифатида ҳалокатга учрайди. У миллатдан Ибн Сино, Беруний, Аль Хоразмий, Улуғбек Навоийлар туғилмайди.

«Ўзбеклар иқтисодиёт» нуқтаи-назаридан қандай ҳислатларга эга ва ундан қандай фойдаланиш мумкин? Иқтисодиёт оилада бола дунёга келиш билан бошланади. Оилада ўғил ва қизнинг туғилишига қараб рўзғорбошилар, қавм-қариндошлар бозор қилишга тушадилар. Дунёда энг қизгин, гавжум бозор - Шарқнинг бозори ҳисобланади. Сабаби Шарқда бола кўп туғилади. «Болалик уй бозор» деган халқ мақолининг моҳияти ҳам асли шунда.

Оилада ўғил туғилди. Чорбоғда боғлар ва тераклар сони ортади. Чунки 20-25 йилдан сўнг иморат солиш, тўй-томоша ўтказиш керак. Оилада қиз туғилади. Сандиққа сеп йиғила бошлайди. Чунки ота-она қачонлардир ҳовлисида ёр-ёр, ўлан айтилишини кутади. Ўсмир мактабни битириб ўқишга отланди. Юқоридагилардан қандай хулоса чиқади?

Биринчидан, келажagini ўйлаган ва унга ишонган халқ, бундай ҳислатга эга халқ ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди.

Иккинчидан, меҳнат севар халқ, фарзандини уйли-жойли ўқимишли, тарбияли қилиш учун ҳар қандай оғир меҳнат бўлса ҳам қилишга тайёр бўлган ва бу вазифани ҳал этишда ҳаромни ишлатмаган. Ўзбекистон шароитида энг аввало давлатнинг эмас, оиланинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш керак. Ота-оналар бажарадиган вазифаларни ҳозир бизда давлат бажаради. Ҳар бир оила «Келинлар кўзғолони»даги Фармон бувидек ўз «госплан», молия плани, дастурхони, боғчаси, ҳамшираси, тарбиячисига эга бўлади. Иш жойларини, қишлоқларининг, оилаларининг ўзида яратиш зарур. Ўзбекистон табиати ва унинг бойликларининг имкониятини авваламбор миллий иқтисодиётни ривожлантиришга қаратиш керак.

Миллатимизнинг бу хусусиятларини бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойиллари асосида янада такомиллаштириш ва бойитиш долзарб вазифаларимиздан биридир.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллийликнинг моҳияти ва унинг таркибий қисмларини илмий-назарий, амалий нуқтаи назардан таҳлил этиш эҳтиёжи кундалик вазифалардан биридир. Аслида миллийлик соф ҳолда, алоҳида ажратиб турадиган ҳодиса эмас. Миллат таркибида жуда кўплаб умуминсоний аломатлар, ҳиссиётлар, кечинмалар, эҳтиёжлар, орзулар, одатлар, анъаналар мужассамлашган бўлади.

Ўзбек халқи ўз миллий мустақиллигига эришганига 13 йил бўлди. Неча асрлик орзу-умидларнинг кураш ва интилишларнинг рўёбга чиқиши натижаси сифатида миллий ғоя миллий, мафкура тамойиллари туғилади. Бинобарин, бунда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш керак.

Тарихий анъаналарга садоқат, аждодлар сиймолари билан фахрланиш, ижтимоий тараққиётнинг муҳим, керакли йўналишларини давом эттириш, мустақиллик ғоясининг, миллий ғоянинг энг муҳим томонидир.

Мамлакатимизда тараққиётнинг миллий ва умуминсоний қонунларидан мустақилликни мустаҳкамлашда кенг фойдаланилмоқда. Лекин дунёнинг таррақиёт йўлини танлаган юртимиз учун ҳам дунёвий, ҳам умуминсоний омиллар муштарак, якин ва қадрдон. Уйғониш даврининг буюк санъаткори Леонардо да Винчининг: «Кўрмаган нарсани каттик севиб бўлмайди», деган машҳур сўзлари бор. Лекин биз ёш авлодга асрлар давомида орзу бўлиб келган мустақилликни севишга, кадрлашга ўргатмоғимиз керак.

Миллатимизнинг эртанги тақдири, бугунги ёшларимизнинг эртанги кунга ишончи, касби-кори, билими, малакасига бевосита боғлиқдир. Шу туфайли Юртбошимиз ташаббуси билан «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» қабул қилинди. Бу дастурда белгиланган вазифалар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этади. Мазкур ислоҳат эса умумий, махсус билимларга эга бўлган, замонавий дунёқараши, миллий ва умуминсоний кадриятлари шакланган ёшларни тарбиялашда асосий замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун ёшларимиз қалбида, онгида, тафаккурида муқаддас миллий ғурурни, Ватан туйғусини, инсонга, унинг оиласини, хонадони, маҳалласи, киндик қони тўкилган азиз жой - она Ватанни қалбидан севишни англатиш керак. Буларнинг ҳамма ва ҳаммаси ўзбек менталитетининг мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Замонамиз ёш авлоди онгига бу сифатларга хос фазилатларни сингдириш, психологик ва педагогик жиҳатдан мураккаб, кўп қиррали ва узок муддат талаб қилувчи, шу билан бирга, ниҳоятда долзарб муаммо эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз керак.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ўз миллий манфаатларни мустаҳкамлаш эрки бор. Бу табиийки, соғлом, дўстона, ўзаро манфаатли рақобатни пайдо қилади. Миллий тараққиёт халқнинг яратувчилик салоҳиятига, уюшқоқлигига боғлиқ. Ким тез, кучли ва ташаббускор бўлса – тараққиёт байроғи ўша жойда бўлади. Тараққиёт чўққисига биринчилик байроғини эътиқоди мустаҳкам, кучли характерли, диёнати юксак миллат эришади. Қадим ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам кўпчилик манфаатини кўзловчи, юрт ҳамжиҳатлигини таъминловчи одил сиёсат ва унинг амалий таъсири кишилик жамияти равақининг муҳим омили бўлиб келган. Шундай сиёсатни шакллантириш ва ҳаётга тадбиқ қилиш кўп жиҳатдан давлат арбобларига, ҳокимларга, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилот раҳбарларига, уларнинг қобилиятига ва салоҳиятига, теварак – атрофидаги миллат вакилларининг виждонига, илмий салоҳиятига, адолатлигига боғлиқдир.

Бундан деярли 5 аср муқаддам италиялик машҳур сиёсатшунос Н.Макиавелли халқни билмоқ учун ҳоқон бўлмоқ, ҳаққоний яхши англамоқ учун халққа мансуб бўлмоқ даркор, деган эди. Шундай доно ҳоқон Амир Темур бўлган эди, десак хато бўлмас. Чунки у барпо қилган буюк давлат уч тамойил асосида- диёнат, адолат ва қаттиққўллик сиёсати негизида қад кўтарган. Темур тузуклари давлат арбобининг донолигидан, одамийлигидан, миллатпарварлигидан далолат беради. Унинг «Куч адолатдадир» ибораси шарқу-ғарбда машҳурдир.

Ҳаёт қонун қоидалари шуни кўрсатадики, миллатнинг том маънодаги шахс бўлиб етишишда насл-насаби, оиладаги тарбияси, маҳалла жамоаси, юртдошлари катта ўрин тутди. Лекин миллат вакилларининг камолотга эришишида, уларнинг илмий, сиёсий

тайёргарлиги, ўз устида муттасил ишлаши катта аҳамиятга эга. Уларнинг кўпчилиги, ўзининг ёшлигиданок яхши тута билган, ҳаёт аччиқ-чучугини тотган, объектив фикр юритишга қодир, муҳолифларнинг мулоҳозаларидан хабардор ва уларни тушунган кишилар бўлган. Аммо, лекин, айрим сиёсатчилар катта лавозимга эга бўлиб олгач, аста-секин ўз миллатидан узоқлаша бошлаганлар, халқига берган сўзи устидан чиқмаганлар.

Улар дастлабки муваффақиятлардан сўнг ўзларига тез бино қўйганлар, ўз фаолиятларини одил таҳлил қилишга ожиз бўлиб қолганлар. Бу ҳол жамиятда бошқалар томонидан шахсни назорат қилиш, уни танқид қилиш ёки у ҳақида фикр изҳор қилиш имкониятлари бўлмаслиги туфайли вужудга келади. Чунки инсон камчилигини бошқалар кўзига тезроқ ва аниқроқ ташланади, шу сабабдан ҳам ўзгалар мулоҳазасини англамоқ ақлли инсон фазилатидир.

Ислом Каримов ўзининг «Ватан эл манфаати муқаддасдир» деб аталган нутқида, «Биринчи раҳбарликни зиммасига олган шахсга кўп ҳуқуқ берилган, лекин унинг маъсулияти каттадир» дейди. Дарҳақиқат, бугунги замон ўз раҳбарларидан донолик, изчиллик, эпчилликни талаб қилади. Сиёсий арбоб халқ дардини яхши тушунган, ишнинг кўзини билиб, юртда барқарорлик ўрнатишга қодир шахс бўлиши лозим.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов сиёсатининг энг оқил ва кучли томонларидан бири шундан иборатки, Юртбошимиз мустақилликнинг биринчи қадамлариданок миллатимизнинг асрлар давомида шаклланган ва юқорида таъкидлаган миллий хусусиятларини тўла равишда инобатга олди ва жамиятимиз, давлатимиз ривожланишининг асосий устунларидан бирига айлантирди. Ўн уч йилдан бери ўзининг мустақил ёш давлатида тинчлик, барқарорлик ва аҳилликни таъмин этиб турган Президент И.А.Каримов ва Ўзбекистон халқи халқаро ҳамжамиятнинг самимий ҳурматиغا сазовор бўлмоқда.

Қадим замонлардан халқимизда тарбияга таълимдан кам аҳамият берилмаган. «Бир болага - етти маҳалла ота-она» деган улуғ ҳикмат бор. Яна олим бўлма, одам бўл» дейилади. Бу мақолларнинг фалсафий маъноси шуки, билиминг паст бўлса ҳам, лекин ахлоқсиз, тарбиясиз бўлмагин. Миллат ва одамийлик тушунчаси одоб-ахлоқ, раҳмдиллик ва одамийлик, хушрафторлик ва поклик маънавиятли, диёнатли, тўғрисиўзлик, ҳалоллик каби чин инсоний фазилатлар билан биргаликда, ватанпарварлик ва эл севарлик, деган эзгу тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Ўзбек халқида ана шундай ранг-баранг миллий менталитет ва ўзбекона тизим шаклланган. У боланинг туғилишидан бошлаб то камолга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўядиган давригача бўлган йилларни қамраб олади. Бугунги кунда ушбу анъанавий тизимнинг асосий бўғинларни оила, маҳалла, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ташкил этади. Энг дастлабки босқичда эса онанинг роли беқиёсдир. Муқаддас анъана ота-она ва маҳалла тарбияси бизни ғарб менталитетидан фарқлантириб турадиган эл, жамоат бўлиб яшаш деб аталадиган фазилатлардан баҳраманд қилади. Бу тушунчалар баъзан ғарбона менталитетнинг моҳиятини шакллантирадиган индивидуализмнинг акси сифатида намоён бўлади.

Ушбу ҳолатни онгли равишда таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкин.

Биринчидан – келажак аввало фарзандларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун уларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини энг ёшлик чоғидан бошлаб сингдириб боришни, ёмон иллатларга қарши курашда фаолликни оширишни, жамиятнинг пойдевори бўлган ёшларни ҳар томонлама асраб-авайлашни, бу борада аждодлар меросидан, ўғитларидан ўрнатилган сифатида мунтазам равишда ва ўринли фойдаланишни тақозо этади.

Иккинчидан – жамият кўп миллатли инсонлардан ташкил топади. Шу жамиятда истиқомат қилувчи миллат, аҳоли соғлом, етук ва баркамол бўлсагина, бундай жамият ҳам гуркираб, тараккий этади.

Учинчидан – раҳбарнинг салоҳияти: тадбиркорлиги, сўзи билан ишининг муштараклиги, ўзини оқилона тутиши, эҳтиросга берилмаслиги, ҳар бир қадамни ўйлаб

ва ўлчаб босишини, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришни, андишали бўлишни талаб қилади.

Тўртинчидан – атроф – муҳитни муҳофаза қилиш муҳим умумхалқ аҳамиятига молик вазифа эканилигини ҳисобга олиб, она заминнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоқлари обод ва кўркам бўлиши турли касалликларнинг камайишига ва миллат вакилларининг узок умр қуришига шароит яратади.

Бешинчидан – миллат вакиллари Ватан истиқболи ҳақида иш қилиш билан бирга ўзининг саломатлигини ёшлигидан, мукамал, узлуксиз, ёшига қараб, организмдаги жисмоний ва ақлий етукликни таъминлашлари лозим.

Олтинчидан – Ибн Сино миллатнинг маънавий салоҳияти ҳақидаги фазилатларни қуйидагича хулосалайди: «Насихат бобида уч мингта сўз ёздим, уч мингтадан уч калимани танлаб олдим. Бу учтадан иккитасини эсда сақла ва бирини унутиб юбор: яъни «Худони ва ўлим ҳақлигини ёдингда тут, қилган яхшиликларингни унутиб юбор».

Еттинчидан – Ислом дини – ўзбек халқи маънавий бирлигининг асосларидан. Бирок Ислом – фақат дингина эмас, балки маданият, маънавият ва ҳаёт тарзининг узвий қисми ҳамдир. Унинг маъзида тараққиёт имкониятлари, ижодий қувват ва муттасил ҳаракатининг катта кучи бор. Қуръони Каримнинг ўзи олий фикр ва сўзнинг олтин сарчашмасидек умум инсонийликни акс эттиради.

Саккизинчи – Тарих миллатнинг асосий бойлиги. Тарихни билиш хусусан янгитдан миллий давлатни барпо этаётган халқ учун ғоят зарур. Замонамизнинг илғор миллатлари ўз тарихини танқидий кўз билан мушоҳада қилиш орқали ўз менталитетларини шакллантирганлар.

А.Ҳ. Арифбаев С.Қ. Қораев
(Геодезия ва картография миллий маркази)

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИНИ ЎРГАНИШДА ЭТНОНИМЛАРНИНГ РОЛИ

Ҳар қандай этнонимнинг ўз маъноси бор. Кўпгина этнонимлар жуда қадимий сўзлар бўлганидан халқлар этногенезини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Одатда халқлар, шунингдек қабилалар, йирик уруғларнинг номлари қадимий бўлади. Масалан, *ўзбек*, *қирғиз*, *қозоқ* каби миллат номлари, *қўнғирот*, *митан*, *қангли*, *уйшун*, *қорлук*, *халаж* каби уруғ-қабилалар номлари ҳақида бир қанча фикрлар билдирилган, лекин бу этнонимларнинг этимологиялари узил-кесил ҳал қилинган эмас. Баъзан адабиётларда учрайдиган ўзбек – «ўзи бек», қирғиз – «қирқ қиз», қозоқ – «қочоқ», митан – «мўйтан» (сержун), қангли – қанқли (аравали), қорлук – «қорлик» (қорда қолган), халаж – «қол оч» (оч қолган), қалмоқ – «четда қолган» (ислом динига кирмай қолган) деган маънони билдиради дейиш ғайри илмий, сохта этимологиядир.

Этнонимлар тарих тақозоси билан вужудга келган бўлиб, информация ташийди. Этнонимларни ўрганиш жуда муҳим илмий аҳамиятга эга. Бирон-бир ҳудудда ўтмишда қандай халқлар яшаган? Муайян этноним қайси халқ, элат, қабилани билдирган? Масалан, Х асргача тожик деганда Ўрта Осиёдаги ўтроқ аҳоли билан бирга араб савдо аҳлини ҳам тушунишган. Кўпгина этнонимлар қадимда, синфсиз жамиятда ва синфий жамиятга ўтиш даврида пайдо бўлган.

Кишилар бир неча минг йиллар давомида айрим-айрим ҳолда уруғ бўлиб, кейинчалик эса худудий-диалектал умумийлик ҳосил қилиб, қабилалар бўлиб яшаган. «Одам», «инсон», «ўзимизнинг кишилар» каби маъноларни англатган *ар* (эр), *манн* (мен) типдаги этнонимлар ана шу қадим давларда пайдо бўлган. Бир қанча этнонимлар «ҳақиқатан одам», «ростакам инсон» деган маъноларни билдиради. *Татар*, *ҳазар*, *мажар*, *мишар*, *авар*, *булғор* каби халқ ва қабилалар номлари таркибидаги *ар* (эр), *ир* қўшимчаси эроний тиллардан бирида

«одам» деган маънони билдирган ва кейинчалик туркий тилларга ўтган. *Арий* (орийлар), *ирон* (осетинларнинг бир қабиласи) ва ҳатто *Эрон* сўзлари ҳам ўша ар (ир) «одам» сўзидан таркиб топган бўлса ажаб эмас. *Туркман*, *қараман*, *ақман*, *сарман*, *қуман* каби этнонимлар таркибидаги манн кўшимчасини олимлар ҳинд-европа тилларидаги *ман* – мен «одам» сўзидан келиб чиққан дейдилар. Масалан, Д.Е. Еремеев ва бошқалар фикрича, *қипчоқлар* тарихий манбаларда куманлар шаклида ҳам тилга олинган (бошқа фикрларга кўра, куман ёки кубан қипчоқлар таркибига кирган қабила). *Қуман* «кум-ман», яъни «кум ранг (оч сариқ) одам» ёки «қув (оқ қуш)-манн», яъни оқ одам деган маънони билдирар экан. Бу эса қипчоқларнинг русча номига айнан тўғри келади: *половец* – сарғиш демакдир. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, қипчоқлар (половецлар, куман) кўзи кўк, сочи сариқ кишилар бўлган.

Якин вақтларгача немис этноними «гунг, соқов», яъни «тилга тушунмайдиган» маъносидаги русча *нем* сўзидан таркиб топган деб ҳисобланар эди. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «немис» сўзи қадимги германларнинг неметес қабиласининг номидан олинган бўлиб, «кўчманчилар» деган маънони англатар экан.

Шу билан бир қаторда, кўпгина этнонимларнинг келиб чиқиши, этимологияси ҳамон маълум эмас. Масалан, «ўзбек» сўзининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар бор. Кўпчилик олимлар кўчманчи ўзбеклар Олтинўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) исми билан аталган дейишади. Ҳолбуки, Ўзбекхон Олтинўрда (Кўкўрда)да хонликка кўтарилган вақтдан олдин, ўзбек термини Оқўрдада пайдо бўлган. Яъни XIV-XV асрларда Эрон ҳамда Ўрта Осиё тарихчилари Оқўрданинг барча турк-мўғул қабилаларини ўзбеклар деб аташган. Бундан ташқари, ўзбек исми Ўзбекхондан олдин битилган асарларда ҳам учрайди. Демак, ўзбек этноними Ўзбекхон исмидан келиб чиққан, деган фикр тўғри эмас. Бу сўз «ўзи бек» деган маънони билдиради, дейиш ҳам илмий далил эмас. Ўзбек ўз қабиласи номи билан боғлиқ деган фикр ҳам исбот талабдир. Шундай қилиб, «ўзбек» сўзининг этимологияси ҳамон аниқ эмас.

Ўзбек уруғлари номлари (этнонимлар)нинг ўзига хос келиб чиқиши тарихи бор. Жониворлар, хусусан, уй ҳайвонлари номи билан аталган этнонимлар энг қадимийдир. Улар мажусийлар даврида пайдо бўлган. Уруғларнинг муқаддас ҳайвонлари (тотеми) бўлиб, кишилар ўзларини шу ҳайвонлардан тарқалган, - деб ҳисоблаган, *жилонди* (илонли), *жилонтамғали* (илон-тамғали), *қулон*, *оқбура*, *қорабура* (бура-бувра-буғра – бичилмаган эркак туя), *қарға*, *шагал* (шақал-чиябўри), *эчки*, *хўкиз* этнонимлари шулар жумласидандир. Ҳайвон номлари билан аталган этнонимлар баъзан шу уруғ аждодининг лақаби ҳам бўлиши мумкин.

Кўпгина этнонимлар уруғ-аймоқ тамғаси номи билан аталган, яъни ҳар бир уруғнинг ўз тамғаси бўлган. Масалан, молларини, отларини бошқаларникидан фарқ қилиш учун тамғалаб кўйишган. *Болғали*, *косовли*, *қайчили*, *тароқли*, *чўмичли*, *қирғили* каби уруғларнинг тамғалари шаклан ана шу уй-рўзгор асбобларига ўхшаш бўлган.

Этнонимлар орасида киши исмлари ҳам учрайди: *амиртемир*, *бўронбой*, *жалмат*, *оллоберди*, *фозил*, *чигатой*; жой номларидан келиб чиққан этнонимлар ҳам бор: *бешқўтон*, *булоқбоши*, *сойлик*, *урганжи*, *қайирма*, *қорбулоқ*, *шарқиялик* (шоҳрухиялик – Шоҳрухия – Улуғбекнинг отаси Шоҳрух номи билан аталган шаҳар номидан) ва бошқалар. Ўзбек этнонимларини семантик жиҳатдан бир неча гуруҳга бўлиш мумкин, чунончи, бирон касб-хунар номи билан юритиладиган этнонимлар: *қирсадоқ* (садоқ- ўқдон), *иярчи* (эгарчи-эгарсоз), *гиламбобли* (гиламбофли-гилам тўқувчи), *саёт* (сайёд-овчи), *тулкичи*, *заргарлик*, *миришкор*, *пўлатчи* ва бошқалар.

Ўзбек уруғларининг ўзига хос этимологияси бор. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз (шуни айтиш керакки, этнонимлар этимологияси ҳақида келтирилган фикрлар турли манбаларга суяниб ёзилган; бинобарин, узил-кесил вариантлар эмас, чунки ҳар қандай этимология ҳам нисбийдир).

Абдал уруғи Ҳиндистон, Афғонистон ва хусусан Ўрта Осиё халқлари этногенезида муҳим роль ўйнаган қадимий халқ-эфталит, яъни ҳайталларнинг авлодидир. Ҳайталлар (эфталитлар) Сурия, Юнон манбаларидаёқ *абдел* деб аталган.

Тарихчи Балъамий (X аср) фикрича, *ҳайтал* сўзи Бухоро тилида «пахлавон», «жасур одам» деган маънони билдиради.

Шу билан бирга кейинги вақтларда *абдал* деганда «гадой», «дарвеш» киши тушунилган. Шунингдек, артистлар, созандалар, қаландарлар, маддохларнинг жарғони «абдал (абдол) тили» дейилган.

Авшар – қадимий уруғлардан бири. Араб географлари Бухоро яқинида Авшар деган қишлоқни тилга оладилар. Абулғози Баҳодирхон *авшар* сўзини «ишини илдам ишламоқчи» деб изоҳлайди.

Арғин – бу уруғ Ўрта Осиёда қадимда яшаб келган ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қайд қилинган арғу қабиласининг ўзгинаси бўлса керак. «Бобурнома»да, ўзбек уруғларнинг дастлабки ёзма шажараси ҳисобланган ва Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг «Мажмуат-таворих» асарида келтирилган ўзбек элатлари рўйхатида бу уруғ арғун шаклида қайд қилинган. Бу этноним мўғулча арғин (ўзаги арғ – дурагай) сўздан келиб чиққандир. Арғин (арғун) сўзи қирғиз тилида ҳозир ҳам ана шу маънони англатади.

Асака этноними Ўрта Осиёда қадимда яшаган *сак* (сака) номи билан алоқадор бўлса керак. Баъзи бир мулоҳазаларга кўра, асака «отлиқлар» деган маънони билдиради. Асака сўзи жой номлари шаклида ҳам учрайди. Масалан, Андижон вилоятидаги Асака; Қорақалпоғистон ҳудудида Асакаовдон ботиғи бор. Геологлар Асакаовдоннинг ўрни юқори тўртламчи даврда кўлдан иборат бўлганлигини аниқладилар (овдон, тўғриси обдон «сув омбори», «ҳовуз»).

Ахтачи – қадимги уруғлардан бири. Бу уруғ вакиллари Бобур ҳам тилга олган. *Ахта* мўғул тилида, умуман «от» (жумладан «бичилган от») демакдир. *Ахтачи* эса «отбоқар», «жиловдор» (хон оти жиловини ушлаб юрувчи киши) маъносини беради.

Бағанали – ўзбек уруғларининг тармоғи. *Бағанали* «қоракўл тери», «ёш кўзи териси» демакдир. *Бағана* сўзининг «стун» маъноси ҳам бор.

Барлос – Ўзбекистон ҳудудида, асосан Қашқадарё воҳасида кўчманчи ўзбеклардан чигатой улусига кўриқлаш учун юборилган 4 та қабилалардан бири. *Барлос* сўзи Абулғозихоннинг фикрича «кўмондон», Алишер Навоий асарларига ёзилган «Бадоеуллуғат»га кўра «баҳодир» деган маънони билдиради.

Боёвут – республикамиз ҳудудида қадимдан яшаб келган уруғлардан бири. Рашидиддиннинг «Жомеут-таворих», Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарларида Чингизхон кўшинлари билан бирга келган қабилалар орасида ҳам боёвут уруғи тилга олинган. *Боёвут* сўзи «бой», тўғрироғи «бойлар» «мулкдор» демакдир.

Дуғлар, Дувлат – дастлаб мўғул қабиласининг номи бўлган. Дуғлатлар Дуклан деган кишидан тарқалган; дуклан (тўғриси – доколан) мўғул тилида «чўлок» деган сўз, дуғлат эса бу сўзнинг кўплигидир.

Ирғанокли (эрганакли) – ирғокли уруғи ҳам қайд қилинган. Эҳтимол, бу иккаласи бир уруғнинг турлича талаффуз қилинишидир. Ирғанок «катак», «шоҳ-шаббадан тўқилган чавра». Демак, бу уруғнинг тамғаси катак шаклида бўлган.

Кўрна, Кўрпали, Кўрпасой, Кўрпақишлоқ, Кўрпача, Янгикўрна каби этнотопонимларнинг «ёпинчик» маъносидаги асли форсча *кўрна* сўзига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Қадимий туркий тилда *кўрна* сўзи бир неча маънони англатган. Тарихий ёдгорликларда *кўрна* сўзининг «бара ўт», «ёш бола», «кўзичок», «улоқча», «бузоқча», «кепак» маънолари борлиги қайд қилинган. Лекин *кўрна* сўзининг кўпгина маънолари унутилган, шунга қарамадан республикамизнинг баъзи жойларида бара бедани «беда кўрна бўлиб қолипти» дейишади.

Уруғлар ҳайвон номлари билан ҳам аталганини ҳисобга олсак *кўрна* этноними «кўзичок» деган маънони билдиради. Чунончи, машҳур тилшунос Абу Ҳайён ал Андалусий (XIII аср) асарларида *кўрна* сўзи ана шундай изоҳланган.

Керайт (Керайит) – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Турли манбаларда *керайит* сўзи «қора қўй», «қора одам» ёки «қарға» деб изоҳланган (тўғриси ҳам қарға), этноним охиридаги «-т» ҳарфи кўплик аффиксидир.

Марқа – юз уруғининг бир тармоғи. Марқа – «катта, улкан» деган сўз, марқа кўзи – эртароқ, мартдан олдин туғилган кўзи, эгиз кўзиларнинг олдин туғилгани. Гаврилов фикрича, марқа (марқа юз) – юз уруғининг энг катта тармоғи, уруғ бошининг катта хотини – бойбичадан тарқалган.

Найманлар – мўғул уруғи деб ҳисобланар эди; олимлар *наим* сўзи мўғулча «саккиз» маъносини англатади дейдилар.

Этнограф Н.А. Аристов найман сўзи Сибирдаги Найма дарёси номидан олинган деган фикрни билдирган. Сўнги маълумотларга кўра найманлар асли туркий қabila бўлиб, саккизўғузларни мўғуллар ўз тилига мослаб найман деб атаганлар.

Очамайли (Ачамайли) – юз уруғининг бир бўлаги. Ҳўкиз ёки қўтосга уриладиган ёки болалар миниши учун мўлжалланган эгар *очамай* дейилган. Демак, бу уруғнинг тамғаси эгар шаклида бўлган. Этнограф Н.А. Аристов очамайли уруғи *оч (ач)* деган қадимги қabila номи билан аталган бўлса керак, деб тахмин қилади.

Солин – юз уруғининг бир тармоғи. Солинлар Зарафшон водийсида, Жиззах вилоятининг Жиззах, Зомин, Ғаллаорол туманларида қайд қилинган. Қулоқнинг ички юмшоқ қисми солин (солинчоқ-соличак) дейилади.

Сўлоқли – юз қабиласининг тармоқларидан бири. Сўлоқ сўзининг бир неча маъноси маълум – 1) қора жигар, талоқ; 2) қўй-эчки қулоғининг бирон жойини кесиб эм солиш, тамғалаш усулларида бири - қулоқнинг олдинги томони ўйиб кесилса, олдинги сўлоқ, кейинги томони ўйиб кесилса кейинги сўлоқ дейилган; 3) араванинги ўқиға солинадиган темир.

Тобин – мўғулча сўз бўлиб, «эллик» демақдир. Умуман турк-мўғул қabila ва уруғларида рақам (сон) билан аталадиган номлар учрайди. Масалан, юз, минг, дўрмон (дўрбўн – мўғулча дўрт – «тўрт») ва ҳоказо.

Тобин уруғидан бўлган қозоқлар XIX асрда Сирдарё билан Устюрт яйловидан Тобол дарёси ва Оренбург даштларигача бўлган ҳудудда яшаганлар. Тобинлар, шунингдек, ўзбеклар, бошқирлар ва бошқа туркий халқлар таркибида ҳам учрайди.

Тортувли – Тортувли уруғи қўнғирот уруғининг аждоди Қўнғирот отанинги кичик хотинидан тарқалган экан; Қўнғирот ота кексайганда унинг кичик хотини ўғил туғиб, тортув (тортиқ – совға) қилгани учун, ундан тарқалганлар тортувли деб аталган экан.

Уяз (уяс) марқа уруғининг 16 тармоғидан биридир. Уяз бошқа уруғлар таркибига ҳам кирган. Масалан, солин уруғининг бир шохи уязсолин дейилади. Уяз (уяс) жой номлари шаклида ҳам учрайди. Қадимий тилшунос олимлардан Абу Ҳайён ал-Андалусий ва Жамолиддин Тусий асарларида уяз сўзи «паша, чивин» деб изоҳланган.

Чиноз (асли чинас, чинос) – мўғуллар ҳукмронлиги даврида бўлган қabila. Чин-мўғул тилида «бўри» демақдир; «-с» эса кўплик қўшимчаси бўлиб, бўри чиносларнинг тотеми ҳисобланган.

Ўзбекистонда, хусусан Бухоро воҳасида **Чандир** деган қишлоқлар учрайди. Маҳаллий халқ қишлоқ номини «чодир» (чайла), «чандир тери» деган сўз деб изоҳлайди. Аслида эса чандир туркман уруғи бўлиб, ўзбеклар таркибида ҳам тилга олинган. Абу Ҳайён чандир сўзини «дурагай, курама» деб изоҳлаган.

Шу нарса диққатга сазоворки, кўпгина этнонимлар, чунончи, қалмоқ, арғин «дурагай, курама» деган маънони англатган. Аслини олганда бошқалар билан аралашиб, чатишиб кетмаган биронта ҳам халқ ёки қabila йўқ - барча эллар, уруғлар бир-бирлари билан аралашиб, қўшилиб кетган.

Ўтарчи – бир қанча рўйхатларда, чунончи Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг «Мажмуат-таворих» асарида қайд қилинган уруғ. *Ўтарчи* сўзи қадимий туркий тилда «вақтинча яшовчи» (кўчманчи) маъносини англатган. Бу сўзнинг «Синчи», «От табиби» деган маънолари ҳам бор.

Қалмоқ – қалмоқлар кўчманчи ўзбеклардан олдин ҳам Моварауннахрда яшаган ва туркийлашган мўғул қабилаларининг авлодлари бўлса керак. Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома»сида айтилишича, қалмоқлар Шайбонийхонга қарши Бухоро ҳоқими Бокитархон томонида туриб жанг қилганлар.

Қалмоқ сўзи туркий «қолмоқ» феълидан олинган, бу сўз ислом динини қабул қилмасдан мажусийлар ҳолида қолган ўйротларни англатган, дейилган. В.П. Дарбакова қалмоқ сўзи мўғулча «дурагай», «аралаш», «курама» деган маънодаги *халмиг* сўзидан келиб чиққанлигини аниқлади. Ҳақиқатан ҳам аслида ўйротлардан ажралиб чиққан қалмоқ уруғи жуда кўп уруғ-қабилалар аралашмасидан иборат бўлган.

Қарапчи уруғи баъзи бир рўйхатларда 92 бовли ўзбек уруғларидан бири қаторида тилга олинган; Сурхондарё вилоятида қарапчи 16 уруққа бўлинади, баъзан эса юз уруғининг катта бир бўлаги сифатида қайд қилинган. Баъзи олимлар фикрича, қарапчи сўзи қаровчи нозир, назорат қилувчи деганидир, чунки қарапчилардан бийлар, беклар, қўмондонлар кўп чиққан экан. Қадимий тилшунос олим Абу Ҳайён ал-Андалусий қарапчи сўзи «қашшоқ», «камбағал» деган маънони билдиради.

Қиёт Абулғози Баҳодирхон фикрича, мўғулча «тоғдан оққан сел» маъносидаги қиён сўзининг кўплигидир. Бу фикрни В.В. Радлов ҳам исботлайди. Бундан чиқадики, қиённи (қиёнли) уруғининг этимологияси ҳам ўша мўғулча қиён сўзи билан маънодошдир.

Қовчин – ўзбек уруғларидан бири; баъзи бир фикрларга кўра қовчин, қутчи ёки қушчи бир уруғдир. Академик В.В. Бартольд фикрича, қовчин сўзи дастлаб уруғ ёки қабилани номи бўлган эмас, балки «қўшин қўмондони» ёки «қўшин» маъносини англатган. Қовчин сўзининг «хўжайин», «меҳмон» деган маънолари ҳам бор. Қовчин жой номлари шаклида учрайди. Чунончи, Янгийўл шаҳрининг олдинги номи Қовунчи ҳам аслида қовчин бўлган бўлса керак. Шунингдек, Самарқанд туманида Қовчинон (Қовчинлар) номли қишлоқ ҳам бор.

Қурқозон – ўзбекларнинг бу уруғи Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қайд қилинган. Қурқозон асли қорақозон бўлган, деган фикр бор. Қорақозон сўзи икки маънода ишлатилган: 1) бир неча қишлоқни ўз ичига олган жамоа, бу қишлоқлар ҳашар, ариқ тозалаш каби ишларни биргалашиб бажаришган; 2) ҳарбий хизматга чақирилган киши. Нўкар (навкар)лар мунтазам армия ҳисобланган, қорақозон (ёки қора чериклар) эса ҳарбий хизматдан ташқари ўз қўмондонларининг экиш-тикиш ишларига ёрдам берган, молларга қараган.

Замбаракнинг қадимий, калта бир тури қозон дейилган. Бобур «қозон қурдик», «қозон билан тош отди» деганда ана шу тўпни назарда тутган («Бобурнома» таржимони Салье ҳам бу сўзни рус тилига ана шу маънода таржима қилган).

Биз юқорида этнонимлар ҳақида, этнонимларни ўрганадиган этнонимика фани тўғрисида, Ўзбекистондаги баъзи бир уруғ-қабилалар географияси ва айрим этнонимлар этимологияси, маъноси ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Ҳар қандай этимология, хусусан аксари қадимий сўзлар бўлган этнонимлар этимологияси мураккабдир. Тобора унутилиб бораётган уруғ-аймоқ номларини тўплаш, йиғиш, шу этнонимлар билан аталган жой номларини, этнонимлар билан топонимлар муносабатини аниқлаш, яъни этнонимлардан ном олган топонимлар билан биргаликда урганжи, кўқони (қарапчи) каби жой номларидан келиб чиққан этнонимларни алоҳида қайд қилиш этнонимика олдида турган вазифалардандир.

Тарихий манбаларда *далварзин* қабиласи тилга олинган. Ўзбекистонда Далварзин деган жойлар кўп (Тошкент, Андижон, Сурхондарё вилоятлари). Хўш, бу жойлар этнонимдан жой олганми ёки аксинчами? Бу этнонимнинг маъноси нима? *Далварзин* асли термин. Бундай дейиш учун қуйидагиларга асосланамиз. Қозоғистонда ва Қирғизистонда **Дўрбўлжин** деган жойлар бор. Афғонистондаги тарихий бир жой **Дилберчин** дейилади. Сирдарё бўйидаги **Далварзин** чўлини тожиклар **Дилварзин** дейишади; бу чўлнинг маҳаллий талаффузи ҳам асли **Делбарзин**. Ана шу жой номларининг ҳаммаси мўғулча *дўлбўржин*, яъни «чолдевор»

(шаҳар харобаси) сўздан келиб чиққан деб ҳисоблаймиз. Демак далварзин қабиласи жой номи билан аталган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Этнонимика ана шу каби муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади.

Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамова
(Низомий номли ТДПУ)

ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОМАДАНИЙ МУҲИТИДА ҚАНҒЛИЛАР (НУРОТА ВОҲАСИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Маълумки ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мураккаб тарихий жараёнлар даврида кечган бўлиб, бу мураккаб тарихий жараёнлар ўзбек халқи этник тарихига таъсир этмасдан қолмаган. Ана шундай ўзаро муносабатларда фаол қатнашган ўзбек халқи этник компонентларидан бири қанғлилар ҳисобланади. Қадимдан икки дарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларда яшаб келган қанғлиларнинг ўзбек халқи таркибига кирган кўпгина катта-кичик этник гуруҳлари сўғдий забон аҳоли билан қоришиб кетиши (ассимиляциялашуви) ёки маълум ҳудудлар доирасидаги этно-маданий жараёнларда қатнашуви табиий ҳол эди.

Биз ушбу мақола доирасида қанғлиларни узоқ тарихий давр мобайнида этнографик гуруҳ сифатида Нурота воҳаси ҳудудларида яшаб келаётганликлари ҳамда ХХ асрга келиб, уларни Ўзбекистон этномаданий жараёнларида фаол қатнашганлиги ҳақида фикр юритмоқчимиз. Шу ўринда қанғлиларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ўзбек халқи этник тарихида тутган ўрни масаласи бир қанча этнологик адабиётларда ва тарихий манбаларда маълум маънода ўз аксини топганлигини ҳам қайд этиш лозим³¹⁵.

ХІХ аср охири ва ХХ аср бошларида ўзбек халқи таркибида қанғлиларнинг кейинги авлодлари ҳақидаги батафсил маълумотлар ўзбек этнолог олими академик К.Ш.Шониёзовнинг шу масалага доир фундаментал асарида учрайди. Қанғлилар илк ўрта асрлар ва ундан кейин Моварауннаҳр ва Хоразмда яшаган қабиладошлари қаторида ўзбек халқининг этник тарихида муҳим роль ўйнаб, уларнинг бир гуруҳи ХІХ аср охири ХХ аср бошларигача айрим этнографик гуруҳ сифатида яшаб келишди ва ўзларини ўзбек деб атаганлар³¹⁶- деб ёзади муалиф. Ўзбекистон ҳудудидаги жойлашган қанғлилар ХІХ аср охири ХХ аср бошларида асосан Тошкент, Мирзачўл, Фарғона ва Зарафшон воҳаларида яшар эдилар³¹⁷.

Биз қанғлиларни Сирдарёнинг ўрта оқимлари ҳамда Қашқадарё воҳаларидан Нурота тоғ тизмаси атрофларига келиб ўтроқлашганлиги ҳақидаги маълумотларни дала этнографик тадқиқотларимиз жараёнида тўпладик. Бизнинг тадқиқот давримизда асосан ХІХ аср охири ХХ аср бошларида қанғлиларнинг катта гуруҳи Нурота воҳасининг Ғаллаорол туманидаги ва Жиззах шаҳри яқинидаги 2та қанғли қишлоқларида, Ширконли қишлоғида ҳамда Нуротага туташ Хатирчи туманида тарқалганлар³¹⁸. Хозирги кунда

³¹⁵ Абу Райхан Беруни. *Индия. Избранные произведения. Т. II. Ташкент, 1963. – С. 272-274, 430. Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. 2-том. Т., 1965. 373-468 бетлар. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т II. М.-Л., 1950. С 150-187. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. отделение этнографии РГО. Вып III –IV. СПб., 1896. – С. 292-314. Бартольд. В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т I, М., 1963, с. 435-481. Каляшторный С.Г. Кангийская этнонимика в орхонских текстах //СЭ 1951 № 3.-С. 54-64. Шониёзов К.Ш. Қанг давлати ва қанғлар. Тошкент, 1990. 26-148 бетлар. Зуев. Ю. А. Ранние тюрки: очерки, истории и идеологии - Алматы, 2002.*

³¹⁶ Шониёзов К.Ш. Қанг давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990, 138-бет.

³¹⁷ Ўша жойда.

³¹⁸ Дала ёзувлари/ Ғаллаорол тумани. Қанғли қишлоқи. 2002 йил.

қанғлиларнинг учинчи бир гуруҳи Ғаллаорол туманига яқин бўлган қанғли номи билан аталувчи иккита қишлоқда (ҳозир бу қишлоқлар Қанғли-1 ва Қанғли-2 деб юритилади) ҳамда Оқтоғнинг Нуротага туташ Хатирчи тумани ҳудудида ҳам қайд этилган. Ғаллаорол қанғлилари бош қабила гуруҳи сифатида Сарик қанғлилардан бўлиб, улар мечкай тўп, эрганакли тўп, бешкал тўп заргар тўп, йўлдошбек, давронбек, сарой куёвли, болғали уруғ шоҳобчаларини ташкил этади³¹⁹. Биз қайд этган уруғ қабила гуруҳларининг айримларини К.Ш.Шониёзов ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги қанғлиларнинг кичик уруғ шоҳобчалари таркибида келтириб ўтади³²⁰.

Воҳанинг ўзига хос табиий географик хусусиятлари ҳамда иқлим шароити аҳолининг хўжалик маданий турмуш – тарзига таъсир этмасдан қолмаган. Тоғнинг ҳар икки тарафидаги бепоён даштлар ҳамда суғорма деҳқончилик воҳаларида таркиб топган хўжаликнинг уч типга бўлинганлигини оламиз: чорвачилик, ярим ўтроқ хўжалиги, ўтроқ деҳқончилик. Мана шундай хўжаликлар билан шуғулланиб келган қанғлилар воҳанинг бошқа этнослари ва этник гуруҳлари билан маълум ҳудуд доирасида муштарак этник алоқаларда бўлиб келган. Зеро этноснинг шаклланишидаги асосий жараёнлардан бири, унинг ички иқтисодий бирлиги ҳисобланади. Бир тилда сўзлашувчи халқларнинг алоҳида этник уюшма бўлиб бирлашишлари учун кўп йиллар давомида бир ҳудудда яшаб, ўзаро хўжалик алоқада бўлишлари муҳим аломат ҳисобланади³²¹.

XIX аср охири – XX аср бошларида анаънавий дашт-адир чорвачилиги қанғлилар хўжалигида муҳим ўрин тутсада, Қўйтош тоғларининг этақларида булоқ бўйлари ҳамда сув ҳавзаларида аҳоли кунжут, буғдой, тарик, масҳар экканлар; узум, қовун, тарвуз, етиштирилган, сут, жун, гўшт учун қўй, туя, бия боқилган. Хўжаликнинг икки тури, воҳанинг суғорма деҳқончилиги ва дашт яйлов чорвачилиги ўзаро бир-бирини тўлдириб уйғунлашиб бориши натижада этник гуруҳлараро (туркман, юз, сарой, найман, манғит ва бошқалар ўртасида) ўзаро иқтисодий маданий алоқаларни юзага келтирган, бу воҳада ўзига хос хўжалик-маданий типни шаклланишига туртки бўлган. Зеро, хўжалик-маданий типлар деганда, муаян табиий-географик шароитда ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир хил даражада бўлган хўжалик ва маданиятларнинг тарихан таркиб топган мажмуи тушинилади.³²²

Бу даврда қанғлилар воҳанинг қўшни ўзбек туркманлари билан жадал иқтисодий, маданий муносабатлар ўрнатадилар. Бундай этномаданий алоқалар савдо, хўжалик, ҳатто оила никоҳ муносабатларида ҳам қизгин кечган. Ярим ўтроқ чорвадорлар ўз маҳсулотларини воҳа қанғлиларига айрибошлаш ёки нақд пул эвазига сотиш учун олиб тушганлар, аҳборотчиларнинг айтишларича, ҳозирги Ғаллаорол тумани ҳудудидаги «Сарбозор»да XX аср 30-40 йилларигача доимий от, туя савдолари бўлиб турган³²³. Деҳқонлар маҳаллий бозорларга сотиш учун хўл мева, тамаки, хунармандчилик маҳсулотларини олиб чиққанлар. Воҳа қанғлиларининг асосий қисми ўтроқ, ярим ўтроқ бўлиб, улар билан бирга ярим кўчманчи чорвадорлар ҳам яшаганлар. Ўтроқ аҳоли асосан Сангзор дарёси ҳавзаларида ва Морғузар тоғининг Нуротага туташ воҳаларида яшаганлар.

XX асрнинг иккинчи яримидан сўнг аҳоли сонининг ошиши, янги ерларнинг муттасил ўзлаштирилиши (асосан Мирзачўл ва Сирдарё чўлларининг) бошқа этник қатламлар қатори қанғлиларнинг катта қисмининг янги ерларга кўчиб ўтишларига, бир қисмининг шаҳарларга жойлашишларига имкон туғилди. Айниқса Мирзачўлнинг тезкорлик билан ўзлаштирилиши натижасида ёш оилаларнинг аксарияти Дўстлик, Арнасой, Пахтакор, Зарбдор, Оқ олтин, Боёвут туманларига кўчиб ўтадилар. Юқорида тилга олинган

³¹⁹ Шевяков А.И. Этнический состав населения Нуратинских гор и прилегающих районов (Материалы полевых исследований 1989-1998 гг.) // Восток. М., 2002. – С. 76-78.

³²⁰ Шониёзов.К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990, 143-бет.

³²¹ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 1998 № 6 38-бет.

³²² Абдуллаев У. Этнологияда терминология муаммоси // Ўзбекистон Этнологияси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. Тошкент, 2004, 13 бет.

³²³ Дала ёзувлари. 2002 йил.

туманлардаги аҳоли пунктларида ҳозирги кунда қанғиларнинг жамоа-жамоа бўлиб жойлашган қон-қариндош уюшмаларини учратиш мумкин. Бунга ҳозирги кунда Боёвут туманида «Қанғли» номли маҳалла-этник гуруҳ мавжудлиги яққол мисолдир. Лекин буларнинг барчаси ўзларини ўзбек халқининг таркибий қисми эканликларини алоҳида таъкидлайдилар.

Юқорида Ғаллаорол қанғиларини сариқ қанғилардан дедик, мана шу Ғаллаорол қанғиларида ҳам ранглар билан боғлиқ этник номлар XIX асрнинг охири - XX асрда ҳам сақланиб қолган. Уларда бош қабила гуруҳи «сариқ қанғли»лардан бўлиб, ўзларини доимо юқор қўяр «оқсуяк», «тоза қанғилар» деб ҳисоблаганлар. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, сариқларнинг аجدодлари подшоҳлар (хоқонлар) бўлган³²⁴. Кейинги даврларда сариқ қанғилар илк ўрта асрлардаги сариқлар каби аслзодалигини пеш қилиб, ўзларини «оқ суяк», «тоза қанғли» деб атаганликлари эҳтимолдан ҳоли эмас³²⁵. Демак, ранглар билан боғлиқ этник номлар тасодифан юзага келмаган. Қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни ифодалаган³²⁶. Этнонимни ифодаловчи сариқ ранг шарқда маълум қабила юқори табақа вакилларига нисбатан ишлатилгани бошқа тадқиқотчилар ишларида ҳам учрайди³²⁷.

Қанғилар тил жиҳатдан ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасида сўзлашганлар. Аммо турли этник жамоалар ҳамда этносларнинг бир ҳудудда ёнма-ён ёки аралаш яшашлари сўзсиз ўзаро тил алоқаларини юзага келтиради. Зеро ҳеч бир тил таркибидаги шева ва лаҳжалар бир-бирларига таъсирсиз, ўз ҳолича ривож топмайди. Буни қанғилар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бундай тил ва лаҳжаларда қоришув жараёни ўзбек халқининг қанғли уруғларида XX асрнинг иккинчи яримидан сўнг ўзаро консолидация жараёнлари туфайли тезлашган. Натижада қанғиларнинг катта гуруҳи, айниқса шаҳарларда яшовчи ксми ўзбек тилининг «й»ловчи диалектига ўтадилар.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни қайд этиш зарурки, қанғилар Моварауннаҳрга антик илк ўрта асрларда ва ундан сўнг келиб жойлашган турли-туман этник компонентлар билан фаол этно маданий алоқалар бўлиб, ўзбек халқи этник тарихида муҳим ўрин тутган. Зеро, маълум бир этносни ягона минтақа доирасида шаклланиши ва ривожланишини ўзаро ҳудудий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий омиллар билан боғлаш тўғри бўлади. Бу омиллар академик А. Асқаров концепциясига кўра, этнос (халқ)ни уюштирувчи ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, тил, этник ном, ўзликни англаш бирлиги ва ниҳоят сиёсий уюшма (политическая консолидация)ларда ўз ифодасини топган³²⁸.

Хулоса қилиб, шуни қайд этиш зарурки, сўнгги ўрта асрларда Ўзбекистоннинг қатор тарихий-маданий минтақаларидан Нурота воҳасига келиб ўтроқлашган қанғилар ўзларининг бир қанча этник аломатларини сақлаб қолган этнографик гуруҳ сифатида намоён этган бўлсаларда, XX асрда Ўзбекистон этномаданий муҳитида содир бўлган этник жараёнлар туфайли ўзбек миллати таркибига сингиб, унинг муштарак қисмига айланадилар.

³²⁴ Дала ёзувлари. 2002 йил.

³²⁵ Шониёзов К. Ш Қанғ давлати ва қанғилар. Т., 1990. 147 бет.

³²⁶ Шаниязов К.Ш К этническо истории узбекского народа Т., 1974. 3-131. Ўша муаллиф: Қанғ давлати ва қанғилар. Т., 1990 146 бет. Баскаков. Н А К вопросу о происхождении этнонима «киргиз»// СЭ 1964. № 2. - С93-94.

³²⁷ Зуев Ю.А. Тамги лоцдаей из вассальных княжеств. Тр ИИАЭАН. Каз.ССР. Т. VIII, 1960. – С. 119-120.

³²⁸ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари // Ўзбекистон тарихи Тошкент, 2002 йил, № 4, 54-бет.

К ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ УЗБЕКОВ БУХАРСКОГО ОАЗИСА В XIX-НАЧАЛЕ XX вв.

Бухарский оазис, располагавшийся в долине нижнего Зеравшана, является самым населенным оазисом Среднеазиатского междуречья. Он окружен почти со всех сторон пустыней (Кызыл-Кум), соединяющийся с соседними, менее населенными оазисами только узкими культурными полосами долины р. Зеравшана. Бухарский оазис еще с древних времен считался очагом орошаемого земледелия, а в прилегающих к степям и пустыням районах — скотоводство. Население района издавна занимается выращиванием хлопка, хлебных злаков и разведением каракулевых овец.

Начало научного изучения этнографии и этнической истории оазиса было связано с деятельностью путешественников, представителей дипломатических миссий на территорию Бухарского эмирата в первой половине XIX в. Вопросами этнического состава Бухарского эмирата интересовались А.Борнс, А.Вамбери, Д.Н.Логофет, Н.Ханыков³²⁹ и Н.А.Аристов³³⁰.

В первой четверти XX века по этническому составу и истории узбекских племен Бухарской области были проведены специальные исследования, основная часть которых была связана с процессом национально-территориального размежевания Средней Азии, проведенным в 1924 году. Однако, полученные данные, по переписи в достаточно полной степени не освещают этнические процессы и состав населения Бухарской области.

Во второй половине XX века значительные исследования населения оазиса были проведены К.Шаниязовым. Он посвятил ряд работ: карлукам, кипчакам, канглы, узы и др.³³¹. Известно, что часть из них жила и на территории Бухарской области. Публикации К.Шаниязова, заложившего основы узбекистанской школы этнографии, изобилуют интересными фактическими материалами и ценными наблюдениями.

Каракалпаками оазиса занималась Л.С. Толстова³³².

Проводила исследования по этническому составу населения города Бухары О.А. Сухарева, дав подробное описание бухарских кварталов и их этнического состава. Проблемы этнической истории узбеков региона освещались в работах Б.Х.Кармышевой³³³.

Одновременно проводились филологические исследования, в которых также затрагивался вопрос этнической истории узбеков Бухарского региона³³⁴. На основе данных районирования 1926 года М.Мирзаев попытался составить этнографическую карту региона.

Проблеме этногенеза узбеков были посвящены ряд работ академика А.Аскарова³³⁵. Результаты исследования вышеотмеченных авторов показывают, что в Бухарском оазисе в XIX – начале XX вв. проживали различные этнические группы, большинство из которых составляло тюркоязычное население. Время заселения тюркоязычного населения региона можно условно разделить на несколько этапов. Часть тюркоязычного населения жила в регионе с древней эпохи (носители Кызылкырской культуры). Другая группа переселилась в

³²⁹ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. Санкт-Петербург, 1843.

³³⁰ Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. – Живая старина. Вып. 3-4. СПб., 1896.

³³¹ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Т., 1977.; Шаниязов К. Узы (Из истории родоплеменных делений узбеков). – Общественные науки в Узбекистане. 1970, №2. ;Шониёзов К. Канг давлати ва канглилар. Тошкент, 1990; Шониёзов К. Карлук давлати ва карлуклар. Тошкент, «Шарк». 1999.

³³² Толстова Л.С. Каракалпаки Бухарской области Узбекской ССР (по материалам полевых исследований 1960 г.) // Советская этнография. №5, 1961.

³³³ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976.

³³⁴ Мирзаев М.М. Узбек тилининг Бухоро гурпуи шевалари. Тошкент, 1969.

³³⁵ Аскарлов А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки в Узбекистане. 1997. №3-4; Аскарлов А.А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Тошкент, 1986.

Бухарский оазис в раннем средневековье (тюрки, карлуки, халаджи). Остальные группы переселялись в регион в различные периоды вплоть до позднего средневековья. Основная масса тюркоязычного населения оазиса являлась потомками узбекских племен, таких как мангыты, кунграты, сараи, алчины, арлаты, бахрины, буркуты, джалаиры, дурманы, калмаки, каракалпаки, катаганы, кенагасы, кераиты, кипчаки, киргизы, кияты, курама, кырки, маситы, минги, моголы, найманы, татары, чагатаи, юзы и др.

По переписи 1924 года общая численность населения в Бухарском и Гиждуванском уездах составляла 301 955 человек. Из них 248 253 человека были узбеками, что составляло 82% населения. Узбеков без племенной идентификации насчитывалось более 62 тысяч, из них 26205 были переселенцами из Хорезма³³⁶.

По данным М.Мирзаева узбекское население Бухарской области в лингвистическом отношении делится на 4 группы:

1. одноязычная группа узбеков, говоривших, на карлуко-чигиле-уйгурском диалекте. Они составляли большинство узбеков.

2. Узбеки, говорившие на огузском диалекте.

3. Узбеки, говорившие на кипчакском диалекте.

4. Двухязычная группа, говорившая как на узбекском (карлуко-чигиле-уйгурском диалекте), так и на таджикском языках³³⁷.

На огузском диалекте говорило население Каракульского и Алатского туманов, некоторых сел Ромитанского тумана: Сепата, Корали, Челонгу, Села Кохиштувон около Газли, села Чандир Вабкентского тумана, некоторых сел Бухарского тумана: Лоша, Харгуш, Хумин, Хумдонак и др. Населения говорившие на огузском диалекте представлено узбеками алат, баёт, джигачи, даргали, жанафар, караун, каравул, саёт, салыр, эрсари, чандир, эски, тамджик, бурджок³³⁸ и т.д.

На кипчакском диалекте говорила часть населения некоторых сел Навоийской (бывшей Бухарской) области³³⁹.

Двухязычным узбекским населением считали себя потомки мангытов, урганджи, найманов³⁴⁰.

Часть населения Бухарского оазиса к началу XX века была таджикоязычной. Таджикоязычное население с тюркскими родоплеменными названиями в Бухарской области насчитывало более 5 тысяч человек³⁴¹. Они были бывшие узбеки, оказавшиеся в языковой среде таджиков, которые большей частью ассимилировались с таджикским населением по языку, но сохраняли узбекское этническое или родо-племенное самоназвание.

Более 10% населения Бухарской области, а в некоторых районах до 20% составляли переселенцы из Хорезма – урганджи. Переселение их из Хорезма началось после захвата края Чингисханом. Вторая волна переселенцев приходится на вторую половину XIV века, что было связано с походами Амира Темура в Хорезм. Третья волна переселения относится к периоду правления эмира Шахмурада (1785-1800). Группа урганджи жила и в самой Бухаре. Часть их жила в квартале Буйробофон, куда была переселена Шахмурадом. Они жили совместно с туркменами племени хидир-эли³⁴².

В переписях 1924 года урганджи зафиксированы как единая группа без каких-либо родоплеменных подразделений. Однако, наши полевые исследования показали, что некоторые урганджи знали свое родо-племенное происхождение: саиды, кунграты, махдумы и др. В настоящее время, значительная часть урганджи уже не помнит названий этих групп.

³³⁶ *Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. Ташкент, 1926. С. 149, 262, 256-258, 263, 270.*

³³⁷ *Мирзаев М.М. Узбек тилининг Бухоро группа шевалари. Тошкент, 1969. 11-19 б.*

³³⁸ *Мирзаев М.М. Узбек тилининг Бухоро группа шевалари. Тошкент, 1969. 15 б.*

³³⁹ *Ўша манба. 17-бет.*

³⁴⁰ *Ўша манба. 21-бет.*

³⁴¹ *Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. Ташкент, 1926. С. 232-233-бетлар.*

³⁴² *Сухарева О.А. Бухара 19 - начало 20 в. (Позднефеодальный город и его население). М., 1966.*

Большинство урганджи перешли с родного огузского диалекта на местный бухарский диалект узбекского языка. В этнографическом плане многие урганджи, восприняв культуру бухарского населения, сохранили лишь отдельные элементы культуры хорезмийских предков.

Общая численность урганджи в Бухарской области в 1924 году достигала 26.715 человек. Жили они почти исключительно в Бухарском оазисе, в районе: Вабкент-дарьи - 11.705 человек, соответственно в Хайрабаде -1.505 ч., Шоффрикане- 4.990 ч.; Султан-рабате - 1.030 ч.; Пирмасте- 4.325 ч.; Абу Муслиме – 440 ч., Хархон-руде-1.810 ч. В Каракульском оазисе было зарегистрировано урганджи в количестве 390 человек³⁴³. Урганджи жили в таких селах как: Кумак, Ниёз ходжа, Кули Одина, Карабаши, Бринч фуруш, Кули Баён, Касри Азад, Гиждумак, Пирмаст, Анжербак, Чигатой, Гишты, Дехнау, Гаушан, Тез Гузар, Фуругон и др.

Особую группу населения региона представляли представители традиционных элитных религиозных групп: саиды-ишаны, ходжа, шейхи. В 1924 году представителей этих трех привилегированных сословий, насчитывалось в Бухарском оазисе 6580 человек, в том числе: в Вабкент-дарье - 1.810 чел. (все три группы, но в большинстве саид); в Шахруде -1065 чел. (660 саид, остальные ходжа); в Пирмасте - 1.000 чел. (875 ходжа, остальные саид); в Шоффрикане - 1.355 чел. (ходжа); в Хархон-руде - 545 чел. (ходжа); в Хайрабаде - 380 чел. (саид); в Султан-рабате -265 чел. (все три группы); в Пайкенте - 165 чел. (саиды). В Каракульском оазисе - 655 душ (475 ходжа, а остальные - шейхи). Часть этой элитарной группы была тюркоязычной, а другая таджикоязычной³⁴⁴.

Элитные группы представляли собой «карахани». Название Карахани, или Карахан, среди топонимов Заравшанской долины связано с родом ходжей карахани. По данным Б.Х.Кармышевой род карахани считал себя потомством «святого» Карахана, известного в народе как Аулия-ата - «Святой отец», мазар которого находился в г. Джамбуле (поэтому в прошлом этот город назывался Аулия-ата). Согласно их легендарной родословной, этот святой являлся потомком Али в шестом колене³⁴⁵ (Кармышева Б.Х., 1976, с.151).

В XIX-начале XX вв. большинство населения Бухарской области назвавшее себя узбеками были оседлыми земледельцами. Поэтому мы не согласны с тезисом о том, что в XIX веке под узбеками понимались лишь потомки даштикипчацких племен. Этноним узбек в этот период имел более широкое распространение.

В XIX веке в бухарском оазисе имеется также термин «карача». Этот термин впервые встречается в монгольскую эпоху и обозначал неэлитное кочевое население «чернь». Во время переписи 1924 года в Бухарской области были зафиксированы многие тысячи «карача». Они были оседлыми земледельцами и жили в таких селах как: Йўл бўлди, Хонабод, Мўғулон, Вардонзи и др. В переписи «карача» обозначено как племя, хотя на самом деле, это не этноним. Поэтому мы можем включить карача в одну группу с оседлым населением, не знавшим родо-племенного деления. Отметим, что часть таджикоязычного населения оазиса также обозначала себя как «карача».

Таким образом, результаты анализа переписи 1924 года и наши полевые работы показывают, что во первых, дальнейшее изучение этнических процессов населения Бухарского оазиса является весьма актуальным и перспективным, требующего специального монографического исследования; во вторых этноним узбек в этот период среди оседлого тюркоязычного пласта населения уже имел более широкое распространение.

³⁴³ *Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. Ташкент, 1926. С.197.*

³⁴⁴ *Ўша манба. С.206-207.*

³⁴⁵ *Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976. С.151.*

ЎЗБЕК ЭЛАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Маълумки, ўзбек элатининг шаклланиш жараёни бошқа туркий забон халқлардан бирмунча фарқ қилган. Жумладан: ўзбек элатининг аجدодлари туб ерли этник бирликлар асосида, яъни икки тил (туркий ва эроний тиллар) туркумидаги халқларнинг аралашуви жараёнида вужудга келган.

Моварауннахр ва унга туташ минтақаларда турғун яшовчи аҳоли сўғдийлар, хоразмийлар, туркий забон этнослар ўз ҳудудларида қадимдан яшаб, бўлажак ўзбек элатининг пойдеворини ташкил қиладилар³⁴⁶.

Ўрта Осиёнинг ўтроқ воҳа аҳолиси сўғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканлар, чочликлар номи билан юритилган. Улар яшаган воҳаларни ўраб олган даштларда эса чорвадор кўчманчилар яшар эдилар. Улар Аҳмонийлар битикларида саклар деб аталган. Юнон манбаларида улар скифлар деб юритилган. Асосий хўжалиги чорвачилик бўлган бу аҳоли «Авесто»да турлар деб аталиб, уларни юрти Турон³⁴⁷ деб юритилган. Буларнинг ҳар иккиси ҳам ўзбекларни қадимги этник қатламига оид деб тушунмоқ керак. Бу бронза даврига тўғри келиб, бу даврда Моварауннахрга биринчи бор туркий забон қабилалар кириб келадилар. Бу босқичда зардуштийлик эътиқодлари бўйича инсон ҳаётининг моҳияти **ХАЛОЛ** ва **ПОКЛИК** эканлиги, инсон эзгу фикр, эзгу амал оркали ёмонлик билан курашганлар. Бу даврдаги аجدодларимиз ютуқлари Шарқ (Хитой, Ҳиндистон) ва Ғарб (Рум, Юнон) маданиятига ижобий таъсир қилган. Кейин милодий II-III асрларда туркий тилли этносларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти ривожланиб, милодий IV-V асрларда янги Қанғар элати шаклланади.

Турк хоқонлиги даврида турк ва сўғд тилли халқларнинг ўзаро яқинлашиши, аралашуш жараёни давом этган. Натижада икки қардош ўзбек ва тожик халқларининг шаклланишига иқтисодий ва этномаданий шароитлар яратилади.

IX-X асрларда К.Шониёзовга кўра ўзбек халқи элат бўлиб шаклланган³⁴⁸. Маълумки, ўзбек ва тожик элатлари сак-массагетлар, бактрийлар, ЮЭЧЖИЛАР – қанғарлар, хунлар, сўғдийлардан томир олган. Лекин уларни ҳар бирига хос тили, ўзлигини англаши каби фарқли хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳар бир элат ана шу хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилган.

XI асрда ҳам Маварауннахр ва унга туташ минтақаларда яшовчи аҳоли этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бири билан яқинлашиб, қоришиб борадилар. Бу босқичда Ислон дини таъсирида илму-фан, маърифат тараққий этган. Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро тариқатлари раванқ топади. Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн-Сино каби ватандошларимиз жаҳон илму-фани, маданияти ва тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Аждодларимиз асарларини Ғарб мамлакатларида тарқалиши Овropa маданиятига таъсир этиб, Оврўпа уйғониши – «Ренессаниси»ни вужудга келтирди, яъни Европани минг йиллик «уйку»дан уйғотди. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнининг яқунловчи босқичи XI-асрнинг ўрталаридан то XII-аср ўрталаригача давом этиб, элатга хос этник белгиларнинг ривожланиши меъёрига етади.

Бу даврда «Ўзбек» атамаси вужудга келиб, бу сўзнинг том маъноси «ўз» ва «бек» сўзларидан иборат бўлган, «Асл бек» демакдир³⁴⁹. Бу ўзбеклар XVI аср бошларида ўз сардорлари билан Моварауннахрга кириб келди ва сулолавий ҳукмронликни темурийлардан

³⁴⁶ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001 й. 86-бет.

³⁴⁷ Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврлардан эрамининг V асригача). – Тошкент, 1994 й. 123-бет.

³⁴⁸ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001 й. 98, 313, 318-бетлар.

³⁴⁹ Ўзбегим. – Тошкент, 1992 й. 115-бет.

тортиб олиб, бу ўлкага ўзбек номини олиб келди. Бу ном бугунги кундаги ўзбек халқи этник номига айланди.

Минг шукурлар бўлсин-ки, мустақиллигимиз туфайли ўзбек «ўзига бек» ва ўзига-ўзи «Хўжайин» бўлиб, дунё харитасида ўз ўрнига эга бўлди.

Энг янги этнографик тадқиқотларга асосланиб, ўзбекни қуйидагича таърифлаш имкониятига эга бўлди: «ўрта гавдали, буғдой ранг, сочи қора, ва қизғиш-қўнғир, соқоли ва қора, баъзида кул ранг, бўрни кичкина ва тўғри, лаблари қалин, тишлари оқ ва соғлом, пешонаси тўғри, кош усти кам бўртиб чиққан, қошлари ёйсимон, ияги йирик, юзи серқирра, қулоғи катта ва ажралиб туради, оёқ-қули меҳнатда тобланган, гавдаси рисоладагидек» бўлган³⁵⁰.

Шу билан бирга ўзбеклар бошқа миллатлардан очиқ кўнгиллилиги, мардлиги, жиддийлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги, меҳр-мурруватлиги, меҳмондўстлиги, кечиримлилиги, меҳнатсеварлиги, она ва аёлларни эъзозлаши, оталарни хурматлаши, яхшилик қилиш каби қадимий анъаналарни сақлаб қолиши билан ҳам фарқланади. Шу билан бирга ўзбекларнинг «оилавий муносабатларини» асл намуна деб ҳисобласа бўлади деб ёзиб қолдирган Херман Вамбери³⁵¹.

Мамлакатимизда бугунги кунда таълим тўғрисидаги, кадрлаш тайёрлаш миллий дастури асосида бошланган маърифий ислохатлар ўйлаймиз-ки, IX-XII асрлардаги маърифат тараққиёт «ғилдираги»ни айлантириб юборганидек, миллатимизни маънавий яхшилашга пойдевор бўлади. Лекин маънавиятни иқтисодиётдан ажратиш мутлақо хато бўлгандек, бугунги кунда миллий салоҳиятимизни ривожланишида экологик омилларни зарурлиги миллат равақига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Н.У. Мусаев

(Тошкент Давлат Аграр университети)

СЎНГГИ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРЛАРИДА ЎРТА ОСИЁДА СОДИР БЎЛГАН ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР

Бронза даврининг охирларида Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси суғформа деҳқончилик маданиятини ва хунармандчилик сирларини яхшигина эгаллаган эдилар. Бу даврда асосан шимолий худудлардан Ўрта Осиёга кириб келган кўчманчи чорвадор қабилалар чўл ва дашт зоналарига жойлаша бошладилар. Вақтлар ўтиши билан тубжой аҳолининг ўтроқ ҳаёти ва деҳқончиликка асосланган хўжалиги чорвадорларнинг турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Чорвадор жамоалар ҳам ўзларига дастлаб вақтинчалик бўлсада қароргоҳлар ва маконлар қурганлар. Улар асосан Амударё, Сирдарё ва Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида, тоғ ён бағирларидаги сой бўйларида истиқомат қилганлар. Чорвадор қабилалар маданий ва хўжалик тараққиёти жиҳатидан жанубнинг ўтроқ жамоаларидан анча орқада эдилар.

Моддий манфаатдорлик ва маҳаллий аҳоли томонидан бирор-бир жиддий қаршиликка учрамастик, чорвадор қабилаларнинг деҳқончилик зоналарига кириб келишларини тезлаштирган. Жумладан, мил. ав. II минг йиллик ўрталарида Қозоғистон чўлларида яшаган чорвадорлар (улар фанда «Андроново маданияти» аҳолиси дейилади) аввал Ўрта Осиёнинг шимолий районларига, сўнг эса унинг жанубий чегараларигача кириб борганлар.

Тадқиқотлар қадимги Хоразмнинг Тозабоғёб маданиятини яратган чорвадор қабилалар қисман қадимги сув ҳавзаларининг пастқам ва захкаш қисмларида ибтидоий деҳқончилик билан ҳам шуғулланганликларини кўрсатади. Тозабоғёб маданиятига хос бўлган ярим ертўла турар жойлар, қўлда ясалган ва турли геометрик нақшлар билан безатилган сопол идишлар Қозоғистон ва Сибирнинг чўл зоналаридаги сопол буюмларга ўхшайди. Шуларга асосланиб,

³⁵⁰ Ўзбегим. – Тошкент, 1992 й. 120-бет

³⁵¹ Ўша манба. 122-бет.

С.П.Толстов тозабоғёбликларни Андророва қабилаларининг авлодлари деб ҳисоблаган. Археологик манбаларда бу даврларга оид ёдгорликлардан икки зона аҳолиси ўртасида кескин тўқнашувлар содир бўлганлигига гувоҳлик берувчи маълумотлар учрамаган¹.

Тозабоғёб маданиятига хос бўлган хусусиятлар Зарафшон дарёси этакларида яшаган чорвадор қабилалар ўртасида ҳам мавжудлиги аниқланди. Қуйи Зарафшон уруғ жамоалари яшаган ярим ертўла ва чайлалар, улар ясаган сопол идишларнинг шакли ва нақшлари, ишлов бериш ва пишириш технологияси тозабоғёбликларникидан деярли фарқ қилмайди. Бундай ўхшашликлар, ҳар иккала жамоанинг ўзаро яқин иқтисодий, маданий ва этник алоқада бўлганликларидан далолат беради.

Чўл зоналарида яшаган қабилаларга хос ёдгорликлар Фарғона водийсида ҳам бир қадар кенг ўрганилган. Булар жумласига Водил ва Карамкўл қишлоқларидан топилган қадимги қабристонларни, Хўжанд вилоятидаги Қайроққум маконлари ва Даҳана қабристонларини кўрсатиш мумкин. Қайроққумда ўтказилган тадқиқотлар жараёнида 60 га яқин қадимги манзилгоҳлар топилган. Қайроққумнинг ғарбида жойлашган Шўркўл атрофидаги Тақир ягона деб аталган марказий ва шарқий манзилгоҳлар ҳам шулар жумласидандир. Булардан ташқари, 60 дан ортиқ чорвадор уруғ жамоаларининг мавсумий қароргоҳлари ўрганилди. Бу маконлардан минглаб чизма нақшли сопол парчалари, бронза ва тошдан ишланган меҳнат куроллари, ҳайвон суяклари, кулларнинг қолдиқлари топилди. Сопол парчаларининг нақшлари, шакли, кўпол ва мўртлиги жиҳатдан Тошкент воҳаси, Зарафшон водийси ва Амударё этакларида ўрганилган бронза даври чорвадор қабилалариникига ўхшашдир.

Бронза даврида Қозоғистон чўллари, Жанубий Урал, Олтой ҳамда Жанубий Сибирь худудларида яшаб туркий тилларнинг турли лаҳжаларида сўзлашган кўчманчи қабилаларнинг турмуш тарзи ва маънавий ҳаёти бир-бирларидан деярли фарқ қилмаган. Қадимги хитойчада «бэй» сўзи илк Хитой подшоликлари даврида улардан шимолда яшовчи туркий тилли чорвадор хунну қабилаларига нисбатан ишлатилган. Демак, бу даврда Жанубий Урал, Марказий ва Шарқий Қозоғистон, Олтой ва Жанубий Сибирь минтақаларида яшаган ва археологик манбаларда «Андророва маданияти» деб ном олган маданиятни яратган чорвадор аҳоли туркий тилда сўзлашган².

Юнон манбаларида Евросиё чўл зоналарида яшаган аҳоли скифлар деб аташган. Бу ҳақда Плиний қуйидаги фикрни билдирган: «форсийлар уларни (скифларни - Н.М.) ўзларига яқин яшовчи қабилаларнинг номи билан саклар деб атайдилар»³. Қадимги Эрон манбаларида шак (сак) ҳамда скиф этник номлари учрайди⁴. Қадимги эронликлар Ўрта Осиёнинг чўл зоналарида яшаган қабилаларни шундай этник номлар билан аташган. Эроншунос В.Абаев «Авесто»нинг «Яшт» қисмида тилга олинган турларни Ўрта Осиё саклари билан, «тез чопар отли турлар» ҳамда даной (Сирдарёнинг қадимги номларидан бири) турларини эса Сирдарё бўйларида яшаган саклар деб ҳисоблайди⁵.

Тадқиқотлар Сирдарё ва Амударё оралиғида сак қабилаларининг катта гуруҳлари яшаганлигини кўрсатмоқда. Сак қабилаларининг маданиятида скифлар билан умумийлик мавжудлигига қараб, уларнинг антропологик тузилиши, тили ва турмуш тарзи жиҳатидан Қора денгизнинг шимолий қисми, Қозоғистон чўллари ва Сибирь худудларида яшаган скифларга яқин бўлиши керак деган хулосага келиш мумкин. Беҳистун қояларига ўйиб ишланган суратларда сўғдиёналиклар, бактрияликлар ва хоразмликларнинг ҳам тасвирлари бўлиб, уларнинг тасвирлари сакларга ўхшатиб ишланган. С.П.Толстов қадимги сўғдлар ва хоразмликларнинг тиллари бир-бирларига яқинлигини, шунингдек, Қора денгиз бўйларида яшаган скифларнинг тиллари ҳам уларга яқин бўлганлигини қайд этган.

¹ Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврлардан эрамининг V асригача). – Тошкент, 1994. 61-б.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент, 2004. 667-б.

³ Древние авторы о Средней Азии. – Тошкент, 1940. - С. 126.

⁴ Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах. – М., 1963. –С. 262-269.

⁵ Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. Аоч. XXIV. 1956, №1.

Тадқиқотчилар шаклар асосан тўрт гуруҳдан иборат бўлганлигини таъкидлашган. Буларнинг уч қисми, яъни хаумаварқа, тиграхауда ва тиайтарадарайа шаклари Персепола яқинидаги нақширустам дарасидаги қабр тошларининг ёзувларида учрайди, тўртинчиси эса «сўғдийлардан кейин, нариги томонида» яшовчи шаклар Персеполдаги ҳамда Эқбатондаги ёзувларда акс этдирилган⁶. Антик тарихчилар тиграхауда сакларини массагетлар билан ҳам тенглаштирадilar. Мил. авв. VI-IV асрларда массагетлар йирик қабилалар уюшмаси бўлиб, жумладан, таркибига дербеклар, дахлар, сакарауқлар, апашиаклар, ассианлар ва бошқалар кирган.

Ҳиндларнинг «Махабхарата» достонида баён этилишича, подшо Юдхишхира ўтказган қурбонлик маросимида турли мамлакатлар ва элатлардан келишган меҳмонлар иштирок этишган. Улар орасида Сирдарёнинг шимоли-шарқидан келган шаклар, тоҳарлар ва қанқалар (қанғарлар) ҳам бўлганлиги қайд этилган⁷.

Бу даврда Турон замин кенгликларида яшаган этник гуруҳлар ва қабилалар ўртасида ўзаро яқинлашиш, қўшилиш каби мураккаб жараёнлар кучайган. Бу жараёнлар таъсирида кўчманчи гуруҳларнинг ўтроқлашиш жараёнлари янада тезлашган. Жумладан, Ўрта Осиёнинг Орол денгизи шимоли-ғарби ва жануби-шарқий қисмлари, Тангритоғ ва Олойда туркий тилли гуруҳлар пайдо бўла бошлайди. Бу гуруҳларнинг туб ерли аҳоли билан аралашishi натижасида мил.авв. II – милодий I асрларда (Ўрта Осиё икки дарё оралиғи) типига хос хусусиятлар пайдо бўлган. Милодий эранинг биринчи ярмига оид материалларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида ҳам бу типга хос антропологик гуруҳлар яшаганлиги яққолроқ кўринади⁸.

Сирдарёнинг ўрта оқимларида олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида антик даврига оид муҳим маълумотлар қўлга киритилган. Жумладан, антрополог Т.Хожайовнинг Тошкент воҳасида олиб борган изланишлари Қовунчи маданиятини яратган ўтроқ ва чорвадор аҳолининг ирқий хусусиятларини ойдинлаштиришга ёрдам берди. Тадқиқотчининг хулосаларига кўра, европоид ирқига мансуб бўлган туб ерли халқнинг қиёфаси антик давридан бошлаб ўзгара бошлаган.

Шундай қилиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг II ярмида Ўрта Осиё воҳаларида деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар билан бир қаторда, тоғ олди районлари, чўл ва дашт зоналарида чорвадор қабилалар кенг тарқалган эди. II минг йилликнинг охирида уларнинг деҳқончилик жамоалари худудларига кириб келиши Ўрта Осиёда этник жараёнларнинг фаоллашувига ва ўзаро товар алмашинувининг кучайишига ижобий таъсир кўрсатди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ўтроқ ва чорвадор қабилалар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар мулкрий тенгсизликни тезлаштирди. Натижада, ибтидоий жамоа тузумига зарба берилиб, унинг негизида синфий жамиятнинг шаклланишига замин яратилди. Ана шундай туб ўзгаришлар асосида икки хил хўжалик жамоалари орасида этник алоқалар кучайди. Ўрта Осиё худудида юз берган миграция ва этник жараёнлар ўзбек халқининг дастлабки этник қатламларини шаклланишида муҳим ўрин тутган.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида, деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланган ўтроқ аҳоли ҳамда кўчманчи сак, массагет қабилаларининг ўзаро яқинлашуви ва аралашиб бориши натижасида Ўрта Осиё аҳолиси (жумладан ўзбек халқи)нинг кейинги асрлардаги этник таракқиётига замин яратилган деган хулосага келиш мумкин.

⁶ Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. –Т.: «Фан», 1990. 8-б.

⁷ Махабхарата. Книга 1-2. –М.-Л., 1956-1962.

⁸ Ходжайов Т.К. Краткие итоги изучения антропологии Средней Азии в связи с проблемами этногенеза узбекского народа. В кн: Материалы к этнической истории населения Средней Азии. –Т., 1986. –С. 94, 95.

ЭТНОГЕНЕЗ УЗБЕКСКОГО НАРОДА В ПЕРИОД ТЮРКСКОГО КАГАНАТА

Народ, давший название нашему государству и издавна проживающий на данной территории – это узбеки. В основе формирования узбекского народа лежит длительный исторический процесс.

Первым этническим пластом, вошедшим в состав узбекской народности, было древнее население края - согдийцы, бактрийцы, хорезмийцы, кангюйцы, а также широко расселившиеся по территории Средней Азии представители крупнейших кочевых империй – кушаны, древние хунны, эфталиты. Эти племена являются историческими предками узбекского народа.

Второй этнический пласт этногенеза узбеков начиная с эпохи раннего средневековья составила следующая мощная волна тюркоязычных племен – древние тюрки и позже гузы, кипчаки и караханиды также широко расселившиеся на данной территории. В результате к концу X – XI вв. узбеки в основном сложились как народ. Новые пласты добавлялись и в дальнейшем, особенно в XVI-XVIII вв. Тогда же и пришло название «узбек».³⁵²

Тюрки – крупнейший этнический пласт, вошедший в состав узбекского народа. Сам этнический состав тюркоязычных групп населения Средней Азии за длительный исторический период подвергался серьёзным изменениям.

К середине VI в. н.э. из объединения племен и народов Алтая, Семиречья и Средней Азии сложилось крупное политическое объединение - «тюрков», распространившее свою власть и влияние на огромное пространство Евразийского континента. Вхождение территории региона в обширное государство - Тюркский каганат - было одним из важных этапов в формировании узбекского народа, определившим многие черты его этнического облика, языка и культуры.

Период раннего средневековья в истории Узбекистана отмечен бурными политическими событиями, частыми вторжениями завоевателей. И в то же время были развиты древние торговые маршруты ВШП, определившие направление культурных контактов с Востока на Запад. Связанная с этими факторами подвижность населения определила общность этнической истории многих народов Центральной Азии.

Огромную роль в формировании этнических процессов в Средней Азии играли традиционные связи населения земледельческих оазисов и скотоводческих тюркоязычных племён.

На протяжении многих веков кочевники и полукочевники большими миграционными потоками и мелкими группами непрерывно переселялись в оазисы, оседали среди земледельцев, постепенно смешиваясь и сливаясь с местным населением. Этот процесс, сопровождавшийся тюркизацией части жителей оазисов особенно усилился во второй половине VI в. в период Тюркского Каганата.

После распада каганата на две части: Восточнотюркской и Западнотюркской, оседло-земледельческие оазисы Моварауннахра и Хорезма оказались под верховной властью Западнотюркского каганата.

Период вхождения Средней Азии в Тюркский каганат характеризуется активным сотрудничеством местного населения и кочевников в рамках международной торговли и дипломатии по древним трассам ВШП.

Такое экономическое сотрудничество определялось не только территориальной общностью подданных одной империи. Во многих областях Средней Азии наблюдалось интенсивное включение тюрков в сферу городской оседлой цивилизации, перенимание

³⁵² О.Ата-Мирзаев, В. Геншике, Р. Муртазаева. «Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект». Ташкент, 1998.

традиционных форм ремесла. Тюрки имели большой опыт добычи и плавки железа. В то же время многие кочевники перенимали технику возделывания сельскохозяйственных культур и переходили к оседлости. Создание поселений согдийскими колонистами в Центральной Азии способствовало не только развитию торговли и оживлению экономической жизни в глубинных районах степи, но и проникновению сюда сельскохозяйственной техники, земледелия и орошения. Это привело к перестройке общественного и семейного быта, перенятию культурных традиций, обрядов, связанных с земледелием. Происходило формирование единой системы ценностей для двух групп населения.

Китайский путешественник Сюань Цзань посетивший страну в 630 году, в своих хрониках отметил, что уже в VII веке вся территория между Амударьёй и рекой Чу в культурном отношении представляла одно целое - одежда, письмена, язык - были всеобщепотребительны.

Материальная культура Средней Азии времени её вхождения в каганат отражает общность местных оседлых народов и кочевников тюрков. Это особенно ярко проявлялось в предметах, связанных с аристократической средой среднеазиатского общества, позволяя делать выводы о складывании в этот период синтеза местных и кочевых культур.

Археологические находки на территории современного Узбекистана вещественных источников показывают, что в VI-VIII вв. в регионе сформировался особый художественный стиль, который объединял традиции восточно-степных народов и преемственность местных культурных форм оседло-земледельческого населения.

У истоков раннесредневекового синтеза культурных традиций стоит местное культурное наследие. Главным содержанием искусства этого периода становится мифология и прославление царствующих особ.

Знаменитая настенная живопись в Самарканде (дворец ихшидов); живопись в резиденции владетелей Бухарского оазиса (руины дворца - на Варахше) - явления исключительные; свидетельство эпического склада художественного мышления согдийских мастеров. Настенную живопись дворцов отмечает огромная сюжетная и предметная насыщенность - это настоящий исторический источник, энциклопедия сведений о жизни народа и художественных традициях того времени. Она отвечает нравственному и эстетическому идеалу не только местного населения, но и созвучна легендам древнего героического эпоса степных народов.

С VI века, с появлением общности исторических судеб народов, населявших территорию страны, постепенно складывалось единство вкусов, эстетических канонов, нравственных критериев, традиций, черт быта, произошел, так называемый, «Среднеазиатско-тюркский синтез».

Когда мы рассуждаем о культуре, тем более, о её взаимосвязи с вопросами этногенеза, большое значение приобретает проблема формирования языка народа, которая неразрывно связана с историей происхождения и формирования носителей данного языка.

Процесс этнического сплачивания разных племен в период вхождения Средней Азии в каганат сопровождался сближением их языков, происходило развитие не только народа, формировался единый язык, всеобщепотребительный для различных этнических групп населения, проживающих на данной территории.

Диалектический состав современного узбекского языка отражает всю сложность компонентов, обширную группу говоров и языковых особенностей, которые легли в основу языка.

Часть тюрков, которая не подверглась влиянию местного зороастрийского населения, продолжала исповедовать шаманизм, культ предков, культ «духа синего неба» (Тангри), Земли - Воды (Ер-Сув) и христианства - которые являлись культурами каганата.

В период политического господства на территории Средней Азии тюрки практиковали религиозную и культурную толерантность, открытость к восприятию новых религиозных идей.

Эпоха Тюркского каганата отличалась веротерпимостью, наличием множества религиозных систем, которые исповедовало население. На территории некоторых областей религиозные обычаи и обряды тесно переплетались и образовывали синтез религиозных убеждений. По мнению А.Н. Бернштама «в Семиречье появились в этот период новые синкретические формы религиозного культа на основе занесенного согдийцами — переселенцами зороастризма и «шаманских воззрений тюрков».

Этническая история народа в эпоху Тюркского каганата определилась консолидацией тюркских племен, заложив основы формирования крупного тюркского этнического пласта на базе ряда тюркоязычных племен Средней Азии.

Т.Ниёзметова
(Низомий номидаги ТДПУ)

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

«Тил ҳалқнинг маънавий, кўп асрлик ҳаётининг энг тўлиқ ва энг ҳаққоний йилномасидир»³⁵³

Тил инсонга ва инсон жамиятга хос бўлган ижтимоий ҳодисадир. Инсонлар тилдан ўзаро алоқа воситаси сифатида қадим-қадимдан фойдаланиб келганлар ва келмоқдалар.

Тил маълум бир фикрни ифодалайди, шунингдек одамлар гаплашганда бир-бирларига ўз фикрларини билдирадилар, ўзаро фикр алмашадилар. Гаплашув, фикр алмашув жараёнида инсон ўз фикрини янада кўпроқ тўлдиради ва ривожлантиради. Тил фикр билан чамбарчасть боклик. Тил ҳам онг каби эскидир. Онг, фикр пайдо бўлиши билан тил ҳам пайдо бўлган. Аммо ибтидоий тил тузилиши жиҳатидан содда, мазмун жиҳатидан мураккаб, қоришиқ (диффузия) бўлган. Фикр, тушунча, ривожланиш, табақаланиш билан тил ҳам ривожлана бошлаган, ҳар бир тушунчани, фикрни ифодалаш учун айрим сўз, ибора, гаплар қўллана бошлаган.

Тил бу тизимдир. Унинг соҳалари-товушлари, сўзлари, қўшимчалари, гап қурулиши бир-бири билан боқланиб, ягона бир тизимни ташкил этади. Сўз ва товушдаги ўзгариш гап ва қўшимчалардаги ўзгаришларга олиб келади. Ўз тилига эга бўлмаган бирорта ҳам катта ва кичик бўлишидан қатъий назар ибтидоий жамоа бўлмаган. Тахминий ҳисобларга кўра дунёда 1300 халқ ва элат бўлиб, 3000 га яқин тил бор.

Айрим тилларда жуда озчилик (камасинилар-200, карагаслар 600 киши) гаплашса, баъзи тиллар, айтайлик инглиз тилида бир неча давлат халқлари-Америка, Англия, Канада| испан тилида эса Мексика, Куба, Чили каби 20 дан ортиқлари Лотин Америка халқлари гаплашади.

Демак, бир тил икки ва ундан ортиқ миллатга хизмат қилиши мумкин. Уларнинг ижтимоий-маърифий моҳияти шундаки, бу тиллар бир-бирига таъсир кўрсатади, бир-бирига сўз иборалар ўтади.

Масалан, Юнон (грек), миср каби мамлакатларда ёзув милоддан аввал пайдо бўлган. Ўрхун-Енисей ёдномалари (булар бизнинг ўзбек тилимизнинг мулки) V-VI асрларда Ўрхун-Енисей бўйларида юзага келганлиги аниқланган. Шу билан биргаликда бир мунча халқлар ўз ёзувларига эга эмаслар (бир қатор Африка элатлари, Сибирь ва Кавказдаги баъзи элатлар XX асрнинг 20-йилларидагина ўз ёзувларига эга бўлганлар).

Ўзбек тили XI асрдан мустақил тил сифатида шакллана бошлаган ва XIV асрда умумхалқ адабий тили вужудга келган (у даврда ўзбек тили (туркий) номи билан юритилган).

Ўзбек тили мустақил тил сифатида шакллангунча, яъни XI асргача қайси тилда гаплашганлар? Деган савол туғилиши табиий. Ҳозирги туркий тилда сўзлашувчи халқлар ва ўзбеклар XI асргача қадимги туркий тилда гаплашганлар.

³⁵³ Ушинский К.Д. Таълим ва тарбия масалалари. –Т. 1959. 399-бет.

Масалан, Юсуф Хос Хожибнинг «Кутдағу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари қадимги туркий тилда ёзилган ёдгорлик бўлиб ҳисобланади.

Демак, ўзбек тили XI асрдан бошлаб қадимги туркий тил асосида шакллана бошлаган. Туркий халқлар ичида ўзбек халқининг шаклланиши муаммоси мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбек халқи узоқ йиллик тарихга ва бой маданий меросга эга бўлган қадимги туркий халқлардан биридир. Археологик қазилмалар, ҳозирги замон тилидаги айрим этнографик ва топонимик номлар, қадимги туркий ҳамда Эрон, Юнон ва Хитой ёзма ёдгорликлари ўзбек халқининг энг қадимги тарихини ўрганишда манба бўлади. Бу манбалар асосида эрагача (милодий санагача) VII асрларда Ўрта Осиё территориясида қандай қабила ва уруғлар яшаганини билишимиз мумкин.

Ўрта Осиёнинг бизга маълум бўлган энг қадимги маҳаллий аҳолиси юнон манбаларида скифлар номи билан юритилган. Эрон манбаларида улар саклар деб номланади.

Қадимги юнон тарихчиси Страбоннинг (милодгача I асрлар) айтишича, бу ерларда саклардан ташқари массагет уруғлари ҳам истиқомат қилганлар.

Массагетлар Аму ва Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаб, бутун Закаспий текислигини ва Хоразм воҳасини эгаллаганлар.

Саклар массагетлардан шарқроқда, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида яшаганлар.

VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда Турк ҳоконлиги вужудга келди. (VI-VII асрлар). Бу давлат VIII асргача (араблар истилосигача) ҳукмронлик қилди. Тили туркий, ёзуви – руний ва суғд ёзувлари эди³⁵⁴.

Маҳмуд Қошғарийнинг айтишича, унинг даврида ҳам туркча, ҳам суғдча ёки ёлғиз туркча гапирувчилар бўлса ҳам, аммо ёлғиз суғдча гапирувчи уруғлар бўлган эмас.

VII аср охирларидан Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланди. IX-X асрлар мобайнида сомонийлар давлати ҳукмрон бўлади.. бу даврда маданият анча ўсади. Араблар ҳукмронлиги даврида араб тили расмий тил ҳисобланган бўлса, сомонийлар даврида расмий тил форс тили эди. X аср охирларида қорахонийлар давлати вужудга келади, иккинчи томонда ғазнавийлар ва салжуқийлар.

Қорахонийлар даврида фан, маданият ва адабиёт ўсади. Бу даврда машҳур «Кутадғу билиг» ва «Девону луғотит-Турк», «Хибатул-ҳақойиқ» яратилади.

XIII аср I чорагида ва XIV асрнинг I ярмида Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлик қилдилар. Бу даврда илм, маданият ва адабиёт анча тушкунликка учради.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан Темур бошчилигида катта территорияда қудратли давлат вужудга келди. Бу даврда илм, маданият ва адабиёт раванқ топди. Темурнинг ташаббуси билан давлат ишлари туркий (эски ўзбек) тилида юргизилади, шоир ва ёзувчиларни туркий (эски ўзбек) тилида ижод қилишга даъват этилади.

Ўзбек халқи ва тили XI-XIV асрларда турк номи билан, XV асрдан чигатой турки, аниқроғи эски ўзбек тили номи билан аталади.

XVI асрда маданият ва адабиёт анча таракқий этади. Адабий асарлар асосан ўзбек тилида ёзилади.

Туркшунос олимлар ўзбек тили тарихини турлича даврлаштирадилар.

Тилшунос олимлардан С.А. Малов ўзбек тили тарихини 3 даврга бўлади³⁵⁵.

А.Н.Самойлович ҳам 3 босқичга бўлиб, ҳозирги замон ўзбек адабий тилини учинчи давр адабий тилининг давоми деб тушунтиради³⁵⁶.

А.К.Боравков³⁵⁷, Н.А.Басканов³⁵⁸, А.М.Шчербак, ўзбек туркшунос олимларидан олим Усмонов ва бошқалар туркий тилларнинг тарихига тўхтаб, тилнинг таракқиётини турлича даврлаштирадилар³⁵⁹.

³⁵⁴ *Ф.Абдураҳмонов, Ш.Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1973. 11-12-бетлар.*

³⁵⁵ *Малов С.А. Памятники древнетюркской письменности. –М.-Л., 1951. 221-222-бетлар.*

³⁵⁶ *Самойлович А.Н. К истории литературного среднеазиатско-турского языка. Сб. Л., 1928. 1-23-бетлар.*

³⁵⁷ *Боравков А.К. Очерки истории узбекского языка. Ученые записки ИВАН СССР. XVI. М.-Л. 1958. 213-214-бетлар.*

Ўзбек тили тарихини даврлаштиришда ўзбек тили тарихини ўзбек тили шаклланган даврдангина (XIV-XV асрлар) бошлаш нотўғри бўлади деган фикрга қўшилиш жоиз. Чунки XIV-XV асрга келиб шаклланган ўзбек тили узоқ йиллик тарихий тараққиёт маҳсули эди. Қадимги туркий қабила ва уруғ тиллари ўзбек тилининг шаклланишида асос бўладилар.

Ўзбек адабий тили тарихида қуйидаги даврлар ажралиб туради:

1. Энг қадимги туркий тил (VII асргача бўлган давр).
2. Қадимги туркий тил (VII асрдан XI асргача).
3. Эски туркий тил (XI асрдан XIII асргача).
4. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асргача).
5. Янги ўзбек адабий тили (XIX асрдан XX аср бошларигача).
6. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Адабий тил асос эътибори билан умумхалқ тилининг ижодий бойитилган ва қайта ишланган шаклидир. Тилни халқ яратади. Халқнинг маданий ва ижтимоий-тарихий тараққиёт ўз изларини, биринчи галда тилда қолдиради.

Демак, 1. Энг қадимги туркий тиллар бўйича бирор ёзма ёдгорлик қолган эмас, аммо ўзбек тилининг шаклланишига асос бўлган. 2. Қадимги туркий тил-турк ҳоконлиги барпо бўлгандан (VII аср) то Қорахонийлар давригача (X-XI асрлар) бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда рун, уйғур, суғд, манихей, брахма ёзувларида ёзилган ёдгорликлар ҳозиргача етиб келган. 3. Эски туркий тил – бу босқич Қорахонийлар давлати барпо бўлиш даври билан бошланади. 4. Эски ўзбек адабий тили. XIV асрга келиб умумхалқ ўзбек адабий тили вужудга келди. Эски ўзбек адабий тили чигатой тили номи билан ҳам юритилади. Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилини асарларида юқори нуқтагача кўтаради. Навоий бу тилда катта адабий ва илмий мерос қолдирди. Унинг «Чор девон» ва «Хамса» номли поэтик асарлари, «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолисун нафоис», «Мезонул авзон», «Муҳокаматул луғатайн» каби ўнлаб прозаик асарлари эски ўзбек адабий тилини камолотга етказди.

Янги ўзбек адабий тили XIX асрнинг II ярмига келиб прозаик асарларгина эмас, поэтик асарлар ҳам жонли тилга яқинлашади. Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирларнинг асарлари ана шулар жумласидандир.

XX асрнинг 30 йилларига келиб ҳаммага тушунарли бўлган ҳозирги ўзбек адабий тили шаклланди.

Н. Бегалиев

(Самарқанд Давлат чет тиллар институти)

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЭТНИК ГУРУҲЛАР ЎРНИ

Ўзбек халқининг этногенезида ҳар хил тил оилаларига оид компонентларнинг иштироки ҳақида гап кетганда, бу жараёнда туркий тилга мансуб қатлам асосий ва ҳал қилувчи рол ўйнаганлигини таъкидлаш жоиздир. Бошқа тил оилаларига мансуб халқларнинг ўзбек миллати таркибига сингиб кетиши, аралашини уларнинг асрлар давомида ёнма-ён яшаш тарзи, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, урф-одатларнинг яқинлиги ва бошқа жиҳатлар билан белгиланади.

Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида фаол иштирок этган этник бирликлар унинг антропологик, этнографик жиҳатларида, шунингдек, топонимия ва этнонимиясида чуқур из қолдирган.

Туркий (жумладан, ўзбек) қабилалар, уруғлар ва уларнинг тармоқларига бўлган қизиқиш жуда қадимдан бошланган бўлиб, биз уларни хитой, араб, форс-тожик ва туркий тилларда яратилган ёзма битикларда кўплаб учратамиз. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий (XI аср), Тохир ал-Марвазий (XI-XII аср), Муҳаммад ибн Мансур Марвирудий (XIII аср) ва бошқаларнинг

³⁵⁸ Баскаков Н.А. *Алтайский язык. М., 1958.*

³⁵⁹ Ўрта Осиё давлат университети. *Асарлари. Ўзбек тили масалалари. –Тошкент, 1957.*

асарларида туркий қабилалар ва уларнинг тарихи, ареали ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди.

Ўтмишда яратилган ёзма битиклар, шунингдек, халқ орасида сақланиб қолган этнонимик манбалар, географик номлар ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва этнографияси юзасидан тадқиқ ишлари олиб борган олимлар К.Шониёзов, Х.Дониёров, Б.Х.Кармишева, Т.А.Жданко, Л.С.Толстова ва бошқаларнинг ишларида самарали фойдаланилган.

Тадқиқотлар XVI асрдан XX асргача ўзбек халқининг таркибига энг сўнгги компонент сифатида қўшилган этнографик бирликка бу ерда азалдан яшаб келган қадимий ва илк ўрта асрга оид халқлар сингиб ягона бир миллат шаклланишини кўрсатади. (1. 10-11). Шунга қарамасдан, XIX-XX аср бошларига қадар ўзбекларнинг бир қисми асрлар давомида бўлиб келганидек, бир қатор йирик қабилаларга бўлинган. Улар ўз навбатида янада кичикроқ гуруҳ ва тармоқларга ажралганлар.

Этнонимларни аниқлаш, этник гуруҳлар номларини, тарихини ўрганиш ўзбек халқининг этногенезини ёритишда муҳимдир. Бу борадаги тадқиқот ишлари анча аввал бошланган бўлса-да, бироқ ҳозирга қадар ҳам мазкур мавзу долзарб бўлиб қолмоқда. Шу сабабли этнонимлар юзасидан олиб борилаётган изланишлар тарихчи, этнограф ва тилшунос олимларнинг диққат марказидадир.

Этник гуруҳ аниқ бир халқнинг (қабила, қабила иттифоқи, элатнинг) парчаланиб, алоҳида бўлиниб кетиши натижасида вужудга келади. Ўз халқидан (қабила элат) ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, ўзларини шу халқ номи билан атайдиган бўлади. Аммо шу билан бирга бу гуруҳ ўз этник номини, ўтмишда қайси қабила элатга мансуб эканлигини, баъзи анъаналарини сақлаб қолади. (2. 78-79).

Йирик этнографик гуруҳлар ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда анча муфассал баён қилинган. Улар таркибидаги этник гуруҳларнинг ўрганилиши эса аста-секин унутилиб бораётган этнонимлар (аниқроғи, генеонимлар) ва улар ҳақидаги маълумотларни сақлаб қолишда муҳим. Чунки улар халқ хотирасидан тез ўчади. Ҳозирги пайтда, ёшларни ҳисобга олмаганда, ўрта ёшли кишилар ва ҳатто кексалар ҳам ўзлари мансуб қабила ва унинг тармоқлари ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас. Ваҳоланки, уларнинг айримлари ўтмишни ўрганишда, этник бирликлар билан боғлиқ географик номларнинг этимологиясини изоҳлашда катта амалий аҳамиятга эга. Қуйида шундай этник бирликлардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбек халқининг этногенезида иштирок этган минг (туман минг, мингия деб ҳам юритилади) қабиласининг таркиби мураккаб эканлиги кўпгина олимлар томонидан қайд қилинган. Топонимист Т. Нафасов минг қабиласи номи аҳолисининг миқдорига нисбатан кўйилганлигини кўрсатади (3. 114). Профессор Х. Дониёров ҳам таркиб жиҳатдан мураккаб бўлган бу қабиланинг асосий қисми сиполашиб, ўзларининг уруғ тармоқларини унутиб юборишган, деган фикрни билдирган ва дала материаллари асосида унинг вохтамғали, тўғали, боғлон, ўрамас, жарат, рамадон, жалмат уруғлари ҳақидагина ёзади (4. 83). Бироқ кейинги даврлардаги изланишлар мазкур қабила ҳақидаги маълумотлар анчагина кенг эканлигини кўрсатди. Жумладан, XIX асрнинг сўнгги чорагидаги минглар ҳақида А.Д. Гребенкин берган маълумотлар ўзининг бирмунча тўлиқлиги билан ажралиб туради. Унинг айтишига кўра, Зарафшон округидаги минглар учта йирик уруғдан иборат бўлиб, улар ўз навбатида қуйидаги тармоқларга бўлинган:

1) тўғалилар (аҳмад, чағир, туннамоз, оқшиқ ва бошқалар). 2) боғлонлар (чибли, мирза, қора ва бошқалар). 3) вохтамғалилар (алгал, чавутжайли, ўрамас, тўкнамоз, кийикхўжа, ярат) (5. 334). Ургут туманидаги Жавтук-Алгал қишлоғида истиқомат қилувчи Ислом бобо Мусаев (1997 йил, 94 ёш) мазкур қабиланинг тўғизсари (Юқори Равот, Паст Равот, Штоб қишлоқлари), жонсийит, мурғи тармоқлари ҳақида ҳам маълумот берди. Булардан ташқари, бу қабила таркибида боймалиқ, аллот, қорағўйли, тошат, қозон, хитой, уйғур, қалмоқ, монаш, каллар, қорапоча, қорапачоқ, эрганак, болтали, чийриқ, кийик, дрдув ва бошқа тармоқларнинг номлари ҳам учрайди. Улардан айримлари бошқа қабилалар таркибида ҳам учрайди. Айримлари топоним сифатида тилимиздан ўрин олган. Жумладан, Юқори Алгал

(Ургут тумани) қишлоғидаги тошат тўп генеоними ҳам кўнғирот қабиласи таркибида, ҳам Фарғона округининг Бувайда тумани ва Тошкент округининг Хаваст (Хавоси) туманида Ташат номли қишлоқлар номида қайд қилинган (1926 йил аҳоли рўйхати маълумотларидан) (6. 169-201) Худди шунингдек, Ургут туманидаги Мирзақишлоқ қишлоғидаги дрдуд генеоними М.Кошғарий, Рашид ад-дин Ҳамадоний, Абулғози асарларида ўғуз қабиласи деб кўрсатилган (худди шу тумандаги Ипакли қишлоғида Дрдударик гидроними ҳам бор). Дрдуд, дурдурга қабиласи ҳозирги туркман халқи таркибидаги йирик қабилаларидан биридир. (7. 86-87). Алгал, Қайрокли, Ёмонтелпак қишлоқларидаги (Ургут тумани) қорағўйли генеоними эса қирқ қабиласи таркибида учраганидек, туркманларда ҳам мавжуд.

Генеонимлардан айримларининг халқ хотирасида узоқ сақланиб қолиши уларнинг яшовчанлигини кўрсатади. А.Д.Гребенкиннинг мақоласида қайд қилинган фактлар юзасидан тадқиқ ишлари олиб борганимизда, баъзи генеонимларни топонимлар таркибида учратдик. Чунончи, Ўроквойжар қишлоғида (Ургут тумани) Чағир гузар ва Аҳмад гузар топонимлари ёзиб олинди, шу тумандаги Санчикул, Бешкапа қишлоқларида ҳам Аҳмад гузар номлари қайд қилинди. Шунингдек, мазкур тумандаги Қинғир, Равот, Мирзақишлоқ қишлоқларида ўрамас тўп генеоними ҳақида маълумотлар учрайди.

Худди шундай генеонимлардан бири сифатида «чибни» атамасини кўрсатиш мумкин. «Чибни» сўзи генеоним сифатида ҳам, жой номлари сифатида ҳам кўплаб учрайди. Юқорида қайд қилганимиздек, минг қабиласининг уруғ тармоқларидан бири «чибли» сифатида тарихий манбаларда қайд қилинган. Мазкур генеоним Чибитовул (Митан туманидаги Бозоржой қишлоқ кенгаши худудида), Чибинқишлоқ (шу тумандаги Кўшработ қишлоқ кенгаши худудида) (6. 108-110). Чивинмахалла (Самарқанд туманининг Сочак қишлоғи маҳалласи) каби топонимларда, шунингдек, Ғаллаорол туманидаги (Жиззах вилояти) «чивинтўп» (филология фанлари номзоди А.Туробов маълумоти), Қарноқ қишлоғидаги (Қозоғистон Республикаси, Туркистон тумани), «чибин» каби генеонимларда учрайди. Кўринишдан ирония тарзида қўйилган номларга ўхшаш бу генеонимлар узоқ ўтмишга оид атамалар бўлиб, фонетик ўзгаришга учраганлиги туфайли, унинг маъносида «силжиш» рўй берган. Мазкур Лексема М.Кошғарийда «жапни», Рашид ад-динда «чибин» шаклида қайд қилинган. Ўғуз қабилаларидан бири сифатида кўрсатилган бу атама маъносини Рашид ад-дин «жанговар» маъносидаги сўз деб изоҳлаган. (8. 89)

Кейинги изланишлар чибни қабиласи ҳақида маълумотлар анча қадимий манбаларда ҳам учрашини кўрсатади. Жумладан, илк ўрта асар муаррихи Вэй шоу (506-572) томонидан 551-554 йилларда битилган «Вэй шу» («Вэй сулоласи тарихи») асарида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Гаочэ қадимги чиди (турк этнонимининг хитойча транскрипцияси)ларнинг авлодидир. Дастлаб (гаочэ) дили деб аталган. Шимолда улар чилэ деб номланган. Хитойлар уларни гаочэ динлин дейишган. Уларнинг тили гунлар билан ўхшаш, озгина фарқ қилади. Айтишларича, уларнинг ота-боболари хунн хукмдорининг жияни бўлган. Уларнинг таркибида ди (чиди, қизил тура), бяохэ (уйғур) холной (хугурсу), цзеби (чибни), хугу (қирғиз), ицицинь (илтегин, эркин, еркин) каби қабилалар бўлган». Мазкур манбадаги маълумот чибни қабиласи ҳақида илк битикдир. Шунингдек, тарихчи Ли Яньшоу 643 йил ёзиб қолдирган «Бэй ши» («Шимолий сулола тарихи») асарида тўққизўғузлар таркибига кирган чибни қабиласи ҳақида шундай дейди. «Ғарбда Иву, Ивергул (Кумул, Камулнинг қадимги туркий номи, хитойлар Ҳами деб атайдилар), шимолда Яньци (Шарқий Туркистондаги ҳозирги Қарашор шахрининг қадимий номи) ва Байшан (Тангритғ, хитой тилида Тянь-Шань) яқинида циби (чибни)лар истиқомат қилдилар.

Циби (чибни) қабиласи ҳақидаги маълумотлар «Цзю Тан шу» («Тан сулоласининг эски тарихи»), Юань Шу (1131-1205) нинг «Тунцзянь цзиши Бэньмо» («Бошқарувда ёрдам берувчи воқеаларнинг узлуксиз баёни») каби асарларда ҳам бор (9. 9-35).

Бизнинг ча циби, цзеби (чибни), чапни, чипни, чибли этноними ўғуз халқи таркибидаги йирик этнографик гуруҳ бўлиб, у давр ўтиши билан ўзбек халқи таркибида этник гуруҳ сифатида сақланиб қолган. Мазкур сўзнинг асл маъносини унутган халқ тилида у чибин, чивин, чибит шаклларида талаффуз қилина бошлаган.

Демак, ўзбек халқининг шаклланишида, қадимий қабилаларнинг кейинчалик этник гуруҳ сифатидаги иштироки ва уларнинг генеоним ёки топонимлар тарзида сақланиб қолганлиги бундай атамаларни ўрганиш тарих, этнография, тилшунослик, диалектология ва этимология масалаларида амалий аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Адабиётлар рўйхати:

Шониёзов К. К этнической истории узбекского народа –Ташкент, Фан, 1974.

Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни –Тошкент, Шарқ, 2001.

Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати –Тошкент, Ўқитувчи, 1988.

Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажараси ва шевалари –Тошкент, 1968.

Гребенкин А.Д. Минг. «Материалы для статистики Туркестанского края», Ежегодник, Вып. 3, 1874.

Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 г. в Узбекской ССР. Вып. 1. Поселенные итоги. г.Самарканд. Изд.ЦСУ УзССР, 1927.

Брюллова–Шаскольская Н. Племенной и родовой состав туркмен. «Народное хозяйство Средней Азии». Ташкент. 1927, №4. С. 92; Д.М. Овезова. К вопросу о родовом составе гоклен. Изв.АН Туркменской ССР. Серия общественных наук, №4, Ашхабад, 1960.

Рашид ад-дин. Сборник летописей. Ташкент, 1. Кн. 1. – М.- Л., 1952.

Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии –Ташкент, Фан, 2003.

МУНДАРИЖА

А. Асқаров. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари	3
Ш.Б. Шайдуллаев. Ўзбекистоннинг бронза даври аҳолиси этник таркиби хусусида айрим мулоҳазалар	10
А. Хўжаев. Ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда хитой манбаларининг аҳамияти	13
А. Ходжаев. Сведения китайских источников о «юэчжи»	17
А. Анорбоев. Ўрта Осиё этногеографиясидаги баъзи-бир долзарб муаммолар	28
М. Исҳоқов. Туркий халқларнинг келиб чиқиши ва маконига доир баъзи мулоҳазалар	30
Абдухалиқ Абдурасул ўғли Айтбаев. Хитой манбаларида туркий халқлар аждоди рунг-дилар	31
К. Ходжаев. Китайский историк о путях миграции и месте возрождения потомков ашины - племени тюрк	37
Ғ. Бобоёров. Илк ўрта аср манбаларида туркистон атамаси	40
А. Отахўжаев. Турк хоқонолиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари)	43
Ш.С. Камолитдин. О методах определения этнической принадлежности древних народов Средней Азии по данным письменных источников	46
Дж. З. Мирзаев. Собственные имена в системе этнической атрибуции средневекового Термеза	51
А. Аширов. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар	53
Ю.М. Халимбетов. Миллий менталитетимиз – истиқлолимиз таянчи	56
А.Ҳ. Арифбаев, С.Қ. Қораев. Ўзбек халқи этногенезини ўрганишда этнонимларнинг роли	60
Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамова. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон этномаданий муҳитида қанғлилар (Нурота воҳаси материаллари асосида)	65
А.М. Маликов. К этнической истории узбеков Бухарского оазиса в XIX - начале XX вв.	67
Х.Тангирова, Ф.Тожиева. Ўзбек элатининг шаклланиши ва унинг ривожланиш босқичлари	70
Н.У. Мусаев. Сўнгги бронза ва илк темир даврларида ўрта осийда содир бўлган этник жараёнлар	72
М.А. Кохановская. Этногенез узбекского народа в период Тюркского каганата	74
Т. Ниёзметова. Ўзбек тилининг шаклланиши	77
Н. Бегалиев. Ўзбек халқининг шаклланишида этник гуруҳлар ўрни	79

**«Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар,
этногенетик ва этник тарих»**

Республика илмий-назарий семинар материаллари

Тошкент шаҳри

2004 йил 19-20 ноябрь

**«Происхождение узбекского народа: научно-методологические подходы,
этногенез и этническая история»**

Материалы Республиканского научно - теоретического семинара

19-20 ноября 2004 года

город Ташкент

Масъул муҳаррир:

А.А. Аскарлов.

Муҳаррир

Ш.Б. Шайдуллаев

Тех. муҳаррир

Т.Ҳ. Очилов

2004 йил 12.09. теришга берилди. 2004 йил 11.11да босишга рухсат этилди.
Қоғоз ўлчами 60x90 1/8. Нашриёт ҳисоб табағи 10. Адади 200 нусхада. Буюртма 109.

ЎзР ФА Археология институтида чоп этилди.
703051. Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 3.